

# KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL  
2019, № 4



## Hurmatli jurnalxonlar!

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririysi sizni  
o’zaro hamkorlikka taklif etadi.**

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

# KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование  
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal  
2019-yil, 4-son

## Muassislar:

Oliy va o'rta maxsus ta'limgazalarini vazirligi,  
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi  
bosqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta  
tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV  
Bosh muharrir o'rinnibosari: SH.QURBONOV  
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

## Tahrir hay'ati:

B.B.SOBIROV, R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV,  
F.X.RIZAYEV, H.SH.RAXMONOV,  
SH.T.ERGASHEV, O'.D.XIDIROV,  
O'.S.XUDAYBERDIYEV, X.F.MASUDOV,  
A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV, A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.  
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,  
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlari  
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi  
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori  
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dessertatsiyalar  
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishiga  
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani  
Universitet ko'chasi, 2-uy  
Tel.: 90-979-75-89; 94-677-90-32;  
90-973-95-15.  
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,  
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul  
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri  
kelmasligi mumkin.  
Tahririyatga yuborilgan maqolalar tahrir etilmaydi  
va egasiga qaytarilmaydi.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"  
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: \_\_\_\_\_ 2019-yil. Bichimi  
60x84 1/8

Bosma tabog'i 10. Adadi 830 nusxa.  
Buyurtma "BUSINESS PRINT PLUS" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili: Toshkent shahri, So'gali ota  
ko'chasi, 5-uy.

# МУНДАРИЖА

## ПЕДАГОГИКА

Н.Н.Каримова	Профессионал таълимда маҳсус фанларни ўқи-тишда инновацион ёндашув .....	2
У.М.Ярлакабов	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлашни шакллантиришнинг самарали усул ва методлари .....	5
Д.А.Сайфуллаева	Жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлашда маҳсус фанларни индивидуал ёндашув асосида ўқитиш мазмуни ва аҳамияти .....	9
З.К.Исмаилова, Д.Мустафоева	Ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари .....	13
Х.Ш.Кадиров	Талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришнинг назарий масалалари .....	17
Д.Ф.Джалолова, Д.А.Сайфуллаева, А.Ю.Исаев	Маҳсус фанлардан талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган амалий машғулотларни хорижий таълим фаол методлардан фойдаланиб ўтказиш методикаси .....	21
А.Д.Юсупов	Развитие методической компетентности воспитателя дошкольного образовательного учреждения .....	29
N.S.Xo'jayarova	Umumiy o'rta ta'limgazalarini metod va vositalarini modernizatsiyalashning didaktik prinsiplari .....	33

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ

О.Б.Сарманов	Профессионал таълими муассасаларининг ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий ва педагогик маҳоратини ривожлантириш .....	39
Г.Ш.Арипова	Касб-хунар таълими муассасаларида ёшларда ах-борот маданиятини шакллантиришнинг педагогик муаммолари ..	43

## ПСИХОЛОГИЯ

М.Х.Байбаева	Таълим муассасаларида педагогик низоларнинг намоён бўлиш шакллари ва турлари .....	47
М.О.Ёдгорова, Ф.Х.Фаффаров	Шахсга йўналтирилган таълимда муаммоли ўқитиш технологиясини кўллаш самарадорлиги .....	51

## ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

S.J.Murodov	Talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida axborot-lashtirilgan pedagogik innovatsion texnologiyalarni joriy etish va qo'llash imkoniyatlari .....	56
-------------	---	----

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

А.А.Назиров	Техника олий таълим муассасасида мустакил таълим жараёнини оммавий очик онлайн-курслар асосида ташкил этиш механизми .....	59
F.R.Bakiyeva, N.D.Mirzahmedova	Ta'limgazalar samaradorligini oshirishda multimedia texnologiyalaridan foydalanan usullari .....	63
О.А.Хамидов	Мультимидали ўргатувчи мажмуя меҳнат муҳофазаси фанининг ўқитишнинг электрон воситаси сифатида ...	66

## МЕТОДИКА

У.М.Ибрагимов	Олий таълим муассасаларида ихтисослик фанларни ўқитишда моделлаштирувчи дастурлардан фойдаланиш .....	72
Н.Р.Сирожиддинова	"Бизнес-симуляция" нима? .....	77

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Н.Н.КАРИМОВА**  
**ПИКҲТБПКҶТМО институти мустақил тадқиқотчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақола махсус фанларидан назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш масалаларига бағишиланган.

**Калит сўзлар:** инновация, креативлик, мотивация, махсус, компетентлик.

**Аннотация.** Данная статья посвящена проблемам обучения специальных дисциплин при использование инновационных технологий.

**Ключевые слова:** компетенция, профессиональной компетентность, мотивация, специальная дисциплина.

**Annotation.** Given article is devoted problems of training of special disciplines at use innovative technology.

**Key words:** competency, professional competency, motivation, special disciplines.

Ўзбекистонда профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, инновацион таълим технологияларидан ҳамда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш методларини яратиш долзарб масалалар саналади. Ҳозирда таълим муассасаларида янги педагогик ва ахборот технологияларни қўлаш, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, профессионал таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўқитиши жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ профессионал таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашда таълим олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимрөк.

Профессионал таълим жараёнида инновацион таълим технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни тадбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсад-

га мувофиқдир. Яна бир жиҳати муҳимки, касб-хунар колледжларида таълим олаётган ўкувчи-талабаларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитиши самарали ташкил қилиш, ушбу жараённи янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш лозим.

Инновацион таълим – бу бўлажак мутахассисларни меҳнат бозори талаблари асосида касбий фаолиятга тайёрловчи жараён бўлиб, у аввал олган билимлар асосида таълимни такомиллаштириш ва самарали янгича ёндашув қилишдан иборат. Унда таълим – тарбияда янгиша сифат кўрсаткичига эришиб, юқори самарадорликни қўлга киритиш амалга оширилади ва ижодкорликка йўналтирилади ҳамда таълим технологияларини янгиша сифат босқичига кўтариш, шунингдек, таълим – тарбияда замонавий ёндашувларни ташкил қилиб боришни таъминлайди. Инновацион таълимда замон билан ҳамнафас таълим технологияларини яратиш билан шуғулланишга доим имконият яратилиб борилади.

Таълим жараёнида янги инновацион технологиялар ва ахборот технологияларини қўллашнинг асосий мақсади ўқувчиларни дарс жараёнида билимларни тез ўзлаштириб олишлари, уни мустаҳкамлаш ва турғунлигини таъминлашдан иборат. Шу сабабли бу-

гунги кунда касб-хунар колледжларида ўқувчиларга имкон қадар замонавий компьютер воситалари ва педагогик технологияларнинг интеграциясидан фойдаланиб ўқув жараёнини олиб бориш мухим аҳамият касб этади.

Хорижий педагогик тажрибаларга асосланиб айтиш мумкинки ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этиш ҳамда таълим методларини ахборот мухитида лойиҳалаштириш, электрон баҳолаш тизимларини жорий этиш, ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш, “ахборотлашган жамият”ни шакллантириш, таълим олувчиларни ўзлаштириш имкони даражасида етарли миқдордаги ахборот билан таъминлаш замонавий таълимнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланишни уларнинг ҳар иккаласидан ҳам бир вақтда фойдаланган холда амалга ошиши мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради.

Махсус фанларни ўқитишида инновация таълим технологиялари ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиш ва татбиқ этишнинг қуйидаги ташкилий-педагогик шароитларини аниқлаштириб олиш лозим:

- педагогик инновациялар бўйича ҳамда хорижий тажрибалар асосида махсус фанларни ўқитишида қўлланиладиган инновацион таълим методлари базасини ташкил қилиш;
- инновацион таълим технологияларини

танлашда қуйидаги мезонларга эътибор берилади: махсус фанлар бўйича инновация технологияларнинг педагогик самародорлигини мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб бориш; инновация технологиялар бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва таҳлил қилиб бориш, умумлаштириш. Оммалаштирилган инновациялар бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- инновацион технологияларни жорий қилишда уни жорий этиш жараёнини мунтазам равишда кузатиб бориш, инновацион технологияларни ривожланиш механизмларига алоҳида эътибор бериш ва шу кабилар.

Махсус фанларни ўқитишида ахборот ва инновацион таълим технологияларини интеграциялашган методларидан бири бу вебинар машғулотлариридир. Махсус фанларни ўқитишида вебинар дарсларини ташкил қилиш асосан касбий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қиласи ва машғулотларнинг бу шакли тобора таълимда оммалашиб бормоқда. Бунга асосий сабаб компьютерли технологиилар асосида дастурли ўқитишиояларини ривожланиб бораётганлиги, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳам тадқиқ қилинмаган янги технологик варианatlарини яратилаётганлиги билан боғлиқ. Вебинар, инглизча – webinar, (“Web-based seminar”нинг қисқартмаси) – онлайн семинар бўлиб, ўқитувчи (тыютор)га ахборотни, топшириқни узатиш, иштирокчиларга эса, дунёнинг исталган нуқтасидан бир-бирини кўриш ва эшитиш имконияти мавжуд бўлган виртуал синф ёрдамида ахборот олиш ва таълим олиш имкониятини беради. Вебинар дарсларинг мухим таълимий имкониятлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: иштирокчиларга тақдимотларни кўрсатиш, виртуал доскада расм чизиш, сўровлар (савол-жавоблар)ни фаоллаштириш ва кўпроқ интерфаоллик учун иштирокчилар онлайн чат дарчасида саволлар беришлари мумкин.

Вебинар web-илова ёрдамида ишга туширилади. Бу замонавий SMART-технологи-

яларни қўллаш ёрдамида ўқувчи-талабалар билан диалог ташкил қилиш шакли бўлиб, ўқувчи-талабаларни масофадан ўқитиш ҳамда онлайн режимда видеоконференциялар ёки маҳорат дарсларини ўтказиш имконини беради. Мулоқотнинг бу янги шаклидан фойдаланиш ёшлар аудиториясининг ўтказилаётган семинарлар ва машғулотларга қизишини мотивациясини орттиради. Бу эса ўз ўзидан уларнинг давоматини оширишга сабаб бўлади. Шунингдек, вебинар дарслари вақтни бирмунча тежайди. Вебинарлар орқали маҳсус фанларни ўқитишда масофадан туриб кўргазмали воситалар билан ўргатишни ташкил қилишнинг дидактик имкониятлари кенг бўлиб, бунда ахборотни, тасвирларни, бирор бир буюмни тайёрлаш жараёнини кўриш, кузатиш, сухбатдошни кўриш ва эшитиш имкониятини беради. Шу муносабат билан бундай технологияни маҳсус фанларни ўқитишда энг муҳим бўлган юзма-юз мулоқотнинг тўлақонли альтернативи деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳсус фанларни замонавий ўқитиш шаклларидан яна бири бу видео машғулотлардир. *Видео машғулот* – бу энг самарали машғулот тури бўлиб, моддий жиҳатдан ҳам жуда қулай. Видео машғулотларда ўқувчи ўқув материалини тез ва қулай усолда, яъни кўриш, эшитиш ва идроқ этиш орқали чукурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш ҳамда мустақил таълим олиш имконияти вужудга келди. Видео машғулотларда амалиётда кўрсатиш имкони бўлмаган вазиятларни кўриш, технологик жараёнини кузатиш имконияти мавжуд бўлиб бунда маҳсус устахоналар, жиҳоз ва асбоб-ускуналарга, маҳсус жиҳозланган хоналарга эҳтиёж бўлмайди. Ўқув материалларини дискларга ва флешкаларга кў-

чириб олиб мустақил ўрганиш, уни тарқатиш имкониятлари мавжуд. Ҳеч кимга сир эмаски, одамларда кўриш қобилияти эшитиш қобилиятидан устун туради. Шунинг учун видео машғулотлар профессионал таълимда визуал ва энг самарали машғулот шакли саналади.

Видео машғулотларининг афзалликлари:

- Амалиёт билан алоқа: сюжет аниқ иш жойларида юз берган ҳақиқий воқеаларга асосланган;
- материалнинг кўриниши ва унга кириш имконияти. Видео ҳаётга имкон қадар яқин, унинг ёрдами билан объектлар ва жараёнларни батафсил ва ҳаракатда кўрсатиш мумкин;
- ўз-ўзини ривожлантириш ва такрорлаш имконияти. Исталган вақтда ўқувчи видео фильмни томоша қилиш орқали мавзуни мустақил равишда ўрганиши мумкин;
- груп дарсларида ва якка тартибда кўп маротаба фойдаланиш имконияти;
- фойдаланиш қулайлиги.

Юқорида келтирилган мисоллар ва тахлиллар асосида маҳсус фанларни ўқитишда инновация таълим технологиялари ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланишга доир қуидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- инновацион таълим технологиялари бўйича маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга тайёрлаш орқали ахборот ҳолига келтириш;
- инновацион технологияларнинг жорий этилиши бўйича ахборот тизимини яратиш;
- инновацион технологиялар бўйича компьютер тармоғида сайтлар очиш ва ундан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва х.к.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.: Фан. 2006.-261 б.
2. Педагогика назарияси (Дидактика) / Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А. ва б.; Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. - 420 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъодод, 2008.- 180 б.

# БҮЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТЕХНИК ФИКРЛАШНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛ ВА МЕТОДЛАРИ

У.М.ЯРЛАКАБОВ

ЖПИ “Электромеханика ва радиоэлектроника” факультети декани, PhD

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлашни шакллантириш шароитлари шунингдек ўкув машғулотларида техник фикрлашни шакллантиришниң самарали метод ва усуллари баён этилган. Шунингдек, ўкув машғулотларида фаол ўқитиш методларини қўллаш, дастурлаштирилган ва дифференциал таълим, техник воситаларни қўллаш, талабаларниң турли хил мустақил ишлари, фанларро боғланишлар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ўкув машғулоти, таълим методлари, таълимнинг натижавийлиги, муаммоли таълим, техник маданият, техник фикрлаш.

**Аннотация.** В данной статье описываются условия формирования технического мышления у будущих преподавателей профессионального образования, а также эффективные методы и приемы формирования технического мышления на учебных занятиях. Также раскрывается применение активных методов обучения, использование программируемого и дифференциального обучения, использование технических средств, различные самостоятельные работы студентов, междисциплинарные связи.

**Ключевые слова:** учебные занятия, методы обучения, эффективность обучения, проблемное обучения, техническая культура, техническое мышление.

**Annotation.** This article describes the conditions for the formation of technical thinking in future teachers of vocational education, as well as effective methods and techniques for the formation of technical thinking in training sessions. Also disclosed is the use of active teaching methods, the use of programmable and differential learning, the use of technical means, various independent work of students, interdisciplinary communications.

**Key words:** training sessions, teaching methods, learning efficiency, problematic learning, technical culture, technical thinking.

Техник фикрлаш бу – техник фаолият билан боғлиқ масалаларни ечишни таъминловчи интеллектуал жараёнлар ва уларнинг натижалари тўпламидир. Бундай масалалар конструктив ва технологик, шунингдек, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқаларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш жараёнида пайдо бўладиган масалалар хисобланади. Техник фикрлашнинг моҳияти эса масалаларни ечишдан иборат бўлиб, уларни ечиш жараёнида техник фикрлашнинг зарурий сифатлари шаклланади. Технологик масалаларни ечиш қўйидагиларни ўз ичига олади: белгиланган мақсадга эга бўлиш ва аниқ жавоб олишга интилиш; мақсадга эришиш учун зарур шароитлар ва дастлабки маълумотларни хисобга олиш; мавжуд шартларга мос келадиган масалани ечиш усулларини қўллаш.

Олий таълим муассасалари касбий таълим йўналишларида таҳсил олаётган бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлашнинг шаклланиши умумкасбий ва ихти-

сослик фанларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Ўкув машғулоти – бу таълим жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари томонида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи масалаларни ечиш учун тизимли қўлланиладиган таълим мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини ўз ичига оладиган, ўқитувчилар ва талабаларниң мақсадга йўналтирилган фаолияти ва мулоқотини ташкил этишнинг динамик ва вариатив шакли.

Ўкув машғулотини такомиллаштириш қуйидаги учта кетма-кет ва ўзаро боғлиқ босқичда амалга оширилади: ўкув машғулотига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўкув машғулотига тайёргарлик жараёнида, таълим мақсадини аниқлаш ва шакллантириш, машғулот мавзусининг моҳиятини аниқлаштириш зарур, чунки, машғулот мақсади – бу талабаларда шакллантирилиши шарт бўлган билим, кўнікма ва малакаларниң аниқ моделидир. Ўкув машғулотининг тарбиявий мақсадини аниқлаш бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шунинг

учун ўқув машғулотларида биз талабаларда қўйидаги бир қатор ҳиссиётларни уйғотишга ҳаракат қилдик: ҳайратланиш, ғуурланиш, ҳурмат, жавобгарлик, бурч ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг ривожлантирувчи мақсади қўйидаги икки йўналишида амалга оширилади: 1) хотирани ривожлантириш, техник фикрлаш, саводли нутқ техникаси, билиш қизиқишилари ва бошқалар. Булар билим, кўнікма ва малакалар шаклланганлик дараҷасида намоён бўлади; 2) ўз-ўзини амалга ошириш ҳисларини жамоатчиликда ривожлантириш.

Талабаларда техник фикрлашни шакллантиришни турли хил услуг ва методлар орқали амалга ошириш мумкин, бунга муаммоли таълим, карточка-топшириқлар (тестлар)дан фойдаланиладиган дастурлаштирилган таълим, схемалар ва жадваллар кўринишидаги турли мустақил ишлар киради. Ўқув машғулотига тайёргарлик кўришда, ўқув машғулотида чуқур қайта ишлаш учун ўрганилаётган фан моҳиятини ифодаловчи фақат базавий, асосий материални танлаш керак. Иккинчи даражали, танишув характеридаги материалларни эса қисқартирилган кўринишда ёки дарсдан ташқари вақтда талабаларга мустақил қайта ишлаш учун бериш мақсадга мувофиқ. Амалий, ишлаб чиқариш характеридаги (асбобдан фойдаланиш қоидалари, ишларни бажариш усуллари ва бошқалар) ахборотлар лаборатория, амалий машғулотлари ва ўқув амалиётига кириш йўриқномаси ўtkазилаётганда тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир навбатдаги ўқув машғулотининг мақсади ва мазмунини аниқлаб олиб, биз унинг мазмунини баён этиш кетма-кетлигини, яъни ўқув машғулотининг ҳар бир конструктив элементнинг тузилмаси ва мазмунини аниқлаб оламиз.

Масалан, қайд этилганларни “Автомобиллар тузилиши” ихтисослик ва “Машина ва механизmlар назарияси” умумкасбий фанларини ўрганишга қўллаб, ўқув машғулотини ўtkазишида ўқитувчи фойдаланадиган асосий тузилмавий элементлар ва уларнинг қўйида-

ги ташкилий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ташкилий қисм; талабани ўқув материалини ўрганишга тайёрлаш; мавзуни ва ўқув машғулоти мақсадларини эълон қилиш; аввал ўрганилган билим ва кўнікмаларни қисқача тақрорлаш: талабаларнинг билиш фаолиятини мотивлаш ва рағбатлантириш; ўқитувчи томонидан ўқув материалининг баёни; маъруза, тушунтириш, ҳикоя, эвристик суҳбат, кўргазмали қўлланмалар ва мультимедияли технологияларни қўллаш ва бошқалар; талабалар томонидан янги билимларни мустақил ўзлаштириш: дарслек билан ишлаш, Интернет сайatlарида тавсия этилган видеофильмларни кўриш, кўргазмали қўлланмалар, ишлаб чиқариш хужжатлари, йўриқномалар ва бошқалар билан ишлаш; дастлабки мустаҳкамлаш ва жорий тақрорлаш; оғзаки сўров, карточка-топшириқлар (тестлар) билан ишлаш, очиқ суҳбат, жорий ёзма ишлар ва бошқалар; билим ва кўнікмаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бўйича машқлар ва мустақил ишлар бажариш; схемаларни таҳлил қилиш, китоб ва ўргатувчи дастур билан мустақил ишлаш ва бошқалар. Дастурлаштирилган ўқитиши моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар махсус тайёрланган дастур асосида материални мустақил ўрганишади. Дастур ўрганиш учун янги материални ўз ичига олган бир қатор “кадрлар” ёки “қадамлар” дан иборат; ҳар бир “кадр” дан кейин назорат саволи ёки назорат топшириғи берилади, уларга таяниб талаба ўқиган материалини ўзлаштирганлигини текшириш мумкин. Материал ўзлаштирилган бўлса талабага кейинги “кадр” ни ўрганишига рухсат берилади, акс ҳолда, аввалги материални ўрганишга қайтарилади; қийинчиликлар юз берганда ўқитувчига ёрдам учун мурожаат қиласи; умумлаштирувчи тақрорлаш: кириш маърузаси, суҳбат, ёзма ишларни бажариш ва таҳлил қилиш, карточка-топшириқлар билан ишлаш, видеофильмларни намойиш этиш ва бошқалар; талабаларнинг билим, кўнікма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш; оғзаки сўров, назорат ишларини бажариш, карточка-топшириқлар билан ишлаш ва бош-

қалар. Олий таълим муассасалари касбий таълим йўналишлари ўқув режаларида ўқитиш кўзда тутилган ихтисослик фанларнинг ишчи дастурлари, техник фикрлашни шакллантириш имконини берувчи кўпгина мавзуларни ўз ичига олади. Шуларни эътиборга олиб биз ихтисослик фан ўқитувчиларида техник фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги методик услубларни тавсия этамиз. Талабаларда техник фикрлашни шакллантиришнинг самарали методи – бўлиб ўқитишнинг муаммоли – изланиш методи ҳисобланади. Бунда талабалар олдига савол (муаммо) қўйилади ва талабалар уларга мустақил жавоб излайди, улар ўзлари учун янги билимларни яратишади, “кашфиётлар қилишади”, назарий хуносаларни шакллантиришади. Муаммоли – изланиш методлари талабаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини талаб этади, ижодий изланиш, ўз тажрибасини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш, хусусий хуроса ва ечимларни умумлаштира олиш кўнижмаси шубҳасиз, талабаларнинг билиш фаолияти мустақил эмас, балки саволлар ва топшириклар занжири орқали талабаларни хуносаларга олиб келувчи ўқитувчи раҳбарлигига кечади. Масалан, “Двигателнинг кри-вошип – шатун механизми” ўқув машғулоти мавзусини тушунтиришда поршенларнинг тузилиши ва ишлаш тамойили ўрганилади. Тузилиши ва вазифалари билан танишгандан сўнг, талабалар олдига савол қўйилади: чўян ва алюминий қотишмасидан тайёрланган поршенлар қандай салбий ва ижобий жиҳатларга эга?

Талабалар фаол фикрлаб алюминий қотишмасидан тайёрланган поршень енгил ва камроқ инерция кучлари ҳосил қиласди, аммо поршень гильза бирикмада катта тирқиши кўзда тутилган – деган хуносага келишади. Ўқув машғулотларида талабаларнинг техник фикрлашини шакллантириш мутахассислик билан боғлиқ, шунинг учун уларда масалаларни тизимли ечишдан мақсаддага мувофиқ фойдаланамиз. Масалан “Автомобил двигателининг умумий тузилиши” мавзусини

ўрганишда қуйидаги масалалар берилиши мумкин: двигатель цилинтрида сиқиши даражасини аниқлаш. Бу машқда талабалар аввал цилиндрнинг ишчи ва тўлиқ ҳажмини, сўнгра сиқиши даражасини аниқлашлари керак. Бу масалани талабалар ўқув машғулотининг якуний қисмида бажаришади, уйга вазифа сифатида масалаларнинг қуйидаги вариантирини таклиф этиш мумкин: нима учун бир хил ишчи ҳажмдаги (тахминан  $V=1,5$  л) 2001 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия” маркали автомобил двигатели 2012 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия-2” двигателидан тахминан 0.5 марта кичик? Поршень диаметри унинг узунлигига нисбати қайси техник кўрсаткичларга таъсир этади? Қайси ички ёнув двигателлари узун йўлли, қайсилари қисқа йўлли ҳисобланади? Қайси таъриф ёниш камераси ҳажми ва цилиндрнинг бутун ҳажмига боғлиқ? Бу масалаларни ечиш жараёнида, талабалар ўқув тадқиқотини мустақил амалга оширишади, сўнгра олдинги машғулотда улар олдига қўйилган масалаларни асослашади ёки тасдиқлашади.

Техник фикрлашни шакллантириш мақсадида, шунингдек турли қийинликдаги муаммоли мазмунли мустақил иш учун карточка-топшириклардан фойдаланиш ва уларни талабаларга дифференцияланган ҳолда бериш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу топшириклардаги намунавий саволлар қуйидагича бўлиши мумкин; агар илашма тўлиқ ажралмаса Матиз автомобилининг илашма муфтасини қандай созлаш керак? Нима учун двигатель газ тақсимлаш механизми приводи икки елкали пишанги (коромысло) юзаси ва клапан (тореци) орасидаги иссиқлик тирқишини созлаш керак? Нексия-2 двигателида тирсакли вални ўқли силжишдан нима билан ушлаб қолиш мумкин? Бу топшириклар шунингдек талабалар билимини тезкор назорат учун дастурлаштирилган қурилмаларни қўллаган ҳолда ўтказилиши ҳам мумкин. Талабаларнинг техник фикрлаши шаклланишига, ўқув машғулотида техник носозлик ҳолатларини яратиш, бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва бир вактда уларни бартараф

этиш усулларини ўйлаб топиш каби методик усуллар имкон беради. Масалан, манометр мойнинг паст босимини кўрсатади. Носозликнинг сабаби қандай ва у қандай келиб чиққан? Бунда талабалар барча имкониятлар вариантиларини кўриб чиқишиди ва тўғри жавобга келишади. Ўқитувчи эса уларнинг хуносаларини тўғрилигини умумлаштиради. Шунингдек сабабни аниқлаш билан кўпинча ўқитувчи у ёки бу носозликни қандай усуллар билан бартараф этиш ҳақида бир қатор саволлар беради.

“Мой қуийш горловинасидан газ нега чиқади?” саволига, носозликнинг сабабини аниқлаши ва уни бартараф этиши керак.

Талабаларда техник фикрлашни шакллантириш бўйича катта имкониятлар лаборатория – амалий машғулотларни ўтказишида тақдим этилади. Бунда ажратиш-йифиш операциялари жараёнида талабаларда замонавий ишлаб-чиқариш техник талабларга мувофиқ технологик фикрлаш ҳосил бўлади. Назария бўйича олинган билимлар асосида, талабаларга ўз билимларини амалиётда кўллаш кўнижмаси сингдирилади. Амалий топшириқларни ишлаб чиқишида талабалар у ёки буузел тузилиши, ишлаш тамоили бўйича кўпгина қийинчиликларга дуч келишади. Уларни ҳал қилиш учун талабалар маълумотнома адабиётлар, плакатлар, схемалар, йўриқнома-технологик карталардан фойдаланишади.

Талабалар амалий машғулотларда “Матиз автомобилининг узатмаларни алмаштириш қутиси” мавзусига оид топшириқни ўрганишади. Узел деталларини йифишида талабалар қутининг валларига шестеряларни ўрнатишида қийинчиликка дуч келишди ва ёрдам учун ўқитувчига мурожаат этишади. Бу ҳолатда уларга аввал плакат, дарслик, Интер-

нет ресурси ёрдамида ўзлари текшириб тушунишлари ва шундан кейин уларга ёрдам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Кейинги мисол: иш ўринларини айланиб чиқишида талабаларга савол берилади: “Қутининг бирламчи валидан иккиласмчи валига турли узатмаларда қайси шестеря орқали айланма харакат узатилади?”

Қўзғалувчи шестеряларни валлар бўйича ўрнатиб чиқиб, талабалар баъзида қийинчиликларга дуч келишади, бу қийинчиликларни эса турли схемалардан фойдаланиб ҳал этиш мумкин. Дамас автомобилининг кейинги мостини қисмларга ажратишга киришишдан олдин талабалар деталларни қайта қисмларга ажратиш (демонтаж) кетма-кетлигига йўриқнома картаси мазмуни, шунингдек унинг конструктив тузилиши бўйича плакат билан танишишади, чунки бу қисмларга ажратиш бўйича топшириқнинг барча операцияларини йўриқнома картада акс эттиришнинг иложи йўқ. Карта ва плакат билан ишлаш кўнижмаси талабаларда техник фикрлашни ривожлантиради. Лаборатория-амалий машғулоти ҳар бир топширигининг исталган циклида талабалар узелларни қисмларга ажратиш ва йифишида техник ҳужжатлардан фойдаланади, техник фикрлашни ривожлантиради ва такомиллаштиради, ўрганилаётган автомобиллар тузилиши, тизими ва механизмлари иши бўйича билим даражасини оширади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқув машғулотларида фаол ўқитиш методларини қўллаш, дастурлаштирилган ва дифференциал таълим, техник воситаларни қўллаш, талабаларнинг турли хил мустақил ишлари, фанлараро боғланишлар, талабаларда умумкасбий ва ихтисослик фанларига нисбатан қизиқиши ўйғотади.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



- Семушкина Л.Г., Ярошенко Н.Г. Содержание и технология обучения в средних специальных учебных заведениях: Учеб. пособие для преп. учреждений сред. проф. образования – М.: Мастерство с.150.
- Ярлакабов У.М. Талабаларда техник фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик асослари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2008.- № 6.-Б. 9-10.
- Ярлакабов У.М. Талабаларда техник фикрлашнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2011.– № 6.-Б. 13-14.

# ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ТАЙЁРЛАШДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Д.А.САЙФУЛЛАЕВА

**Бухоро мұхандислик-технология институти, Педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлашда махсус фанларни индивидуал ёндашув асосида ўқитишнинг босқичлари ҳамда педагогик шарт-шароитларининг назарий жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний имконияти чекланган ёшлар, махсус фанлар, индивидуал ёндашув, методика, инновацион технология, диагностика, мотивация, дидактик восита.

**Аннотация.** В данной статье описано теоретические предпосылки педагогических условий и этапы индивидуального обучения специальных дисциплин при подготовки к профессии молодёжи с ограниченными физическими возможностями.

**Ключевые слова:** молодёжи с ограниченными физическими возможностями, специальные дисциплины, индивидуальное обучение, методика, инновационные технологии, диагностика, мотивация, дидактические средства.

**Annotation.** This article explores the theoretical background of pedagogical conditions and the stages of individual training of special disciplines in preparation for the profession of youth with disabilities.

**Key words:** youth with limited physical abilities, special disciplines, individual training, methods, innovative technologies, diagnostics, motivation, didactic tools.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлатсиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шунингдек, уларнинг жисмоний ва ақлий камол топишида шахсий ва касбий сифатларни инновацион ва индивидуал ёндашув асосида ривожлантириш учун психолого-педагогик таъсирларни инобатга олган ҳолда қулай ва мақбул педагогик шарт-шароитларни яратиш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда ва ҳамдўстлик давлатларда жисмоний имконияти чекланган ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва инклюзив таълимга оид илмий тадқиқот ишларни

ри ҳамда касб-хунар таълим назарияси ва методикаси бўйича олиб борилган илмий ишлар натижаларининг комплекс таҳлилидан кўриниб турибдики, бу икки соҳа интеграциясида жисмоний имконияти чекланган ёшларни касбга тайёрлаш муаммолари бўйича илмий ишлар деярли олиб борилмаган. Шунингдек, биз ўтказган изланишлар натижаси жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-хунар тайёрлашда махсус фанларни ўқитиш сифатини яхшилаш ва инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, ихтисослаштирилган касб-хунар коллажларида жисмоний имконияти чекланган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишида индивидуал ёндашувни инобатга олиш, шунингдек ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психологик ва шахсий сифатлари хисобга олиниши, таълим жараённада ўқитишнинг фаол методларидан фойда-

ланишга қаратилған тадқиқотлар олиб борилмаган. Ихтисослаштирилған колледжларда таянч-харакатида нұксони бүлгән үқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда индивидуал ёндашувга кам эътибор қаратылғанлыгини күрсатади. Ҳозирги вактда имконияти чекланғанлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳолат эса уларни ўқитиш, тарбиялаш ва касб-хунарга тайёрлаш билан боғлиқ бүлгән жараёнларни ривожлантиришни назарда тутади. Демак, жамият ўзгариши билан боғлиқ ҳолда имконияти чекланған ёшларни ўқитиш ва тарбиялашга уларни касбга тайёрлаш жараёнини ривожлантириш борасыда доимий тадқиқотлар олиб бориши талаб этилади.

Ихтисослаштирилған колледжларда индивидуаллаштирилған таълимни жорий этиш жисмоний имконияти чекланған үқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, қизиқышлари ва мойилликтарини ҳисобға олған ҳолда ўқитиш имконини беради. Жисмоний имконияти чекланған ёшларда индивидуал ёндашув асосида касбий амалларни бажаришидаги психологик ўзгаришлари ҳам кузатилади.

Чунки бу колледжларда саломатлиги, билими ва үзлаштириш имкониятлары тури даражада бүлгән үқувчилар таълим олишади. Ихтисослаштирилған колледжларда жисмоний имконияти чекланған ёшларни касб-хунарга тайёрлаш асосан маҳсус фанларни ўқитиш сифатига боғлиқ бўлади. Маҳсус фанлар орқали жисмоний имконияти чекланған үқувчиларда касбий билим, кўникма ва малака шакллантирилади. Касбий амалларни ўргатиш эса маҳсус фанлар ва үқув амалиёти ўзаро боғлиқлигига амалга оширилади.

Ихтисослаштирилған колледжларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан маҳсус фанларни самарали ўқитиш белгилайди. Маҳсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ

ҳисобланғанлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш амалиётлари маҳсус фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Маҳсус фанлардан ўқитиш методларини танлаш ва үқув мақсадларини белгилаш ҳам ўзига хосликни талаб этади.

Маҳсус фанлар мазмуни муайян йўналиш ёки ихтисосликнинг тавсифига мостушиши, яъни таълим олувчининг эгаллайдиган касби бўйича бажариладиган фаолият усулларини ўзида қамраб олади. Таълим олувчиларда касбий тушунчаларни шакллантириш учун маҳсус фанининг мазмунини белгилашда ўқитишнинг эътироф этиш, миллий бўлиш, боғланишнинг осон бўлиши, марказлаштирилмаган бўлиш, интеграция қилинган бўлиш, мувофиқлашган бўлиш, тушунарли бўлиш, бошқарилувчан бўлиш, малакавий бўлиш, ҳаққоний бўлиш тамойилларига риоя қилиш лозим.

Маҳсус фанларни ўқитиш ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмуни, мақсад ва вазифалари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вақти билан ҳам умумтаълим ва умумкасбий фанлардан кескин фарқ қиласди.

Маҳсус фанларни ўрганишда чизмалар, жадваллар, ҳисоблашлар ва ўлчашларни ўтказиш каби алоҳида кўникмаларни шакллантирувчи лаборатория – амалий машғулотларни, техника ва технологияни бевосита ёки билвосита тасаввур этишга ёрдамлашадиган ишлаб чиқариш машғулотларини ҳам ташкил этишга тўғри келади. Кейинги ҳол эса, таълим олувчилардан маҳсус йўналтирилған ихтисослиги бўйича кўникма ва малакаларнинг маълум даражада шаклланғанлигини талаб этади. [1]

Бизнинг фикримизча ихтисослаштирилған колледжларда маҳсус фанларни ўқитишда үқувчиларни индивидуал таълим асосида касб-хунарга тайёрлашда куйидагиларни амалга ошириш мухим:

- ўқув режалари ва фан дастурлари индивидуал таълим тамойиллари асосида ишлаб чиқиш;
- маҳсус фанлар бўйича таълимий, тарбиявий ва ривожлантиривчи функцияларининг индивидуаллаштирилган таълим тамойиллари асосида белгилаш;
- маҳсус фанлардан ўқув материалини ишлаб чиқишида ўқувчиларнинг ўртача даражада тайёрланганлигига мўлжалланганлиги, бунда ҳақиқий ўқув имкониятлари инобатга олиш;
- маҳсус фанлар бўйича ўқув топшириқлари мазмунини ишлаб чиқишида мураккаблик даражалари инобатга олиш;
- таълими мақсадидан келиб чиқиб, бажариши зарур бўлган амалий ҳаракатлари билан аниқ мақсадга, реал ўқув вазиятига эришиш шартларига бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар ўртасидаги мувофиқликликни ўрнатиш;
- маҳсус фанларини ўқитишида индивидуал таълим технологиялари ва методларидан самарали фойдаланиш;
- маҳсус фанларидан дарсдан ташқари пайти ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан якка тартибда ишлашнинг замонавий шакл ва методларидан қўллашдир.

Ушбу талабларнинг бажарилиши учун ихтисослаштирилган коллежларнинг ўқув режалари ва маҳсус фан дастурлари умумий коллежлариникidan фарқли равишда ҳар бир ўқувчининг тайёргарлиги, интилишлари, ҳақиқий ўқув имкониятларидан келиб чиқувчи объектив талабларини инобатга олиб индивидуаллаштирилган таълим тамойиллари асосида ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг учун:

- имконияти чекланган ёшларнинг ҳақиқий ўқув имкониятларини тахлил қилиш, ҳар бир имконияти чекланган ёшларнинг индивидуал хусусиятларини билиш;
- касбий ва меҳнат фаолиятининг мақса-

дини аниқ ва равшан белгилаш, ўқув мақсадларини фаолиятга йўналтириб белгилаш;

- имконияти чекланган ёшлар олдига қўйилаётган ўқув масалалари ва топшириқларнинг мураккаблиги ва уларнинг ҳақиқий имкониятларига мослигини аниқлаш лозим.[2]

Ихтисослаштирилган коллежларда индивидуаллаштирилган таълим жараёни ўқувчиларнинг имкониятлари ва уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади ва ўқувчининг ривожланиши учун психологик-педагогик мухит яратилади.

Имконияти чекланган ёшларни индивидуал ёндашув асосида касб-хунарга тайёрлашда таълимий функция билан бир қаторда ривожлантирувчи ва тарбияловчи функцияларнинг замонавий йўналишларини инобатга олган ҳолда ўқувчининг шахсига қаратилган фаолиятнинг яхлитлиги, комплекслилиги ва шахсий ёндашув ҳисобга олинади.

Бизнинг фикримизча, имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлашда таълимнинг ривожланиш стратегиясини ҳисобга олиш керак. Бунда юз берадиган ўзгаришларни ва кириб келаётган инновацияларни имкониятлари чекланган ёшларни ўқитишининг таркибий қисми бўлиб кирган янада юқорироқ тартибдаги тизимлар яъни имконияти чекланган ёшларни ўқитиши, саломатлигини тиклаш, ижтимоий муҳофаза қилиш контекстида қараб чиқиш керак.

Ҳар бир педагог маҳсус фанларни ўқитишида индивидуал ёндашув асосида жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларни мотивацион ва психологик қўллаб кувватлаб, улар билан сұхбат, кузатиш, дискусия, асаб-рухий чекланишлар терапияси, психологик тренинглар олиб бориши керак. Келажакда имконияти чекланган ёшларнинг истиқболли касб-хунар эгалари бўлиб камол топишига имкон яратади.



1-расм. Жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаша индивидуал ёндашув мазмуни

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қ.Т.Олимов, Д.Ф.Жалолова, М.Н.Каримова, Ш.Н.Нутбуллаева, Н.Г.Музаффарова, С.С.Шадиев Махсус фанларни ўқитиши методикаси. Ўқув қўлланма –Т.: «Фан ва технология», 2013.–Б.40
2. Сайфуллаева Д.А. Жисмоний имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга тайёрлашда махсус фанларни инновацион технологияларни кўллаб ўқитиши. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т., 2019.–Б.58
3. <http://inclusive-education.uz/uz/news/63.htm>

# ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ВА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

З.К.ИСМАИЛОВА

**ТИҚХММИ “ПП ва ЎМ” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, проф.,**

**Д.МУСТАФОЕВА**

**ТИҚХММИ “ПП ва ЎМ” кафедраси таянч докторанти**

**Аннотация.** Ҳозирда олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар педагог кадрларнинг касбий маҳорати, инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш борасидаги замонавий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга олиб келмоқда.

Мақолада олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлиги, уларнинг замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлиши ва мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтаришнинг муҳим шартлари ҳақида атрофлича фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** касбий маҳорат, акмеологик, синергетик, рефлексив мезонлар, компетентлик, креативлик.

Олий таълим тизими олдида турган кечикириб бўлмайдиган ўта муҳим ва долзарб муаммоларни шу соҳадаги педагог кадрларнинг касбий компетентлиги сифат даражасини оширмасдан туриб ҳал этиш кийин масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида ҳам олий таълим тизимини модернизациялаш, келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар қаторида:

- ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши;

- ўқув жараёнинга ҳалқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиилар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим

муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш масалаларининг долзарблиги илғор хорижий тажрибаларни мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари фаолиятида кенг жорий этиш зарурлиги асосланди [1].

Олий таълим тизимида педагогик жарайёнларни ташкил этишда илғор педагогик тажрибаларни татбиқ қилиш, уларни мунтазам ўрганиб бориш, педагогик жарайёнлар субъектларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини ўзлаштириш муҳим бўлиб, бу эса ўз навбатида педагогларнинг касбий компетентлилигининг компонентлари ҳисобланади.

Мазкур соҳадаги илмий изланишларнинг ривожланиш босқичида касбий компетентлик – касбга оид билим, кўникма, тажриба ва маҳоратни муваффақиятли касбий фаолиятни амалга оширишга йўналтириш, ушбу жараёнда мустақил ва касбий таълим интеграциясини таъминлаш усуллари сифатида Ўзбекистон олимларидан Р.Х.Жўраев, Ш.Курбонов, А.Мусурманова, Н.Азизходжаева, Н.Муслимов, А.Абдуқодиров, Қ.Оли-

мов, Н.Эгамбердиева, О.Жамолиддинова, Б.Ходжаевлар томонидан татқық этилган. Тадқиқотчилар касбий компетентликни методологик, илмий-назарий ва амалий билимларнинг аксиологик йўналғанлиги, шахснинг касбий тайёргарлик даражаси, фаолият самарадорлиги, иш қобилияти, ҳамда ўз устида ишлашининг муваффақиятилигини акс эттирувчи мутахассиснинг “малакаси” сифатида изоҳлади.

Олий таълим муассасалари умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчилари амалий кўникмаларга эга бўлишлари ва турли маҳсус фанлар билан боғлиқ машғулотларда чуқур билимга эга бўлишлик билан бир қаторда, амалий кўникма ва малакаларга ҳам эга бўлиш муҳим жиҳат деб қаралади. Чуқур билимга эгалик ҳақидаги тасаввурга шахснинг мураккаб касбий шароитларда эркин ҳаракатлана олиш, унинг субъектив ва объектив таркибий қисмларини бошқара олиш, фаолиятни, технологияларни амалга оширишнинг янги усулларини жорий қилиш кўникмалари киритилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларининг энг юқори даражадаги педагогик ва касбий компетентликнинг такомиллашувини таъминлаш имконини беради [2].

“Компетентлик” тушунчасининг мөҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришини тақазо этмоқда.

Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

Компетенция сўзи луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” ни ёритишига хизмат килади.

Амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Шундай қилиб, агар компетенция маълум шароитлардаги ҳолатларга жавоб бера олиш қобилияти ёки потенциал имконият, яни конкрет фаолиятда потенциал сифат бўлса, компетентлилик эса “реал воқелик шароитида фаолият юзасидан саволларга жавоб, ечим топа олиш қобилияти”дир [3].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йуналиш буйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Касбий компетентлик қўйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда;
- касбий компетенцияга эга мутахассис ўз билимларини изчил бойитиб бориши



I-расм. Компетенцияларнинг турлари

- шида;
- янги ахборотларни ўзлаштиришида;
  - давр талабларини чуқур англаб, янги билимларни излаб топишида;
  - уларни қайта ишлаб ва ўз амалий фаолиятида самарали кўллай олишида.

### **Касбий компетентлик сифатлари.**

Касбий компетентлик негизида куйидаги сифатлар акс этади: ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнишка, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулокотга кириша олиш; маҳсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, ушбу компетентлик негизида психологияк, методик, ахборотли, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади [3].

*Ижтимоий-синергетик механизmlар* мақсадли йўналтирилган педагогик фасилитация орқали тингловчиларнинг тизими-синергетик алоқадорлиги асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу механизм таълим фаолияти дарражаси мақсадини, таълимнинг босқичмабосқич ривожланиши ва устоз-шогирд анъаналарига содиқлик тамойили орқали компетентли мутахассисни шакллантириш, интерфаол усуллардан мунтазам фойдаланиш орқали интеграция ва андрагогик фаолиятни ривожлантириш ва фасилитаторларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Маҳсус фан ўқитувчиларининг нафакат касбий компетенциялари, балки педагогик билимларининг сифатини назорат қилиш ва ривожлантиришдан иборатdir.

*Акмеологик-қадриятли механизм ижтимоий-мотивлашган ва шахснинг ижодий фа-*



оллигини оширувчи турли таълимий фаолиятга фаол киришувини таъминлайди. Ушбу механизмга борлиқни қабул қилиш, тизимили ва эгилувчан тафаккур, долзарб ижодий фаолликнинг интеллектуал рефлексияга таъсири, таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги ва таълимни инновацион вариатив янгилаш, уни мунтазам ошириб бориш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

*Рефлексив механизм* малака ошириш жараёнида таълим жараёнининг сифатини оширишни таъминлайдиган шахсга ёндашувли фаолият мазмуни билан аниқланади; тингловчиларнинг эҳтиёжларига мос равища ўкув дастурларининг кулагилиги ва вариативлигини таъминлайди; шахс ривожланишининг ўз-ўзини англаш ва фаоллаштириш, малака ошириш тизимидағи анъанавий ва ноанъанавий, маҳсус принципларга асосланганлиги; педагог шахсининг эркин ривожланиши учун дидактик ва педагогик-психологик ва ижтимоий-маданий шароитларини моделлаштириш. Ушбу қонуниятлар орқали шахсий ва касбий потенциални ривожлантиришга амалий ёрдам беради [4].

Педагогларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш йўналишидаги ҳамда бошқарув функцияларининг мақсади, вазифаси ва мазмун моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий таълим муассасаси унда фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда:

- педагог ходимларнинг тушунчалари,

oooooooooooooooooooo

#### Фойдаланилган адабиётлар:

oooooooooooooooooooo

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. 18-сон, 313-модда.
- Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
- Файзулаева Н. Педагогик билимлар-ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102 б.
- Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: Пед.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Т.: 2017. – 153 б.
- Педагогика: Педагогические теории, системы, технологии. Под. ред С.А.Смирнова - М.: Академия, 2001. 510с.

билим, кўникма ва малакалари, қобилияти, касбий маҳорати, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари ва умуминсоний хислатлари, эришган ютуқлари, ўз ўзини ривожлантиришга мойиллиги, имкониятлари ва интилишлари тўғрисида ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва баҳолаш;

- педагог ходимлар ва талабалар ўртасидаги ўзаро жараённинг ҳолатини ўрганиш;
- педагогларнинг билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун қулай бўлган ишчи муҳитни яратиш.

**Хулоса.** Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатди, бугунги таълим тизимидағи халқаролашув ва глобаллашув тенденциялари касбий таълим сифатини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Касбий компетентликни ривожлантириш ўз навбатида, мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омилларни тизимлаштириш ҳамда касбий ривожланишнинг акмеологик мезонлари (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик)ни касбий ривожланиш тизими ва касбий фаолият муҳити билан ўзаро таъсирлашувини таъминлаш асосида такомиллаштиришни тақазо этади.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Х.Ш.КАДИРОВ**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

**Педагогика ва психология факультети декани PhD, доцент**

**Аннотация.** Мазкур мақолада медиататьлимнинг долзарб илмий-амалий жиҳатлари ёритилган. Талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили юзасидан назарий хулосалар, методик тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** медиататьлим, медиасаводхонлик, медиакомпетентлик, медиамаҳсулот, ахборот технологияси, ахборот коммуникация воситалари.

**Аннотация.** В данной статье освещаются современные научные и практические аспекты медиаобразования. Представлены теоретические выводы и методические рекомендации по анализу исследований, проведенных по развитию медиаграмотности студентов.

**Ключевые слова:** медиаобразование, медиаграмотность, медиакомпетентность, медиапродукт, информационные технологии, информационно-коммуникационные технологии.

**Annotation.** This article highlights the modern scientific and practical aspects of media education. The theoretical conclusions and guidelines for the analysis of studies conducted on the development of media literacy of students are presented.

**Key words:** media education, media literacy, media competence, media product, information technology, information and communication technology.

Замонавий ахборот технологиялари таълим тизимига ҳам бир-биридан илғор, турли даражадаги кенг имкониятларни тақдим қилмоқда. Шулардан бири ахборот коммуникация воситалари ҳамда медиамаҳсулотлардир. Бу имкониятлар педагогик жараёнларга ҳам бевосита ва билвосита татбиқ этилиб, таълим сифати самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзига хос мураккаб тузилма. Таълим натижадорлиги педагог ва талаба-ўқувчи фаоллиигига, таълим воситаларининг мавжудлиигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий, методик, медиамаҳсулотлар мукаммаллиигига, жамиятда илмли, чуқур тафаккурли шахсларга бўлган эҳтиёжга ва яна бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Хусусан, ахборот ва коммуникация технологиялари ҳам таълим сифатини оширишда муҳим восита саналади. Таълим технологиялари доимо ахборотларга асосланган бўлиб, улар хилма-хил ахборотларни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан чамбарчас боғлиқ. Компьютер техникиси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарганини кузатамиз. Телекоммуникация тизимлари янги педагогик ва ахборот ҳамда турли соҳа-

лардаги касбий билимларни энг қисқа вақтда узатиш имкониятини беради. Ахборот технологиялари ривожи талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Медиа (оммавий ахборот воситалари) маҳсулотлардан фойдаланиш талаба-ёшлиарнинг мустақил ишлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Шу боис медиататьлимнинг ёшлиар билан ишлаш жараёнига интеграциялашви табиий ҳолдир. Медиа инсонлар ҳаёти ва таълим жараёнида йилдан йилга муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ҳолат медиататьлимнинг жадал ривожланиши масаласининг муҳимлигидан далолат беради. “Россия педагогик энциклопедия”сида “медиататьлим педагогиканинг мактаб ўқувчилари ва талабалар томонидан оммавий коммуникация (матбуот, телевидение, радио, кино, видео ва бошқалар) қонуниятларини ўрганиши зарурлигини тарғиб қилувчи йўналиши сифатида таърифланади. Медиататьлимнинг асосий вазифалари: замонавий ахборот шароитида ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни идрок қилиш, уни тушунишга, унинг инсон руҳиятига таъсири оқибатларини англашга, техника восталари ёрдамида мулоқотнинг новербал шаклла-

рини қўллай олиш усулларини ўзлаштиришга ўргатишдан иборатдир”. Албатта, бунда “ўкув жараёни иштирокчиларини тенг ҳукуқли” эканлигини унутмаслик керак.

Энг машҳур медиапедагог ва медиа назариётчиларидан бири Л.Мастерман замонавий дунёда медиатаълимнинг долзарблиги ва устуворлигининг еттига сабабини асослаб берган:

1. Медиадан фойдаланишининг энг юқори даржаси ва замонавий жамиятнинг оммавий ахборот воситаларига тўлиқлиги.
2. Медианинг идеологик мухимлиги, унинг аудитория онгига таъсир этувчи саноат соҳаси эканлиги.
3. Медиаахборотлар қўламишининг тез суръатлар билан ошиши, уларни бошқариш ва тарқатиш механизмларининг кучайиши.
4. Медианинг асосий демократик жараёнлар ичига кириб бориш жадаллиги.
5. Визуал коммуникация ва барча соҳалардаги ахборотлар аҳамиятининг ортиши.
6. Келажак талабларига мос ҳолда ўкувчи/ талабаларга таълим бериш.
7. Ахборотларни приватизациялаш (хусусийлаштириш) миллий ва халқаро жараёнларининг ортиб бориши.

Талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича мухим тадқиқотлар олиб бораётган С.Бабаджанов талқинича, медиатаълим – асосий қонунларни тушунишга ёрдам берадиган, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганишга кўмаклашадиган, талабалар бадиий салоҳиятининг ўсишига ва ривожланишига ҳисса қўшадиган, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнидир. Медиатаълим натижасида медиакомпетентлик пайдо бўлади. Медиакомпетентлик (media competence) таълимга кириб келаётган янги атама ҳисобланиб, у медиамаълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, медиакомпетентлик тушунчаси остида ётадиган бир неча атамалар, жумладан, медиамаданият, медиатарғибот, медиатаълим, медиаахборот, ахборот маданияти, медиасаводхонлик

каби атамаларга эътиборлироқ бўлиш баркамол авлодни вояга етказиша алоҳида ўрин эгаллайди.

Медиатаълимнинг натижаси аудиториянинг медиасаводхонлик даражасининг кўтарилиши билан белгиланади. Медиасаводхонлик – медиани қабул қилиш ва унинг фаолиятини баҳолаш бўйича кўникмалар ва малакалар мажмунин билдиради. Манбаларда медиасаводхонликнинг қуйидаги таркиби кўрсатилади:

1. Демократик жамиятда медианинг роли ва функцияларини тушуниш.
2. Медиа ўз функцияларини амалга ошириши мумкин бўлган шарт-шароитларни тушуниш.
3. Медиа контентини унинг функциялари нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда танқидий баҳолаш.
4. Медиа воситасида ўз фикрини баён этиш ва демократик жараёнларда иштирок этиш учун ўзаро ҳамкорлик қилиш.
5. Фойдаланувчи контентини яратиш учун керак бўладиган кўникмалар (шу жумладан, АҚТ билан ишлаш кўникмалари)ни фаоллаштириш.

Медиасаводхонлик медиа функцияларини тушуниш, мазкур функцияларни амалга ошириш сифатини баҳолаш ва ўз-ўзини ифода этиш, шунингдек, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш учун медиалар билан рационал ҳамкорликка киришишга урғу беради.

Медиасаводхонлик кўпқиррали ва у билимларнинг ривожланганлик тузилмасига асосланган кенг истиқболни тақозо этади. Медиасаводхонлик даражасини бутун инсоннинг хаёти давомида билишга оид, ҳиссий, эстетик ва этик медиаахборотларни идрок қилиш, шарҳлаш ва таҳлил қилиш жараённада кўтариш мумкин. “Медиасаводхонликнинг юқори даражасига эга аудитория медиа оламини тушуниш, бошқариш ва баҳолашнинг юқори даражасига эга бўлади”. Медиасаводхонлик инсонга “унинг идроки ва тушунишига мос бўлган тарихий чекланган мазмунларга жавоб бериш”га ёрдам беради. Бу медиаматнларни ўқиш ва қайта тушунишни, “Буни кўргач, мен ким бўлиб шаклланаман?” саволга жавоб бе-

ришни таъминловчи саводхонликдир.

Медиатальлим назарияси атрофидаги тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, медиа-саводхонликнинг ривожланиш кўрсаткичларини қўйидагича белгилаш мумкин:

1) мотивацион (жанрли, тематик, эмоционал, гносеологик, гедонистик, психологик, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, терапевтик ва бошқа медиаматнлар билан контактда бўлиш мотивлари);

2) контактли (мулоқот тезлиги/медиамаданият асарлари ва медиаматнлар билан алоқа ўрнатиш);

3) информацион (терминологияни, медиамаданият назарияси ва тарихи, оммавий коммуникация жараёнини билиш);

4) перцептив (медиаматнларни идрок қилиш қобилияти);

5) интерпретацион/баҳоловчи (медиайдрок, танқидий мустақилликнинг муайян дараҷаси асосида медиаматнларни шарҳлаш, таҳлил қилиш кўникмаси);

6) амалий-операцион (ўзининг медиаматнларини яратиш ва тарқатиш);

7) креатив (медианинг фаолият турли жиҳатларининг ижодий бошланиши – перцептив, ўйин, бадиий, тадқиқотчилик ва бошқалар).

Медиатальлимий фаолиятда педагоглар учун муҳим бўлган касбий билим ва кўникмаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари эса қўйидагича белгиланади:

1) мотивацион (медиатальлимий фаолият мотивлари: эмоционал, гносеологик, гедонистик, ахлоқий, эстетик ва бошқалар; медиатальлим соҳасида ўзининг билим ва кўникмаларни такомилластиришга интилиш);

2) информацион (хабардорлик даражаси, медиатальлим соҳасидаги назарий-педагогик билимлар);

3) услугбий (медиатальлим соҳасидаги услугбий кўникмалар, педагогик артистизм дараҷаси);

4) фаолиятли (турли типдаги ўқув машғулотлари давомидаги медиатальлимий фаолият сифати);

5) креатив (медиатальлимий фаолиятдаги бошланғич ижодий даражаси).

Ушбу модел Ю.Н.Усов томонидан ишлаб чиқилган оптимальлик (кулайлик) кўрсаткичига мос келади (медиамаданият ҳақидаги тизимили билимларнинг ривожланиши, медиаматнларни таҳлил қилиш кўникмаси; таълим, ривожланиш, тарбиянинг диалектик бирлиги; аудитория коммуникативлигини кенгайтириш имкониятлари; ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналганлик).

Талабалар медиасаводхонлиги ривожланиши бир неча компонент (таркибий қисмлар) га асосланади. “Биринчи компонент – тажриба. Қанчалик бизда медиа ва реал борлиқ билан алоқа ўрнатиш тажрибаси кўп бўлса, шунчалик медиасаводхонликнинг юқори даражада ривожланиши учун кўпроқ имкониятга эга бўлинади. Иккинчи компонент – медиа соҳасига кўникмаларни фаол жалб этиш. Учинчи компонент – етилиш/мустақил таълим олишга тайёрлик”.

Дж.Поттер томонидан илгари сурилган аудитория медиасаводхонлиги ривожланиши кўрсаткичларининг юқори ва қўйи даражалари бу борадаги муҳим маълумотлардан бўлиб, улардан касбий педагогик жараёнда ҳам кенг фойдаланиш юқори самара беради:

Медиасаводхонлик ривожланишининг юқори даражаси тавсифи:

- медиаматннинг бош ғоясини ажратиш;
- анализ: медиаматннинг асосий элементларини аниқлаш;
- таққослаш: медиаматннинг ўхшаш ва ноёб фрагмент-лавҳаларини топиш;
- медиаматн ёки унинг лавҳаси қийматини баҳолаш; муайян мезонлар асосида таққослаш орқали хулоса чиқариш;
- рефератлаш: медиаматни қисқа, аниқ ва тушунарли қилиб тавсифлаш;
- умумлаштириш;
- дедукция: алоҳида маълумотларни тушунтириш учун умумий тамойиллардан фойдаланиш;
- индукция: алоҳида маълумотларни кузатиш орқали умумий тамойилларни келтириб чиқариш;
- синтез: алоҳида элементларни қайтадан янги тузилмага йиғиши.

Медиасаводхонлик ривожланишининг

қүйи даражаси тавсифи:

- “кучсиз интеллект” (муаммони ечиш ва ижодий қобилиятларнинг нисбатида), “хамма нарса ўз вақтида бўлишини” афзал кўриш; энг муҳим бўлган фактларнигина эслаб қолишга асосланадиган кучсиз хотира (масалан, имтиҳондан олдинги кун кечкурун);
- тематик қарамлиқ, хабардаги энг муҳим жиҳатларни тушуна олмаслик, маслаҳатчига, ёрдамчига, қўлланмага, ўрганиш бўйича йўриқномага эҳтиёж;
- медиаматнлардаги кўп маъноликка паст даражада сабрлилик, ишончсизлик;
- хабарлар учун унча кўп бўлмаган категориялар мавжуд бўлганда кучсиз концептуал ихтисослашув, одатий категорияларга мос бўлмаган янги хабарларга салбий муносабат, ёки медиаматнни осонроғига алмаштириш;
- қарор қабул қилишда керак бўлган пайтлардаги импульсивлик, аниқликни бой бериш.

Медиа назариётчилари ва медиапедагоглар ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, медиатаълим концепцияларида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишнинг тарбиявий, таълимий ва креатив ёндашувлари муҳим аҳамиятга эга. Медиатаълимий ёндашувларни амалга оширишнинг асосий компонентларини қўйидагича ажратиш мумкин:

- медианинг тарихи, таркиби, тили ва назариялари ҳақида билимлар олиш;
- медиаматнларни идрок қилишни ривожлантириш, унинг тилини “ўқиши”, хаёлни, кўриш хотирасини фаоллаштириш, тафаккурнинг (танқидий, мантиқий, ижодий, образли, интуитив) турларини ривожлантириш, ғояларни англанган тушунишнинг



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Бабаджанов С. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг медиакомпетенлигини ривожлантириш технологияси. Автореферат. – Т., 2018.
2. Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. –Т.: “Extremum-press”, 2015.
3. Медиаобразование. //Российская педагогическая энциклопедия. – М., 1993.
4. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. М.: Информация для всех, 2007.
5. Potter W.J. Media Literacy. Thousand Oaks. London: Sage Publication, 2001.

(ахлоқий, фалсафий, демократик/гуманистик) тамойилларига асосланиб қўнималарни шакллантириш;

- медиа материаллари асосида креатив амалий қўнималарни ривожлантириш.

Ҳар бир педагог қайси медиатаълимий назарияга асосланишига қараб аниқ бир моделни танлаши ва унинг таянч компонентларини турлича амалга оршириши мумкин. Сўнгги пайтларда медиатадқиқотчилар ва педагогларнинг дикқат-эътибори медиатаълимнинг ахлоқий-демократик жиҳатларига қаратилган. Масалан, замонавий медиатаълим ҳаракатининг етакчиларидан бири Б.Мак-Махоннинг ёзишича, терроризм ва урушлар даври бўлган XXI асрда ёшларнинг медиатаълими демократик жамиятнинг энг муҳим талабига айланди.

Хорижий тадқиқотларда келтирилган концепциялар таҳлили бизга ғарбнинг асосий концепцияларини замонавий мослаштиришнинг муҳим йўналишлари ҳақида хуласа чиқариш имконини беради. Шубҳасиз, бирорта ҳам педагогик концепция бошқа мамлакатнинг шаклланган анъанавий таълим турига мослаштирилмаган ҳолда фойдаланилиши мумкин эмас. Бу ғарб медиатаълими концепцияси мазмунини ўзлаштириш жараёнига ҳам алоқадор. Бугунги шиддаткор ахборот алмашинуви, техника тараққиёти медиамаҳсулотлар шакли ва мазмунини ранг-баранглаштириш, жозибадорлаштириш имконини кенгайтиради. Шу боис талаба ва ёшларда мультимедиа ва ахборот коммуникациялари тақдим этаётган маҳсулотларни танлаш, саралаш, қабул қилиш, ўзлаштириш, фойдаланиш компетентлигини такомиллаштириш долзарб масалага айланаб қолмоқда. Бу борада педагог-тадқиқотчилардан янада тезкорлик, талабчанлик, масъуллик талаб қилинади.

# МАХСУС ФАНЛАРДАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Д.Ф.ДЖАЛОЛОВА

Бухоро муҳандислик технология институти доценти,

Д.А.САЙФУЛЛАЕВА

Бухоро муҳандислик технология институти катта ўқитувчиси,

(PhD) фалсафа доктори,

А.Ю.ИСАКОВ

**Наманган вилоят мактабгача таълим бошқармаси бўлими бошлиғи**

**Аннотация.** Мақолада махсус фанлардан талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган амалий машғулотларни хорижий таълим фаол методлардан фойдаланиб ўтказиш методикаси баён этилган.

**Калит сўзлар:** технология, моделлар, технологик харита, қотирма, манжет, эксплуатация, баҳяқатор.

**Аннотация.** В статье описана методика использования активных методов обучения иностранным языкам в практических занятиях, направленных на развитие творческих способностей студентов по специальным предметам.

**Ключевые слова:** технология, модели, технологическая карта, снасти, запонки, эксплуатация, оптимизм.

**Annotation.** The article describes the methodology of using active methods of teaching foreign languages for practical exercises aimed at developing students' creative abilities in special subjects.

**Key words:** technology, models, technological map, tackle, cufflinks, exploitation, optimism.

Республикамида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ривожланаётган соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим ижтимоий муаммо ҳисобланади. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш долзарб педагогик вазифа ҳисобланади

Махсус фанларни ўқитиши технологиясига катта эътибор қартиш мақсадга мувофиқ. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш керакки, бунда ҳеч қандай психологик нокулайлик бўлмаслиги, талабалар ўз имкониятларига тўла ишонишлари зарур. Таълим ҳар бир талабанинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бажарилган иш учун икки баҳо камдан кам ҳолларда қўйилиши ва бунда ҳам талабага уни тўғрилаш, яъни яхши баҳога ўзгартириш имконини бериш лозим. Талабалар билими дарсда мустаҳкамланса, уларга уйга вазифа беришга ҳожат

қолмайди, синов имтиҳонларини ўтказиш шарт эмас. Талабалар ўрганилаётган ўқув материалларини яхши қабул қилишлари ва уларнинг толиқиб қолишларининг олдини олиш мақсадида дарсдан ташқари ишларини кенг йўлга қўйиш лозим.

Талабаларнинг дарсдан ташқари фаолияти ўз ичига маслаҳатлар, қўшимча машғулотлар, маданий-оммавий тадбирлар ва илмий-маърифий ишлар, предметлараро алоқадорликка асосланган илмий-амалий конференциялар: фанлар ҳафталиги, гиёхвандлик ва экология муаммоси бўйича талабаларнинг ижодий ишлари, кашандалик ва ичкиликбозликка қарши ташвиқот-тарғиботларни камраб олади.

Таълим муассасасида техника тараққиёти бўйича кўрик-танловларини ва экологик жараёнларни бошқариш мавзулари бўйича театрлаштирилган тақдимотларини ўтказиш

талабаларнинг тасавуруни кенгайтиради ва уларда бошқарув кўникмаларини шакллантиришига хизмат қиласди.

Талабаларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг таълим олиш имкониятлари, мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ўзида шакллантириш ва ривожлантиришига эришиш мумкин.

Ана шундай хорижий таълим технологиялардан бири бу морфологик матрицадир. Бунга фақат юқори самарали фанда фаол таълим технологиялари ва методлардан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Морфологик матрица бу ўқитишнинг фаол технологияларидан бири бўлиб, унда ўкув муаммоси бир нечта элементларига ажратилади, муаммо элементларини ечиш учун излаш амалга оширилади ва мос тарзда имкон қадар ечим варианtlарининг кўпроқ сони киритилади. Морфологик матрица технологияси қўллашнинг дидактик мақсади шундан иборатки, бунда муаммони тўлалигича тасаввур этиш, шунингдек таркиблаштириш ва тизимлаштириш йўли билан муаммони ешишга кўмаклашиш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу технологик ёндашув муаммони ижодий ечишни ҳам рағбатлантиради. Муаммо ечимлари орқали варианtlар бўйича аниқлаштирилади.


Морфологик метод асосчиси швейцарийлик физик ва астроном олим Фритц Цвикки ҳисобланади. «Морфология» сўзи юонон тилидан келиб чиқсан бўлиб, “шакл ва шакллантириш хақидаги таълимот” маъносини билдиради. Маълум метод бўйича ҳосил қилинган ҳар бир тартиб морфология деб айтилади, шунинг учун “тартиблашган фикрлаш таълимоти” деб ҳам айтилади .

Морфологик метод комплекс ёки чекланган, техник ёки нотехник муаммони ечишнинг янги комбинацияларини ёки тури имкониятларини топиш мақсадида қўлланиладиган систематик структуравий анализ ҳисобланади. Шунинг учун морфологик матрица янги маҳсулотлар, жараёнлар ва

хизматлар учун бўшлиқларни топиш учун қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, у аналитик мақсадлар, шунингдек инновацион жараёнларни вужудга келтириш учун қўлланилиши мумкин. Метод ҳам гуруҳ ишида, ҳам якка тартибда ишлашда қўлланилиши мумкин.

**Амалга ошириш шартлари.** Агар морфологик матрицани у расмий жиҳатдан қарасак, параметрлар ва ифодалардан иборат бўлади. Бунда параметрлар (нима?) барча ечимларда учрайдиган ўзгарувчилар ҳисобланади; бу параметрлар бир-биридан реал мустақил бўлиши, барча мумкин бўлган ечимлар учун воқеликка тўғри келиши ва муаммони тўлиқ қамраб олиши керак. Кўринишлар (қандай?) параметрлар учун рухсат этилган шакллантириш имкониятлари ҳисобланади. Бажариладиган функцияга мумкин бўлган/рухсат этилган ечимлар қарши қўйилади.

**Амалга ошириш босқичлари.** Морфологик матрицани тузиш жараёни схемаси кўйидагича кўринишида бўлиши мумкин.



Тавсифланиши керак бўлган муаммо мавжуд.

1. Муаммо мухим, бир-биридан мустақил бўлган муаммо элементларига (параметрларга) ажратилади.
2. Ҳар бир элемент учун дастлабки муаммога қарамасдан барча мумкин бўлган ечимлари (кўринишлари) ёзib олинади. Улар ўнг томонга параметрлар билан бирга ёзib олинади.
3. Асосий муаммо ҳар бир элементи учун бир-биридан мустақил равишда энг қулай кўриниши танланади; ҳар бир бўлиши мумкин бўлган комбинация ҳар бир ячейкадан ҳар бир кўриниш бўйича асо-

- сий муаммонинг ечимини беради.
4. Асосий муаммонинг оптималь ечими ажратилиб қўрсатилади/тагига чизилади.

**Ўтказиш қоидалари.** Параметрларни аниқлаш: аввал эҳтиомоли параметрларнинг оддий рўйхатини тузинг ва қўйидаги талаблар бажарилишигача уни қайта ишланади:

- мантиқий мустақиллик: параметрлар бир-бирини шартлаши мумкин эмас;
- умумий воқелик: параметрлар бир қисмига эмас, балки барча ечимларга таалуқли бўлиши керак;
- муҳимлик: фақат асосли муроҷазаларни қабул қилиш.

Параметрларнинг умумий сони 7-10 та бўлиши керак, ўзича олинган қўринишлар оптималь ечимни бермайди, аммо бошқа қўринишлар билан бирлаштирилганда оптималь умумий ечимга олиб келиши мумкин.

Талабаларга аёллар блузкалари конструкциясини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган амалий машғулотда хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу усул орқали талабалар фаоллашади ва ўз фикрларини намоён қиласди. Мустақил равишда белгилаш, кичик гурухларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олиш каби кўникмаларни шакллантириш. Ушбу метод асосида ташкил этилган машғулотдан Лойихалаш фани бўйича намуна келтирилган.

**Машғулот мавзуси:** аёллар блузкалари конструкциясини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.

#### **Машғулот мақсадлари:**

**Таълимий:** талабаларга аёллар блузкаларини тайёрлаш ва тикиш усуллари гулли ва гулсиз матоларни танланган ҳолда рангларни мужассамлаштирилиши ҳақида билим ва кўникмаларини шакллантириш.

**Тарбиявий:** талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ижодий ёндашишга, газламаларни исроф қилмаслик ва тежашга жиҳозлардан тўғри фойдаланишини шакллантириш

**Ривожлантирувчи:** талабаларни мустақил ҳолда бичиши тикиш ишларини тўғри ва тез бажаришга ҳамда ижодий қобилияtlарини ва ўз қасбига бўлган қизиқишини ривожлантириш

**Машғулот шакли:** кичик гурухларда ишлаш

**Машғулот ўткариш жойи:** ўқув устахонаси.

**Жиҳозлар ва ускуналар, материаллар:** санъат столи, тикилган блузкалар науналари, гулли ва гулсиз материаллар, елимли қотирма, маҳсус машина, дазмол, ип, игна, қайчи, сантиметр, лента.

**Дарснинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги:** қаламтасвир ва ранг тасвир, чизмачилик, ТТЗБТ, ТТЗБК.

**Тарқатма материаллар:** тестлар, слайдлар, йўриқнома.

#### **Машғулотнинг бориши**

#### **II Ташкилий қисм.**

Саломлашиш талабалар давоматини аниқлаш, иш ўринлари ва амалий хонасининг санитария гигиена ҳолатини кўздан кечириш. Машғулотни ўтишдан олдин режа билан таништирилади.

#### **Режа**

1. Аёллар блузкасини тикиш технологияси.
2. Аёллар блузкасида технологик жараён кетма-кетлигининг бажарилиши .
3. Аёллар блузкаси майдада бўлакларига ишлов бериш ва тикиш.

**Сўнгра талабаларга фаоллаштирувчи саволлар берилади.**

1. Аёллар блузкаларини тикишда қандай матолардан фойдаланилади?
2. Енг тикиш технологияси қандай?
3. Аёллар блузкалари неча бўлакдан иборат?
4. Ёқани тикиш технологияси қандай?

5. Аёллар блузкаларига қандай тақилма турларидан фойдаланилади?

Талабаларни фаоллаштириб жавоблар тингланади. Мустақил фикрни эшитишни ташкил қиласы. Йүл-йүриқ ва тавсиялар беради. Талабаларнинг ишлешлери учун зарур дидактик күлләнмалар, йүл-йүриқ күрсатма хариталар, илмий адабиётлар, стол, доска, таълимнинг техник воситалар мавжуд бўлган ўқув устахонасида ўтказилади.

### **Янги мавзунинг баёни:**

Аёллар блузкалари турлари, ассортименти, классификацияси, енг турлари ва тикишда учрайдиган майда бўлакчалар, уларга технологик ишлов бериш жараёнини тушунирилади, бажариладиган ишлар кетма-кетлигини баён қиласы.

Талабалар ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида қуидаги амалий кўникмаларни эгаллашлари керак.

- ёқани тайёрлаб олиш;
- енг тайёрлаш;
- блузканинг тақилма ва безакларини тикиш;
- блузкалар конструкциясини ишлаб чиқиш;

Талабаларнинг ўрганиш давомида шаклланадиган назарий ва амалий билимлар:

- аёллар блузкалари турлари, ассортименти, классификацияси;
- ёқани тикиш технологияси;
- енг тикиш технологияси;
- блузканинг тақилма ва безакларини тикиш;
- блузкалар конструкциясини ишлаб чиқиш.


Ўқитувчи томонидан мавзу доирасидаги асосий маълумотлар берилади сўнгра талабалар кичик гурухларга бўлинади. Ўқитувчи талабаларга машғулотнинг умумий мазмани ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради машғулотларини морфологик матрица технологиясида ва ижодий топширикларни кўллаб амалга оширилади.

Аёллар блузкасининг ёқалари конструктив жиҳатдан ёқаларга ажратилади. Газлама

турига қараб уларга елимли қотирма қўйилади. Остки ёқанинг тескари томонига қотирма материални клейли томонини, четки қирқимларига 0,5-0,7 см. етказмай намланган мато ёрдамида дазмоллаб ёпиштирилади. Остки ёқага керакли шакл бериш учун қотирма томонидан ёқа ўртасидан бошлаб қотирма ва қайтарма қирқимлари бўйлаб олдин бир томонга кейин иккинчи томонга остки ёқа чўзиз дазмолланади. Бунинг учун остки ёқа кўтартмаси қирқимини ишловчи томонга қаратиб қўйиб, намлаб кўтартманинг ва қайтарманинг қирқимлари тортиброк турилади ва ёқа учларини ишловчидан четга чиқариб турилади. Остки ёқани андозага биноан аниқлаб бўр билан чизилади ва керакмас жойларини қирқиб текисланади. Остки ёқа шаклига мўлжаллаб, ҳар бир устки ёқа алоҳида, тескари томондан аниқланади ва қирқиб текисланади. Остки ёқа ўнги томонини юқорига ва унинг устига устки ёқа ўнгини пастга қаратиб қўйилади ва қирқимларини остки ёқа қирқимлари билан текисланади. Учала томонига 0,7 см. кенгликда ағдарма чок билан тикилинади. Тикилган ёқани бурчакларидан тикилган чокка 0,1-0,2 см. етказмай кесиб чиқамиз. Ёқани ўнгига ағдариб, бурчакларини тўғрилаб устки ёқадан 1-2 мм кенгликда кант чиқариб, остки ёқа томонидан ёқани зийи кўқланади ва дазмолланади. Ёқани четки қирқимларини 0,5 см кенгликда bezak ва баҳяқатор юргизилади.

Енг қирқимларини ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади ва тескари томонидан 1 см чок ҳақи ҳисобида тикилади. Тикилган чоклар газламанинг тескари томонига намланган мато билан дазмолланади. Дазмол қилинган енг қирқимларини маҳсус машина ёрдамида йўрмаланади.

Этак қисмини тикишда орқа ва олди бўлаклар этак қисмларини ўнгини ичкарига қаратиб қўйиб ён қирқимлари четидан 1-1,5 см тикилади. Тикилган ён қирқимлари орқа бўлакка қаратиб дазмолланади. Тикиб дазмол қилинган ён қирқимлари маҳсус машина ёрдамида йўрмаланади. Орқа ва олд юқори



қирқим четларидан 0,5 см ичкарида биринчи баҳяқатор юритилади. Баҳяқатордан 0,5 см ичкаридан иккинчи баҳяқатор юритилади. Иккала баҳяқаторларнинг остки иплари тортилади ва бурмалар текисланади.

Морфологик матрица технологияси ёрдамида аёллар блузкасини тикиш кетма-кетлигини тузиш майда бўлакларни тайёрлаш бўйича кичик гурухлар ижодий топширикларни бажаради.

### 1-гурух. Ёқага ишлов бериш

Белги	Кўриниш 1	Кўриниш 2	Кўриниш 3	Кўриниш 4
<b>Кўриниш шакли</b>	Қайтарма	Тик ёқа	Шолл	Адип қайтармали қайтарма ёқа
<b>Материал</b>	Вилур	Адрес	Хонатлас	Креп
<b>ранги</b>	Оқ, қора	Яшил, оқ	Камалак ранг	Қора
<b>Ўлчами</b>	Сантиметр	Қарич	Чизғич	Метр
<b>Бирлаштириш</b>	Икки ипли тикув машинада	Елимли	Бир ипли занжир симон машинада	Қўлда, қавиқ қатор
<b>Кийиш учун кулайлиги</b>	Ихчамлиги учун	Ёпишиб турганлиги учун	Шоллвий кўриниши учун	Чиройли кўриниши учун
<b>Кўшимча безаги</b>	Тасма	Безак бейка	Тўрмато	Вишивка

### 2-гурух. Енгга ишлов бериш

Белги	Кўриниш 1	Кўриниш 2	Кўриниш 3	Кўриниш 4
<b>Кўриниш шакли</b>	Реглан	Ўтқазма	Яхлит бичилган	Икки чокли енг
<b>Материал</b>	Вискоза	Адрес	Хонатлас	Женси
<b>ранги</b>	Қизил, оқ	Сарик, оқ	Камалак ранг	Кўк
<b>Ўлчами</b>	Қарич	Чизғич	Сантиметр	Метр
<b>Бирлаштириш</b>	Икки ипли тикув машинада	Елимли	Бир ипли занжирсимон машинада	Қўлда, қавиқ қатор
<b>Кийиш учун кулайлиги</b>	Эксплуатация учун қулай	Ихчамлиги учун	Миллийликни акс этириш учун	Кўриниши учун
<b>Кўшимча безаги</b>	Безак тошлар	Аппликация ва гажим	Тўрмато	Вишивка

### 3-гурұх. Блузқага безак бериш

Белги	Күриниш 1	Күриниш 2	Күриниш 3	Күриниш 4
<b>Күриниши шакли</b>	Классик	Авангард	Романтик	Кундалик
<b>Материал</b>	Лавсан	Трикотаж	Шифон	Пахта
<b>ранги</b>	Оқ, қора	Яшил, кулранг	Оқ	Күк
<b>Үлчами</b>	Қарич	Чизғич	Сантиметр	Метр
<b>Бирлаштириш</b>	Икки ипли тикув машинада	Елимли	Бир ипли занжирсімөн машинада	Күлда, қавиқ қатор
<b>Кийиш учун кулайлиги</b>	Кенглиги учун	Ихчамлиги күрениши учун	Миллийликни акс этириш учун	Чиройли күриниши учун
<b>Күшімча безаги</b>	Безак тошлар	Аплекация ва гажим	Вишивка	Түрмато

**Талабалар ўзларига керакли топшириқтарни онгли гурухларда бажаради-лар.**

**Гурух билан ишлаш қоидалари  
Гурух аъзоларининг ҳар бири**

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилған топшириқлар бүйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

Блиц-сўров методи орқали талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу метод орқали талабаларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини ав-

вал якка тартибда мустақил равища белгилаш, кичик гурухларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олиш каби кўнилмаларни шакллантирилади.

**Кичик гурухлар ишини баҳолаш**

1. Ўқитувчи кузатувлар асосида, алоҳида гурух аъзоларининг индивидуал ютуқларини ҳам, гурух бажарган умумий ишни ҳам баҳолайди. Бу иккала баҳонинг ўртача қиймати натижани беради. Бу усул ўқитувчининг кузатиш қобилиятига жуда юқори талаблар қўяди.

2. Гурухнинг алоҳида аъзолари бошқа барча гурух аъзоларининг индивидуал ютуқларини баҳолайди. Барча баҳоларнинг ўртача қиймати ҳар бир киши учун алоҳида индивидуал баҳони беради. Бу усул талабаларда ўз-ўзини баҳолаш компетенцияларнинг ривожланишига кўмаклашади ва ўқитувчининг баҳолашга мувозанатни кўрсатади.

3. Ҳар бир гурух аъзоси гурухнинг умумий натижаси учун баҳо олади. Бу усул адолатсизлик хавфини келтириб чиқаради, чунки унда индивидуал бажарилган иш ҳисобга олинмайди. Бироқ, бу усул шунингдек, ҳамкорликдаги иш учун масъулият хиссиятини ҳам кучайтириш мумкин.

4. Гурух ўзини ўзи баҳолайди ва уни ўқитувчи ўзининг баҳоси билан солишира-

ди ҳамда якуний натижани чиқаришда 50 % га ҳисобга олади. Бу усул талабаларни баҳолаш билимдонлигига ўргатиш учун кўл келади.

5. Гурухда иш якунлангандан сўнг гурух иши мазмуни ёзма равишда текширилади ва бунинг учун ҳар бир талаба индивидуал баҳо олади.

6. Тест топшириқлари учун алоҳида белгилардан олинган ва гурухнинг умумий натижаси баҳосидан олинган ўртача қиймат якунда ҳар бир гурух аъзоси учун алоҳида баҳони беради.

Икки усул ҳам аниқ шароитларни яратади, бироқ гурухдаги иш жараёнини эътиборга олмайди ва гурухдаги ҳамкорликка халақит қилиш мумкин.

Агар таълим олувчига ушбу хусусиятлар шакиллантирилмаса шахс имкониятлари рўёбга чиқмайди шунинг учун ҳам таълим технологиялари ва методлари талабанинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқишига қизиқиши, уйғониш мустақил ўрганишга ҳавас орттиришига йўналтириш лозим. Биз морфологик матрица методдан фойдаланиб, талабаларнинг мустақил ўрганишига қаратилган дарс ишланмасини келтирдик.

Ўқитувчи улар тиккан ҳар хил ёқа, енг, манжетларини таҳлил қилиб якуний сухбат ўтказади ва келгусида қайси жиҳатларига эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Аёллар блузкасини тикиш кетма-кетлигини тузиш, майда бўлакларни тайёрлаш бўйича ижодий топшириқларни бажаради.

Техника ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда – санитария гигиена қоидалари ёқа, енг, манжетини тайёрлаш тартиби ва иш жараёнидаги йўл қўйиладиган нуқсонлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот беради. Гурухларнинг ҳар бирига ижодий топшириқлар берилади. Гурухлардаги ҳар бир талабага кичик ижодий топшириқлар берилади. Ёқа, енг, блузкани тикиш учун талабаларнинг ҳар бир гурухларга мато ва технологик хариталар берилади. Гурух етакчиси ишларни тақсимлайди. Бичиш-тикиш

ишларини бажариш учун вақт белгилайди. Ўқитувчи талабалар ишини кузатиб туради. Ишни сифатли бажарган талабалар рағбатлантирилади. Ҳар бир гурух талабалари тайёр бўлган ёқаларни, енгларни, манжетларни, блузкани белгиланган вақт давомида тайёрлашлари керак. Ўқитувчи тайёр ёқа, енг, манжет, тайёр блузкаларни текшириб уларни маълум мезон асосида баҳолайдилар. Топшириқни бажаришда ижодий ёндашув ҳам алоҳида баҳоланиши керак. Ишни тайёрлаётганда талаба ижодий иш маҳсулни сифатида бирон маҳсулот ёки композиция яратади. Талабалар бажарган ишни баҳолаш орқали уларнинг мустақил ва ижодий қобилиятлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин. Талабалар ишини куйидаги тарзда баҳолаш ҳам мумкин: талаба ишини бажара олмади, қониқарсиз (55%дан паст), қониқарли (56-71%), яхши (72-85%), аъло (86-100%) даражада бажаради.

### **Якуний қисм.**

Гурух талабалари тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гурух рағбатлантирилади. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражага эришилганлигини англатувчи кўрсатгич бўлиб, у сонлар (“5”, “4”, “3”, “2”) билан ифодаланади. Бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар сабаблари аниқланади ҳамда бартараф этиш йўллари тушунтирилади. Уйга бажариш учун топшириқ берилади. Лаборатория хонасидаги нарсалар йиғиширилиб, тартибга келтирилади.

Дарсни ушбу метод асосида ташкил этилиши фан бўйича таълим олувчиларнинг мустақил ўрганиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, топшириқларни мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш каби кўнікмаларини шакллантиришга имкон яратади. Ўқув материали эса чуқур ва мукаммал тарзда асосли эгалланади.

Мана шу морфологик матрица усули кўлланилганда талабаларнинг билим олиш фаолияти фаоллашади, ўз фикрини мус-

тақил баён эта олади, амалий кўникмалари ривожланади.

“Лойиҳалаш” ўқув курсидан ташкил этиладиган машғулотларда ҳар бир талабанинг олдига бошқарувга оид савол (топширик) ёзилган хатжилд (конверт) қўйилади. Талабалар хатжилдда кўрсатилган саволга мустақил жавоб излайди. Бундан ташқари, талабаларнинг ўзаро ҳамкорликда ечишлиари учун қуидаги мазмундаги муаммоли топшириқ берилиши мумкин: **“Сиз замонавий кийимларнинг турларини такомилаштириш бўйича нималарни таклиф қилган бўлар эдингиз?**

**Тасаввур қилиб қўрингчи!** Сиз аёллар устки кийимларини яратганингизда унга яна қандай қўшимча янгиликлар таклиф этган бўлардингиз? **Сиз таклиф этаётган янгилик қандай таъсир қилган бўлар эди?** Бўлса ифодалаб беринг.

Бундай топшириклар талабаларда катта қизиқиш уйғотади. Уни ечишда гуруҳ аъзолари ўзаро маслаҳатлашади ва фикр алмашади. Натижада уларда нафақат амалий ўқув кўникмалари, балки коммуникатив кўникмалар, бағри кенглик ва ҳамкорлик фазилатлари ҳам ривожланади. Айниқса, машғулотлар жараёнида талабалар билан биргаликда тузилган кроссвордлар, ребуслар, бошқотирмалардан кенг фойдаланиши уларнинг билимларини янада мустахкамлашга, хотирасини ривожлантиришга, диққат эътиборини кучайтиришга хизмат қиласи.

Тарбиявий, психологик характердаги масалаларни ҳал этишда “Лойиҳалаш” ўқув курсига оид энг содда атамалар, шунингдек анча мураккаб тушунчалардан фойдаланиб, тузилган кроссворд, ребус ва бошқотирмалар энг мақбул ҳисобланади. Бошқотирмаларни тузишда талабаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш керак. Бу таълимни табақалаштириш ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради.

Билимларни баҳолашнинг ўзига хос тизими, дарсларни ташкил этишининг ностандарт шакллари, фанларро алоқадорликдан кенг фойдаланиш, таълимнинг касбий йўналғанлигини таъминлаш ўқув материалини қўргазмали мисоллар билан бойитиши ўқув фаолиятини янада фаоллаштиради, талабаларнинг мустақил таълим олиши ва ўзини ўзи назорат қилишига рағбат уйғотади.

Синов дарсларида ўзаро назорат методидан кенг фойдаланиш мумкин. Бунда мавзуни жуда яхши ўрганган талаба бошқаларнинг билимини баҳолайди, ўқитувчи эса унинг баҳолаши қанчалик холис эканини текшириб кўради. Бу эса, шаксиз ҳар бир талабага ўқитувчи томонидан кўрсатилган ҳурмат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ўқитувчи ва талабанинг самимий ўзаро ҳамкорлигисиз замонавий дарсларни самарали ташкил этиб бўлмайди.

Таълим жараёнида талабаларнинг индивидуал қобилияти ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



- Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Тошкент, 1999. –Б.7-8.
- Қаюмова Ф.Э., Ф.И.Нурматова. Ўқитиша ноанъанавий методлардан фойдаланиш. Касб-хунар таълими илмий-услубий журнал. Т., 2007. №5. 13 б.
- Олимов Қ.Т., Джалолова Д.Ф. ва бошқалар. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. “Фан ва технологиялар” Тошкент., 2013 й.
- De Corte, E. 2000. Marrying theory building the improvement of school practice: a permanent challenge for instructional psychology. Learning and instruction (Tarrytown, NY), vol. 10, p. 249-256.
- Edelmann, D.; Tippelt, R.: Kompetenz – Kompetenzmessung: ein kritischer Überblick. In: Durchblick 2004 Heft 3 S. 7-10
- Hortsch, H.: Merkblätter zur Didaktik der Berufsbildung. Dresden 2005.
- Kersten, Steffen: Zur Erarbeitung von Prüfungsaufgaben in der berufstheoretischen Ausbildung- In: Dresden Beiträge zur Berufspädagogik Heft 29 Handreichung für dieAusbildung zum/zur Chemisch-technischen Assistenten/in. Dresden 2009, S. 169-176

# РАЗВИТИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВОСПИТАТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ

А.Д.ЮСУПОВ

Соискатель Института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов системы дошкольного образования

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы развития методической компетентности педагога-воспитателя ДОО. Выделены компоненты структуры методической компетентности. Толкование термина “компетентность” в различных научных источниках.

**Ключевые слова:** компетентность, педагог-воспитатель дошкольно образовательной организации, условия развития методической компетентности.

**Annotation.** This article discusses the development of the methodological competence of the teacher-educator of early childhood care. The components of the structure of methodological competence are highlighted. Interpretation of the term “competence” in various scientific sources.

**Key words:** competence, teacher educator of preschool educational organization, conditions for the development of methodological competence.

**Аннотация.** Мазкур мақолада мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларини методик компетенцияни ривожлантириш түғрисидаги муаммолар назарда тутилган, методик компетенция тузилмаси компонентлари ажратилган. “Компетентлик” термининг маноси турли илмий манбаалар орқали ёритилган.

**Калит сўзлар:** компетентлик, мактабгача таълим ташкилоти педагог-тарбиячиси, методик компетентликни ривожлантириш учун шароитлар.

В нашей стране реализуются широкомасштабные реформы по организации инновационной системы дошкольного образования, направленной на коренное совершенствование системы дошкольного образования, внедрение эффективных форм и методов образования и воспитания с учетом передового зарубежного опыта. В Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены такие приоритетные задачи, как «создание условий для всестороннего интеллектуального, нравственного, эстетического и физического развития детей дошкольного возраста, внедрение в систему дошкольного образования инноваций, передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий, направленных на развитие методической компетентности педагога воспитателя и образования детей дошкольного возраста в соответствии с государствен-

ными требованиями дошкольных образовательных организаций.

На сегодняшний день возрастает значимость развития методической компетентности педагога дошкольного образования являющаяся составной частью системы непрерывного образования, увеличиваются запросы науки и практики в раскрытии особенностей повышения квалификации педагогических работников в самих учреждениях образования.

В словарях иностранных слов понятие «компетентный» толкуется как обладающий компетенцией – кругом полномочий какого-либо учреждения, лица или кругом дел, вопросов, подлежащих чьему-либо ведению, Competent (франц.) – компетентный, правомочный. Competens – (лат.) - соответствующий, способный. Competere – требовать, соответствовать, быть годным. Competence (англ.) – способность (компетенция).

Понятие же «ключевые компетенции» было введено в употребление в начале 90-х гг. XX века работающей под эгидой ЮНЕСКО с Международной организацией труда и с тех пор стало определять требования к подготовке кадров в профессиональной школе. В психолого-педагогической литературе при рассмотрении процесса формирования и развития професионализма используются два понятия: «компетенция» и «компетентность».

Появление понятия «компетентность» обусловлено широтой его содержания, интегративностью его характеристики, объединяющей такие понятия как «профессионализм», «квалификации», «профессиональные способности».

В современной педагогической науке существует многообразие трактовок понятий «компетентность»: совокупность знаний и умений, определяющих результативность труда; объем навыков выполнения задачи; комбинация личностных качеств и свойств; комплекс знаний и профессионально значимых личностных качеств; вектор професионализации; единство теоретической и практической готовности к труду; способность осуществлять сложные культурообразные виды действий и др. Термин «компетентность» обычно употребляется применительно к лицам определенного социально-профессионального статуса и характеризует меру соответствия их понимания, знаний и умений реальному уровню сложности выполняемых ими задач и решаемых проблем.

«Компетентность» и «компетенция» являются взаимодополняемыми и взаимообусловленными понятиями: компетентный человек, не обладающий правомочиями (компетенцией), не может в полной мере и в социально значимых аспектах ее реализовать. Такое понимание отражено в определении А.С. Белкина, характеризую-

щего «Компетенции как совокупность того, чем человек располагает, а компетентность – как того, чем он владеет». В основе профессиональной деятельности лежит способность использовать имеющиеся, умения и навыки на практике. Психолого-дидактические конструкты, которые позволяют использовать комплекс имеющихся знаний, умений и навыков в области профессиональной и социальной деятельности, получили название компетенции. Компетенции лежат в основе профессиональной компетентности специалиста. Что в свою очередь определило что **Методическая компетенция** это самостоятельная разработка и нахождение путей решения проблем; умение самостоятельного получения информации; умение извлекать пользу из опыта; умение работать с научно-методическими документами; проявление самоконтроль и самодисциплины; развитый сенсомоторный потенциал. Методическая деятельность педагога воспитателя ДОО осуществляется как специально-научная деятельность, направленная на получение новых продуктов – новых методов и средств научного исследования».

Современная ситуация в образовании ставит педагога в принципиально новые условия, для которых характерны отсутствие жесткой регламентации педагогической деятельности, значительное расширение информационного поля, модернизация социальных функций педагога, развитие индивидуальности, готовность к принятию решений, мобильность применения профессиональных качеств.

В структуре методической компетентности ученые выделяют следующие компоненты:

- личностный,
- деятельностный,
- познавательный (когнитивный) и др.

**Личностный компонент методической компетентности** воспитателя дошкольного образовательной организации мы соотносим с умениями, связанными с психологической стороной личности педагога: коммуникативные, перцептивные, рефлексивные.

**Деятельностный компонент** заключает в себя накопленные профессиональные знания и умения, умение актуализировать их в нужный момент и использовать в процессе реализации своих профессиональных функций. Также он предполагает овладение воспитателем исследовательскими и творческими умениями.

**Познавательный компонент** основывается на умениях, составляющих теоретическую подготовку педагога воспитателя;

- аналитико-синтетические (умение анализировать программно-методические документы, выявлять методические проблемы и определять пути их решения, умение классифицировать, систематизировать методические знания);
- прогностические (умение прогнозировать эффективность выбранных средств, форм, методов и приемов, умение применять методические знания, умения, навыки в новых условиях);
- конструктивно-проектировочные (умение структурировать и выстраивать процесс обучения, отбирать содержание и формы проведения занятий, подбирать методики, методы и приемы, умение планировать методическую деятельность).

В ходе исследования были определены **педагогические условия развития методической компетентности воспитателя** дошкольного образовательной организации в процессе его педагогической деятельности:

- развитие ценностного отношения к педагогической деятельности на основе интеграции личностной позиции педагога-воспитателя и имеющихся у него общекультурных, психолого-педагогических, методологических и методических знаний, актуализации его индивидуального опыта;
- осуществление дифференцированного целостного методического сопровождения деятельности воспитателя, которое имеет аналитический характер, а его результаты – диагностическую направленность, и предусматривает выработку педагогических умений и навыков, необходимых для самостоятельного осуществления педагогической деятельности (самоорганизация, саморегуляция);
- рефлексия педагогических действий на разных этапах деятельности (самоанализ и самооценка).

**Развитие методической компетентности** – процесс, продолжающийся всю профессионально-педагогическую деятельность педагога воспитателя ДОО, поэтому определить временные рамки этапов формирования методической компетентности не представляется возможным. Вместе с тем, исходя из задач методической работы по повышению квалификации педагогических работников и соотнеся этапы с уровнями сформированности методической компетентности, можно выделить **3 уровня развития методической компетентности воспитателя ДОО**:

- начальный или базовый (развитие происходит на имеющемуся уровне методической компетентности в индивидуальном режиме методического сопровождения);
- основной или продуктивный (воспитатель – деятельностный участник методической системы дошкольного

образовательной организации);

- креативный (процесс развития происходит самостоятельно на основе само-реализации, носит исследовательский и творческий характер); при этом процесс развития методической компетентности рассматривается как многоуровневый.

Компетентностный подход в образовании детей дошкольного возраста предполагает подготовку растущей личности ребенка к жизни, формированию у него способов деятельности, необходимых для решения жизненно важных задач, связанных с освоением нравственных норм и ценностей, общением с другими людьми, построением образа Я. В связи с этим в сотрудничестве с международным детским фондом ЮНИСЕФ по Республике были проведены в три этапа семинар тренинги, по “Внедрению Государственной учебной программы “Илк қадам” и Государственных требований к развитию детей раннего и дошкольного возраста”. Целевая группа данных семинар тренингов явились педагоги воспитатели дошкольно-образовательных организаций. Данная программа ставит своей целью индивидуальный подход к развитию ребенка, уважение к его личности, учет его интересов,

потребностей и уровня развития, заботу об эмоциональном комфорте, стремление к созданию условий для свободного творческого самовыражения. Поэтому, наряду с планированием, наблюдение за развитием ребенка является важным моментом в работе педагога. Педагог систематически наблюдает за жизнью детей, чтобы лучше понять ребенка и настоящие причины его поведения, увидеть развитие ребенка, его внутренний мир, поддержать, определить пути развития, выявить потребности и интересы. На основе педагогических наблюдений разрабатывается и улучшается планирование образовательной деятельности.

Таким образом, в свете современных требований, развитие методической компетентности педагога воспитателя ДОО, пройдя путь от обучения простейшим действиям по подбору методов и приемов к работе в рамках целой методической системы, является необходимым условием для развития профессиональной компетентности педагога в целом.

Все выше представленные задачи исполнимы в случае высокого уровня методической компетентности педагога воспитателя дошкольно образовательной организации.

#### **Использованной литературы:**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4312 об Утверждении «Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года» Ташкент-2019 г
  2. Чуракова Р.Г. Моделирование педагогических ситуаций в ролевых играх. – М., 1991.
  3. Шарифбаева Х.Я. Педагогические условия совершенствования подготовки преподавателей профессиональных колледжей на основе сравнительных исследований. Дисс. Ташкент-2005г
  4. Шаюсупова А.А Касб-ҳунар колледж ўқитувчилари малакасини ошириш ўқув- услугий мажмусини яраташнинг илмий услугний асослари п.ф.н. дисс. ... Т 2005 й
  5. Уматалиева К.Т “Непрерывное развитие методической компетенции преподавателя колледжа с использованием инновационных образовательных технологий” (на примере системы повышения квалификации).дисс. ... Т 2018й
  6. Ursula Bade-Becker. Qualitätsmanagement in der wissenschaftlichen Weiterbildung an Hochschulen in Deutschland (Stand–Entwicklungen–Perspektiven). Diss. ... dr. phil. -Bielefeld: Universität Bielefeld. 2005. -191 S.

# UMUMIY O'RTA TA'LIM MAZMUNI, METOD VA VOSITALARINI MODERNIZATSIYALASHNING DIDAKTIK PRINSIPLARI

N.S.XO'JAYAROVA

Qarshi Davlat universiteti o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Maqlada ta'lismazmunini modernizatsiyalash, pedagogik texnologiyalarni joriy etish, o'qituvchining kasbiy bilim tayyorgarligini oshirish va yuqori natijaga erish samaradorligi bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** sevilizatsiya, modernizatsiya, o'quv faoliyati, parametr, texnologiya, metod, vosita.

**Аннотация.** В этой статье раскрыто модернизация содержания обучения, внедрения педагогических технологий, развития готовности профессиональных знаний учителей и достижения высоких результатов.

**Ключевые слова:** цивилизация, модернизация, деятельность обучения, параметр, технология, метод, способ.

**Annotation.** In this article is written about non to modernize the meaning of the education, to create pedagogical technologies, to delevop professional cnowledge of the teacher and non to reach the highest result.

**Key words:** civilization, modernization, the activities of teaching, parameter, technology, method, means.

Bugungi kunda mamlakatimizda ta'lismazmunini yangilash, o'qituvchining kasbiy bilim va tayyorgarligini oshirish, o'quvchilarning shaxsiy tajribalarini boyitish, ularni ijtimoiy hayotga tayyorlash sohasida keng ko'lamli izlanishlar amalga oshirilmoqda. Bularning barchasi zamonaviy maktab ta'liming umumiyo yo'nalishini belgilash, dunyo miqyosida uning rivojlanishiga ta'sir ko'r-satadigan omillarga keng yo'l ochish imkonini beradi.

Ta'lismazmunini modernizatsiyalash, unga mos pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish o'quv jarayoni sifati va samaradorligini oshirish maqsadida o'quvchilarga differential bilim berish, ta'lismazmunini integrallashtirish, o'quv qurollari tizimini joriy etish, o'qitishning yangi shakl, metod va texnologiyalarini qo'llash, o'quvchilarning o'zlashtirish darajasi va bilimlarini nazorat qilish kabilalar ta'liming muvaffaqiyatini ta'minlash imkoniyatini beradi.

Yoshlar ta'lism-tarbiyasini takomillash-tirish, ularga berilayotgan ta'lismazmunini kengroq boyitish va ta'lismuzluksizligini ta'-

minlab berish uchun yangidan-yangi qonunlar va hujjatlar qabul qilinmoqda, zamonaviy pedagogik texnologiyalar yaratilmoqda.

Yangicha yondashuv, yangicha fikrlash asosida o'qitish jarayonida o'quvchilar faoliyatining samarali shakl va uslublari, ularning mustaqil ishlarini tashkil qilish kerak. Bunda mustaqil topshiriqlar o'quvchilarni o'ylashga, har tomonlama fikr yuritishga, berilgan topshiriqlarni o'z hayotiy tajribalariga asoslanib hal etishga o'rgatadi.

Ta'lismazmunini isloq qilish uni modernizatsiyalash bilan izohlanadi. O'quvdasturlari, davlat ta'lism standartlari, o'quvchilarni ijtimoiy hayotga tayyorlash, ularni shaxs sifatida kamol toptirish va mustaqil yo'llash nuqtai nazaridan qayta ko'rib chiqilishi lozim.

An'anaviy ta'litmiz shaxsga yo'naltirilgan ta'limga nisbatan o'quvchini uzluksiz rivojlantirish sohasida bir qadar kam-mahsul hisoblanadi. Chunki unda o'quv jarayonining markazida o'quv materiali turadi. Shaxsga yo'naltirilgan o'quv-biluv, jarayonida esa o'quvchi shaxsi markaziy

o‘rin egallaydi. Shaxsga yo‘naltirilgan rivojlantiruvchi ta’limning maqsadi o‘quvchi shaxsini to‘laqonli, uzlusiz va maqsadga muvofiq tarzda aqliy intellektual, jismoniy, ma’naviy jihatdan rivojlantirishga qaratilgan. Ta’limning shaxsga yo‘nalganlik xususiyatlari quyidagilarda namoyon bo‘ladi: mustaqillik, o‘ziga xoslik, o‘z-o‘zini tatbiq etuvchanlik, ijodkorlikka undovchilik, shakllantiruvchilik, yo‘naltiruvchanlik, fikriy ijodkorlik, ta’sirchanlik, tanqidiylik, ifodalilik, dalillay olishni shakllantirishida. Bu jarayonda o‘quvchi shaxsida o‘zi va o‘zgalarning hayotiga yuskak ma’naviy, madaniy nuqtai nazardan turib yondoshish sifatlari qaror topadi. Yuqorida aytilgan fikrlar o‘qituvchiga ham aloqadordir.

Shaxsga yo‘naltirilgan rivojlantiruvchi ta’lim jarayonini tashkil etishda o‘qituvchi o‘z qarashlari, nuqtai nazari, kasbiy mahoratini namoyon qiladi. Bunda pedagogning kasbiy bilimdonligi, layoqatliligi katta ahamiyatga ega.

Shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv-biluv jarayonida o‘quvchini uzlusiz rivojlantirish va barkamol shaxs sifatida shakllantirish uchun quyidagilarni amalga oshirish kerak:

- o‘quvchilar individual bilish faoliyatlarining mavjud darajasini aniqlash va mazkur o‘quv-biluv jarayonida ushbu ko‘nikmalarni izchil rivojlantirish tizimi ni belgilab berish;
- 11-sinfni bitirayotgan har bir o‘quvchining qiziqishi, individual ta’lim olish va kasb-hunar egallah yo‘nalishlarini aniqlash;
- o‘quvchilararning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda, ularga differensiyalashtirilgan o‘quv materiallari ta’limiy topshiriqlarini taqdim etish;
- shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv-biluv jarayonida o‘quvchilar tomonidan egallangan bilim, ko‘nikma, malakalarni tashxislash va nazorat qilish mexanizmini ishlab chiqish hamda amaliyotda qo‘llash.

Olingan natijalarни nazorat qilish, o‘quv-biluv jarayoni mazmunini tabaqlashtirish

shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim jarayonida alohida ahamiyatga ega. Bu masalalarni muvaffaqiyatli yechish uchun o‘qituvchilar o‘quvchi shaxsini uzlusiz rivojlantirish haqidagi zamонавиy pedagogik nazariyalarni chuqur egallagan bo‘lishlari lozim.

Shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv-biluv jarayoni va undan tashqari mashg‘ulotlarda o‘qituvchi har doim o‘quvchilarining individual xususiyatlarini yaxshi bilgani holda ularning o‘ziga xos imkoniyatlarini aniq hisobga olishi talab etiladi. Shuni alohida qayd etish zarurki, tarbiyaviy yo‘nalish ta’lim jarayonida o‘quv predmetlari mazmuniga asoslanadi. O‘quvchi-yoshlarga ta’limning inson, jamiyat va tabiat haqidagi bilimlarni berish vazifasi bilan tarbiya vazifalari ham chambarchas bog‘liq holda amalga oshirilmoqda. Bu esa o‘quvchi-yoshlarga o‘ziga xosliklarni namoyon etish, hayot tarzi, jamiyatdagi o‘z o‘rnini topish hamda ijtimoiy mas’uliyat hissini tarbiyalash imkonini bermoqda.

Shaxsgayo‘naltirilgano‘quvbilimjarayoni samaradorligini ta’minalash uchun yangicha pedagogik tafakkur asosida yo‘lga qo‘yilgan o‘quvchi hamda o‘qituvchi hamkorligiga alohida e’tibor qaratish talab etiladi. Ta’lim jarayonida o‘quvchilarini fikrlashga undovchi o‘quv elementlarining miqdori juda kam. Ona tilining boyliklari, ifoda imkoniyatlari aksariyat hollarda o‘zlashtirilmay qolib ketmoqda. Bitiruvchilarda muloqot madaniyati ko‘nikmalari yetishmaydi. Ilmiy jihatdan aniq va tabiiy tarzda yondashgan holda ta’lim mazmunini tanlash lozim. Buning uchun fan-texnika taraqqiyoti bilan bir qatorda o‘quvchilarining bilimlarni o‘zlashtirish imkoniyatini ham aniq hisobga olish kerak.

Muhim parametrlardan yana biri istiqbolda oilada ta’lim berish, o‘z-o‘zini shakllantirish mustaqil ta’lim mazmuni nuqtai nazaridan qanday bo‘lishi kerak, degan savollarga ham javob izlash vaqt kelganligini alohida ta’kidlash lozim.

Yana bir parametr masofadan turib ta’lim

berish va televizion o‘quvlari mazmunini aniqlash ham muhim ahamiyatga ega. Yangi axborotlar sivilizatsiyasi davrida sanitargigiyenik me’yorlarga tayanish zarurmi? Albatta, lekin sanitargigiyenik talablardan kelib chiqqan holda ta’lim mazmuni qanday bo‘lishi kerak?

Uy vazifalarining hajmini belgilashda nimalarga rioya qilish lozim, degan savollarga javob izlanmoqda.

Bugungi kunda uy vazifasi sifatida berilayotgan topshiriqlarning hajmi mutlaqo sanitargigiyenik talablarga javob bermaydi.

Sinfdagisi o‘quv materialining mazmunidan kelib chiqqan holda o‘qituvchilar hamda ota-onalarga o‘quvchilarni uyda o‘qitish uchun topshiriqlar tanlashga yo‘naltirilgan tavsiyalar ishlab chiqish lozim. O‘qituvchi esa o‘quvchining oiladagi bo‘sh vaqt budgetidan kelib chiqqan holda uy vazifasining hajmini belgilab berishi maqsadga muvofiqdir.

Shuningdek, sinfda ishlangan shunga o‘xshash topshiriqni o‘quvchilar qancha vaqtida bajarishlariga qarab ham o‘qituvchi o‘z yo‘nalishini belgilashi lozim. Sanitar-gigiyenik talablardan kelib chiqqan holda, matematika bilan musiqaga yoki tarix bilan geografiyaga bir xil vaqt ajratish kerakmi? Bu soatlarning har birida qaysi o‘quv predmetidan o‘quvchiga qanday hajmdagi o‘quv materialini taqdim etish mumkin? Differensial ta’lim berishga ixtisoslashgan maktablar kerakmi?

O‘quvchilarga o‘z qiziqishlari, qobiliyat va iqtidorlardan kelib chiqqan holda ta’lim berish shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim jarayonini tashkil etishning muhim shartidir. O‘quvchining o‘quv-biluv, jismoniy hamda ijtimoiy faolligini ta’minlovchi stimullar, vositalar, individual ta’lim olish yo‘llarini belgilovchi ta’lim variantlarining qurilishi, shuningdek, o‘quv jarayonining keng, serqirra ko‘p faoliyatlilikka asoslangan ta’lim maydonini tashkil qilish kerak. Bunda o‘quvchilar o‘zlari uchun ma’qul bo‘lgan individual faoliyat turini tanlash imkoniyatiga

ega bo‘ladilar.

Ta’lim jarayonida o‘quvchi u yoki bu o‘quv materialini o‘zlashtirishda orqada qolayotgan bo‘lsa, unga samarali yordam ko‘rsatishning yo‘llarini aniq belgilab olish lozim. Bunday sharoitda eng yaxshi tuzatish choralarini ham qo‘llash kerak.

Nazorat va baholashning qulay, maqbul variantini vujudga keltirish ham o‘z yechimini kutayotgan dolzarb muammolardandir. Ta’lim mazmunini modernizatsiyalashni amalga oshirishda o‘qituvchi quyidagi bir qator didaktik chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim:

- uzluksiz ta’lim tizimining barcha bosqichlarida har bir o‘quv predmetini o‘qitishda qo‘llaniladigan innovatsion usullar va texnologiyalarning samaradorlik darajasini tahlil qilishi va ularning o‘quvchilarni intellektual-ma’naviy darajasining o‘sishiga xizmat qilishini ta’minlash;
- ta’lim jarayoni subyektlari bu jarayonda ta’lim samaradorligiga erishishdan manfaatdor bo‘lishlari uchun mazkur jarayonga modulli o‘qitish texnologiyalarini joriy etish;
- ta’lim jarayoniga shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv-tarbiya jarayonini tatbiq etish va o‘qituvchining kasbiy kompetensiyalarini ushbu maqsadni amalga oshirishga qaratilgan holda rivojlantirish;
- ta’lim jarayonida o‘quvchi shaxsining intellektual-ma’naviy rivojlanish darajasining munosib baholanilishiga erishish.

Demak, bugungi kunda mamlakatimizda ta’lim mazmunini yangilash, o‘qituvchining kasbiy bilim va tayyorgarligini oshirish, o‘quvchilarning shaxsiy tajribalarini boyitish, ularni ijtimoiy hayotga tayyorlash sohasida keng ko‘lamli izlanishlar amalga oshirilmoqda. Bularning barchasi zamonaviy muktab ta’limining umumiy yo‘nalishini belgilash, ta’lim mazmuni, metod va vositalarini iqtisodiyot, taraqqiyot bilan bog‘liq holda modernizatsiyalash, dunyo miqyosida

uning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadigan omillariga keng yo'l ochish imkonini beradi.

O'qituvchining nazorat qilish, baholash faoliyati bilan o'quvchi orasidagi munosabatning qulay shakllarini aniqlash, maktab dars jadvali va o'quvchining kun tartibini to'g'ri tashkil etish bo'yicha metodik tavsiyalar ishlab chiqish, bunda ta'lim maydonining o'zgarganligi, uni tashkil etish imkoniyatlari shakllarining murakkablashganligi e'tibordan chetda qoldirilmasligi kerak. Maktabni bitirayotgan o'quvchiga mustaqil bo'lish, o'zini tanish, namoyon qila olishi uchun ko'proq pedagogik yordam ko'rsatish lozim. Bu yordamning shakllari, ko'lami va vositalarini aniqlash muhim ahamiyatga ega.

O'quvchilar yosh taraqqiyotining turli bosqichlarida o'quv-biluv jarayoni dinamikasini hisobga olgan holda ta'lim mazmuni va shakllarining o'quv-biluv jarayonida va darsdan tashqari sharoitlarda faoliyatning turli ko'rinishlarini tatbiq qilish, o'quvchilarning serqirra faoliyatini tashkil etishning individual va jamoa tarzidagi shakllarini ishlab chiqish va tatbiq etish muhim masalalardan biridir.

O'quvchilarning yosh xususiyatlari bilan bog'liq holda ta'limning turli bosqichlarida turlicha ta'lim maydonini tashkil etishning Didaktik imkoniyatlarini aniq belgilab olish zarur. Bunda quyidagilarni hisobga olish lozim:

a) o'quv jarayonini tashkil etishning prinsiplari va shakllarini ishlab chiqish. Bunda ta'lim mazmunining yetakchi komponentlari o'zaksini topmog'ikerak. Ta'lim mazmunining tayanch qismlarini ajratish talab etiladi. Bu o'rinda ixtisoslashgan maktablar uchun yetakchi bo'lgan ta'lim mazmuni tayanch ta'lim mazmunidan farqli tarzda belgilab berilishi kerak.

b) o'quvchilarni uzliksiz rivojlantirishga yo'naltirilgan metodlar va texnologiyalarni izlash, ularda turli darajadagi bilimdonlik va layoqatlarni shakllantirishga xizmat qiladigan o'quv hamda darsdan tashqari faoliyatlarni

tahlil qilish.

O'quv jarayoniga keng miqyosda tatbiq qilinadigan loyihachilik faoliyatining turli ko'rinishlarini taqdim qilish. Bu faoliyatni muayyan o'quv predmeti va predmetlararo tashkil etish mumkin. Bu o'yin faoliyatiga asoslangan ta'limiy loyihalar ham bo'la oladi. Bunda bolalar atrofida bir faoliyatni tashkil qilib, ushbu tayanch faoliyatga bir qancha parallel ta'limiy harakatlarni birlashtirish lozim. Bunday loyihalar o'quvchilar uchun ijtimoiy tajriba maydoni bo'la oladi.

O'quvchilarning o'quv jarayonidagi loyihachilik faoliyati bilan boshqa faoliyat jarayonidagi loyihalar orasidagi mutanosiblikni ta'minlash ham muhim ahamiyatga ega.

Modullashgan va konsentrlashgan ta'lim, masofadan turib o'qitishga imkon beradigan o'quv vositalarini yaratish muhim ahamiyatga ega. O'quvchining jismoniy bilish hamda aqliy faolligi bunday loyihalarni tezkor qabul qilish imkonini beradi.

O'quvchining ijtimoiy faolligini ta'lim jarayonida rag'batlantirish ta'limning individual yo'lini belgilab olishning turli variantlarini ishlab chiqish, o'quv jarayonida o'quvchilarga faoliyatning xilma-xil turlarini tanlash imkoniyatlarini beradi. Shu bilan bir qatorda mustaqil fikrlashga o'rgangan o'quvchilar o'quv-biluv maydonini kengaytirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Bizning dastlabki kuzatishlarimiz, ta'limning bu variantlari samarali ekanligini tasdiqlovchi ko'rsatkichlarni aniqlash imkonini berdi. Bu esa, o'quvchiga pedagogik yordam ko'rsatish, uni pedagogik qo'llab-quvvatlashning yanada samaraliroq yo'llarini izlash imkonini beradi. Agar o'quvchining faoliyatida to'xtash hollari aniqlangan taqdirda uni tuzatish mexanizmlarini izlash va tatbiq etish lozim. O'quv jarayonini nazorat va baholashning eng samarali mexanizmlarini izlab topish o'quv-biluv jarayonini modullashgandasturlar, ta'limning modullashgan shakllari asosida tashkil etish ham muhim masalalardan biridir.

Unda konsentrashgan ta’lim metodikasini qo‘llash istiqbolli yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. Muntazam tarzda modullashgan konsentr xarakteridagi ta’lim jarayonini tahlil qilib, uning natijalari asosida ta’lim mazmuni va dars jadvalini takomillashtirib borish talab etiladi.

Dars jarayonining davomiyligi o‘quv faoliyati shakli va ko‘rinishlarini ifodalashi kerak. Bu ayniqsa, loyiha chilik faoliyatiga keng o‘rin ajratilgan o‘quv-biluv maydonlarida yaqqol namoyon bo‘ladi. O‘quvchining faoliyati ham bu jarayonda aniq ko‘zga tashlanadi. Uy vazifalari yuqorida ta’kidlaganimizdek, bugungi kunda o‘quv yuklamasining mavjud manzarasini aks ettirmaydi.

O‘quvchilarning individual ta’lim yo‘nalishlarini tashkil etishning didaktik asoslarini yaratish, bunda har bir o‘quv predmeti misoldida bo‘lgani kabi integratsiyalashgan o‘quv fanlari timsoldida ham individual ta’lim olish yo‘llari belgilab berilishi kerak. Bunday ta’lim yo‘nalishlari, asosan, o‘quv rejasida o‘z aksini topishi lozim.

Individual ta’lim jarayonining samaradorligini muntazam tahlil qilib borish talab etilmoqda. Bugungi kunda asoslanishi lozim bo‘lgan holat – o‘quvchiga pedagogik yordam ko‘rsatish va o‘quv-biluv jarayonida uni pedagogik qo‘llab-quvvatlashning qulay shakl va imkoniyatlarini izlab topishdan iboratdir. Bu muammoni muvaffaqiyatli hal qilishda korreksiyalash texnikasi va texnologiyasini qo‘llash bir qadar samarali bo‘la oladi. Muhim masalalardan yana biri – o‘quv jarayonida qo‘llanadigan o‘quvchilarga ommaviy va individual ta’lim berish metodlari va texnologiyalarini tanlashdan iborat.

Bunda o‘quv jarayoni kabi individual faoliyat jarayonini ham tanlash talab etiladi.

O‘quv-biluv maydonida quyidagi potensial imkoniyatlarni ajratish mumkin:

- ta’lim shakllari, o‘quvchi va uning sheriqlari, o‘quv dasturi, o‘quv predmeti, o‘quv materiali hajmi, mavzu va o‘rga-

niladigan mavzular ketma-ketligi, topshiriqlar, faoliyat turi va imkoniyatlari, o‘quv materialini

- o‘zlashtirish ko‘rinishlari va yo‘llari, hisobot shaklini tanlash kabilari o‘quv biluv jarayonini qayta qurish, konsentr shaklidagi modullashgan ta’limni joriy etish imkonini beradi.
- ta’lim jarayonini tashkil etishning asosiy tamoyillarini belgilash, ayniqsa, o‘smir yoshdagagi o‘quvchilarga taqdim etiladigan o‘quv materiallarini tanlashda o‘quvchilarning yosh xususiyatlari bilan bog‘liq psixologik imkoniyatlarini alohida hisobga olish muhim ahamiyatga ega.
- ta’lim jarayonining turli bosqichlari uchun ushbu bosqichning o‘ziga xos vazifalarini aniqlash, muammoli ta’limning samaraliroq komponentlarini shakllantirish sohasida ham izlanishlar olib borish maqsadga muvofiqdir.

O‘rganiladigan va tatbiq etiladigan o‘quv jarayonining shakllarini farqlab, ajratib olish loyiha chilik faoliyatining modullashgan hamda konsentrashadirilgan shakllarini tatbiq qilishni taqozo qiladi.

Ta’limning diskussiya shakli muktabdagagi o‘quv, darsdan tashqari jarayonning batafsil tavsifini bayon qilib berishni taqozo qiladi. Ta’lim jarayonini tashkil etishning asosiy tamoyillarini aniqlash, uning vositalarini aniq tasavvur etish maqsadga muvofiqdir.

Individual ta’lim yo‘nalishi doirasida o‘smir yoshdagagi o‘quvchilarning shaxsiy muammolarini yechishga yo‘naltirilgan juda tig‘iz ta’lim maydonining muayyan ta’lim tizimida vujudga kelishi aniq natijalarda namoyon bo‘ladi. Bu o‘quvchi rivojlanishini jadallashtiradi.

Shaxs taraqqiyotida o‘quv-biluv jarayonining o‘rnii nihoyatda katta. Boshqa ta’lim jarayonlari qatorida dars ham muhim ahamiyatga ega. Bu o‘rinda individual o‘quv reja va yuqori malakali pedagogik faoliyat talab

qilinadi. O‘quvchilarning oilaviy muhiti ham ularning individualligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday demokratik muhitni vujudga keltirish maktabdan tashqarida o‘quvchini o‘rab turgan ijtimoiy voqelikda amalga oshiriladi. Maktab ta’limi tarkibiga qo‘srimcha ta’lim komponentlarini kiritish imkoniyatlarini izlash ham nihoyatda zarur.

O‘quvchilar va ota-onalarning buyurtmalarini o‘rganish mexanizmlarini vujudga keltirish ayniqsa muhim. Maktab sharoitida qo‘srimcha ta’lim xizmatini tashkil etishning imkoniyatlarini izlash, optimal variantlarini aniqlash lozim.

Qo‘srimcha ta’lim muassasalari bilan oilaning ta’lim-tarbiyaviy ishini muvofiq lashtirishning turli shakllarini aniqlash talab etilmoqda. O‘quvchiga ko‘proq pedagogik yordam ko‘rsatishning shakl va imkoniyatlarini aniqlash, uni bosqichma-bosqich ijtimoiy hayotga yo‘naltirishning didaktik asoslarini ishlab chiqishni nazarda tutish lozim.

An’anaviy kasbga yo‘naltirish bilan bir qatorda o‘quv yili davomida bir necha kunlik turli firma, zavod, fabrika, kichik korxonalar, kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarda amaliyat o‘tkazish lozim.

Bunday amaliyat davrida o‘quvchilar litsey va kollej talabalari bilan birgalikda mash-

g‘ulotlarda qatnashadilar. Shu jarayonda ular korxonalar va o‘quv yurtlarining ish hamda o‘qish jarayoni bilan yaqindan tanishib bora-dilar, o‘zлari qiziqqan kasb-hunar yoki bilim sohasining sirlari bilan yaqindan tanishadilar.

Alohiba o‘quv rejasiga va tanlab olingan o‘quvchini jalb etish qanday pedagogik man-tiqqa ega, degan haqli savol tug‘iladi. Ular qiziqqan kurslar bo‘yicha mashg‘ulotlar o‘tkaziladi. Bu mashg‘ulotlar o‘quvchilar 11-sinfni bitirgandan keyin qaysi o‘quv yurtida o‘qishni davom ettirsalar, o‘sha ta’lim jarayonining mazmuni asosida amalga oshiriladi. Bunday sharoitda o‘quvchilar nazorat ishlarini top-shirgach, aloqador o‘quv mashg‘ulotlaridan ozod qilinadilar. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, o‘quvchini samarali, uzlusiz rivojlantirish uchun qulay pedagogik imkoniyat yarata oladi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, modernizatsiyalashgan ta’lim jarayonida shaxsga yo‘naltirilgan munosabatlarni kengaytirish imkoniyatlari shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv biluv jarayonini tashkil etish o‘zining umum-pedagogik, didaktik hamda psixologik xususiyatlari ega bo‘lib, bu xususiyatlarni olib berish natijasida ta’lim jarayonini samarali tashkil etish imkoniyati vujudga keladi.



### Foydalanilgan adabiyotlar:



1. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining axborotnomasi. Toshkent, 2013 yil, -88 bet.
2. O‘zbekiston Respublikasining umumta’lim maktabi to‘g‘risida Nizom. Vazirlar Mahkamasining 1995 yil 21 noyabrdagi 440-son qaroriga 1-ilova.
3. Oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi tizimi uchun o‘quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiysi. Vazirlikning 2013 yil 2 avgustdagи 278- sonli buyrug‘iga 1-ilova
4. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiysi. –T.:O‘zbekiston, 2014. -76 b.
5. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjalari to‘plami, 2016 y., 37-son, 426-modda.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash va attestatsiyadan o‘tkazish tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi Farmoni (2012 yil 24 iyul, PF-4456-sonli)

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАЛАРИНИНГ КАСБИЙ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**О.Б.САРМАНОВ**  
**ПИКҲТБПКҚТМО институти мустақил тадқиқотчиси**

**Аннотация.** Мазкур мақола касб-хунар таълими муассасаларининг ишлаб чиқариш таълими устасининг касбий ва педагогик маҳоратини ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришга бағишиланган. Профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар даврида ишлаб чиқариш таълими усталарини катталар таълими (андрагогик таълим)ни ташкил қилишда тегишли компетенцияларини ривожлантириш методлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** касб-хунар таълим муассасаси, педагогик маҳорат, ишлаб чиқариш таълими устаси, катталар таълими (андрагогика).

**Аннотация.** Данная статья посвящена повышению профессиональных и педагогических навыков мастера профессионального образования. Проанализированы методы развития соответствующих компетенций мастеров профессионального образования в организации образования взрослых (андрагогическое образование) в период реформ в системе профессионального образования.

**Ключевые слова:** профессиональное учебное заведение, педагогическое мастерство, мастер производственного обучения, образование для взрослых (андрагогика).

**Annotation.** This article is devoted to improving the professional and pedagogical skills of the master of vocational education. The methods of developing the respective competencies of masters of vocational education in the organization of adult education (andragogical education) during the period of reforms in the vocational education system are analyzed.

**Key words:** professional educational institution, pedagogical skill, master of production education, adult education.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган билимли, юксак профессионал, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиб бериш долзарб масалага айланди. Меҳнат бозорида рақобат қила оладиган кадрларни тайёрлашда ишлаб чиқариш таълими усталарининг роли жуда юқорилигини инобатга олиб, уларнинг касбий ва педагогик компетенциясини ошириб бориш ҳамда бу соҳада чуқур иммий ва методологик изланишлар олиб бориш талаб этилади.

Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунинг 13-моддасида Касб-хунар коллежи ўқувчиликнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки

бир неча ихтисослик олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар ўкув юрти эканлиги белгиланган. Охирги йилларда таълим тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида касб-хунар таълими тизимида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли фармони ҳамда 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3504-сонли қарори асосида мажбурий 11 йиллик таълим жорий қилинган бўлса 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал

таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу хужжатларда 2020/2021 ўкув иилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этилиши белгилаб берилди.

Келтирилган хужжатларга мувофиқ профессионал таълим тизимида:

Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим тизими;

Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим тизими;

Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта маҳсус профессионал таълим тизимлари жорий этилди.

Профессионал таълим қўйидаги таълим муассаларида амалга оширилиши белгиланди:

Бошланғич профессионал таълим берадиган касб-хунар мактаблари – мутахассислар тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гурухларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида;

Ўрта профессионал таълим берадиган коллажлар – мутахассислар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камидаги 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомланган, «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камидаги умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида;

Ўрта маҳсус профессионал таълим берадиган техникумларда – мутахассислар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камидаги 3- ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомланган, «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камидаги умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гурухларда касблар ва мутахассисларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилиши режалаштирилди.

Янги профессионал таълим тизимида олдида турган асосий вазифалардан бири маҳаллий ва хорижий меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун касб-хунар таълими тизимида бир қатор ишларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлди. Булардан энг муҳими бу зудлик билан ишлаб чиқариш таълими устарининг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш ҳисобланади.

Айни вактда фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежларининг амалдаги ўкув режаларининг таҳлили кўрсатишича 43.8%и умумтаълим фанлар, 24.4%и касбий (умумкасбий ва маҳсус) фанлар, 15%и ўкув амалиёти, 13.6%и ишлаб чиқариш амалиёти, 3.8 %и ДАК ва таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар ташкил қилиши аниқланди.

Янги талабларга мувофиқ профес-

сионал таълим муассаларида ишчи касб эгалари ва мутахассисларни тайёрлашга урғу берилганинги инобатга олиб, ишчи касбларнинг ўкув режасида 65-70%и, мутахассисликларнинг ўкув режасида 40-50%и амалиёт машғулотларни ташкил қилиши режалаштирилса мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш таълими усталарига бўлган талаб ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий ва педагогик компетенциясига қўйиладиган талабнинг қондирилишига олиб келади.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, професионал таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш таълим усталарининг сифат таркиби қониқарсиз аҳволда бўлиб, қўйидаги кўришида бўлган:

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг 1.8%-и – 1-тоифа;

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг 5.9%-и – 2-тоифа;

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг 92.3 %-и – тоифасиз.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг амалдаги малакавий хусусиятларининг таҳлили уларнинг касбий ва педагогик тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларнинг жуда паст даражада эканлигини кўрсатди. Касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими усталари турли касб эгалари ва мутахассисларни тайёрлашда иштирок этсада уларга қўйиладиган малака талаби битта бўлиб у ҳам бўлса умумий талаблардан иборат. Ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий ва педагогик малакасига қўйиладиган конкрет талаблар ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлашнинг яхлит тизими мавжуд эмас. Бугунги кунда касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш таълими усталари олий таълим муассасаларининг тегишли йўналишларини ёки

шу йўналишнинг касбий таълимини ёки касб-хунар коллажларини тамомлаганлар ташкил этмоқда.

Олий таълим муассасаларининг тааллукли йўналишларини тамомлаган маълум техник мутахассислика эга бўлган, бироқ педагогик, яъни педагогик билимга эга бўлмаган олий маълумотли мутахассисларни педагогик қайта тайрлаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Касб-хунар таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар даврида ишлаб чиқариш таълими устасини тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларида тайёрлаш камида 4 йил, касб-хунар коллежларида тайёрлашга эса 2 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади. Муаммонинг ечими касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий ва педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг турли жихатларига бағишланган сўнги тадқиқотлар ва нашрларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ишлаб чиқариш таълим усталари професионал сифатни ривожлантиришнинг яхлит тизими сифатида малакасини ошириш тизими тасвирланган.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 242-сон қарори асосида ташкил қилиб келинмоқда.

Юқоридаги қарор билан тасдиқланган низомда ишлаб чиқариш таълим усталарининг малакаларини оширишнинг бир неч-

та бевосита ва билвосита усуллари белги-ланган бўлсада, амалиётда асосий ишдан ажралган холда олий таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш марказларида 144 соат тўғридан-тўғри усулда малака ошириш курслари жорий қилинган.

Айни вақтда амалда бўлган Ишлабчиқариш таълими усталарининг малакаси-ни ошириш курсларига йўналтирилган 144 соатлик ўқув режаларнинг таҳлили кўрсат-гичлари:

- Умумий тайёргарлик 14 соат;
  - Умумкасбий тайёргарлик 34 соат;
  - Мутахассислик бўйича тайёргарлик 78 соат;
  - Ишлаб чиқариш амалиёти 12 соат;
  - Якуний давлат аттестацияси 6 соатни ташкил қиласди.

Яньи 144 соатнинг 30 соат (20.8%)и назарий, 90 соат (62.5%)и амалий ҳамда 24 соат (16.7%)и кўчма машғулотлардан иборат.

Шу ерда яна бир муҳим муаммога эътибор бериш керак. Бу ҳам бўлса ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш жараёнида моддий-техник базанинг етишмаслиги, янги талабларнинг жорий этилиши ва айниқса уларнинг бажарилиши албатта замонавий жиҳозланган

ўқув лабораториялар ва устахоналарнинг барпо этилиши ва таъмирланишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш таълими усталари-  
нинг касбий ва педагогик маҳоратини  
оширишдаги муаммолар ечими борасида  
қўйидаги таклифларни бериш зарур:

- Ишлаб чиқариш таълими усталари-нинг малака ошириш курсларини про-фессионал таълим муассасаларида ташкил қилиш ва бу ерда педагогик малака оширишни ташкил қилиш;
  - қасбий малакани ошириш учун иш берувчи корхоналар ва яхши жихоз-ланган таълим муассасаларида амалга ошириш;
  - ҳар ўқув йилида мажбурий равишда 36 соатлик малака оширишни ташкил этиш;
  - маҳорат курслари “Энг яхши касб эга-си”, “Касбим фахрим”, “Worldskills” ва шу каби кўрик танловларни ташкил қилиш;
  - Ишлаб чиқариш таълими усталари-нинг таълим жараёнига қўшган ҳисса-сига кўра доимий моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмини жорий қилиш.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
  2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги 464-сон қонуни.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5313-сон Фармони.
  4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони.
  5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сон қарори.
  6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 242-сон қарори.

# КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА ЁШЛАРДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ

Г.Ш.АРИПОВА

**Тошкент кимё-технология институти доценти**

**Аннотация.** Мақолада ахборотлашган жамият талаблари, касб-хунар таълими муассасаларида ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги, унинг репрезентативлиги, мазмундорлиги, етарлилиги, актуаллиги, ўз вақтидалиги, аниқлиги, ишонарлилиги, барқарорлиги ҳамда ўқувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш зарурияти ва педагогик муаммолар баён этилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, ахборотлашган жамият, таълимни ахборотлашириш, ахборот маданияти, ахборотнинг ишончлилиги, таълим.

**Аннотация.** В данной статье изложены требования информационного общества, рассмотрены вопросы возможности и эффективности использования информации в заведениях среднего профессионального образования. В статье показаны репрезентативность, содержательность, достаточность, актуальность, своевременность, точность, достоверность, стабильность, а также необходимость формирования информационной культуры у учеников и педагогические проблемы.

**Ключевые слова:** информация, информационное общество, информатизация образования, информационная культура, достоверность информации, образование.

**Annotation.** The article outlines the needs of the information society and the pedagogical problems of educating readers for the availability and effectiveness of information in vocational schools, its representativeness, content, adequacy, actuality, timeliness, accuracy, reliability and sustainability.

**Key words:** the information, information a society, informatization of education, information culture, reliability of the information, education.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, глобал ахборот инфраструктураси ва инсониятни умумий ахборот меросини шакллантириш, янги истиқболли технологияларни яратиш асосида жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маданий интеграциясига йўналтирилган халқаро ахборот сиёсати, инсон ҳуқуқи ва ижтиёмий институтларни таъминлашнинг самарали тизимини яратиш, ахборотга эркин кира олиш ва алмашув-информацион ҳамжамиятни, цивилизация ривожининг янги босқичини тавсифловчи белгиларидир. Ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги унинг репрезентативлиги, мазмундорлиги, етарлилиги, актуаллиги, ўз вақтидалиги, аниқлиги, ишонарлилиги, барқарорлиги каби асосий истеъмол сифат кўрсаткичлари билан боғлиқдир. Ахборот-

га ишлов бериш технологиялари бугунги кунда хаётимизнинг ҳамма соҳаларини камраб олган.

Азалдан ахборот деганда атроф – муҳит объектлари ва ҳодисалари, уларнинг ўлчамлари, хусусиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Кенг маънода ахборот – инсонлар ўртасида маълумотлар айирбошлиш, одамлар ва сунъий қурилмалар ўртасида сигналлар айирбошлишни ифода этадиган умуммиллий тушунчадир.

Маълумки жамият ривожлангани сари иқтисодиёт, фан, техника, технология, маданият, санъат, тиббиёт кабиларнинг турли масалалари ҳақидаги мавжуд маълумотлар, ахборот захираларидан фойдаланишни ташкил этиш интеллектуал ва иқтисодий ҳаётга тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Демак, ахборий жараёнларни кўп қиррали жараён эканлиги аён бўлмоқда.

Ахборот – бу бирор-бир далил, воқеа-ходиса баён қилиш, тушунтириш, кенг маънода эса моддий дунёнинг у ёки бу томонида содир бўлаётган жараёнларни билдиради. Ахборотларнинг амалий вазифаси ижтимоий борликда кечаётган воқеа ҳодисалар, алоҳида шахс ёки касбий томонидан бажарилаётган иш, хатти-ҳаракат, фаолият тўғрисидаги маълумотларни етказиш, хабар беришдан иборатдир. Ахборотлар ёрдамида обьект ёки шахсга хос бўлган муҳим хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар юзага келади. Ахборотларнинг яратилиши ва унинг бир нуктадан иккинчи нуктага узатилиши, алоҳида шахс ёки кўпчилик томонидан ахборотнинг ўзлаштирилиши назарда тутилади. Ахборотдан муҳим манба сифатида фойдаланилади ва унда кўникма ва малакалар эгалланади.

Ахборот соҳасига ўтиш ва уни амалиётда қўллаш инсон касбий фаолиятининг барча турларида, шу жумладан таълимни ахборотлаштиришни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Ахборотнинг қиймати ундан олинадиган маълумотларга ва ундан аниқ вазиятларда фойдаланишга боғлиқ. Чунки, жамият ва халқ томонидан тўплангандан ахборотларни ўзлаштиришда уларни маълум даражада қайта ишлаш ва фойдаланиш натижасида муваффакиятларга эришиш мумкин. Ҳисоблаш техникиси ва алоқа воситаларининг кенг ривожланиши ахборотни илгари хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган ҳажм ва тезкорликда йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш, яъни автоматлаштирилган ҳолда ишлов бериш имкониятини яратиб берди. Ахборот технологиялари туфайли инсоннинг фаолияти, унинг кундалик мулоқот соҳаси дунё цивилизацияси ишлаб чиқсан тажриба, билимлар ва маънавий қадриятларни жалб этиш ҳисобига чиндан ҳам беҳад кенгаймоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятни юқори дара-

жада ахборотлашган бўлишини талаб этади.

Ахборотлашган жамият ҳақида олимлар турлича фикр юритадилар. Масалан, япон олимларининг ҳисоблашича, ахборотлашган жамиятда компютерлаштириш жараёни одамларга ишончли ахборот манбаидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон беради. Жамиятни ривожлантиришда эса ҳаракатлантирувчи куч моддий маҳсулот эмас, балки ахборот ишлаб чиқариш бўлмоғи лозим.

Ахборотлашган жамиятда нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи, қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Барча ҳаракатлар товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол этишга йўналтирилган саноат жамиятига нисбатан ахборотлашган жамиятида интеллект, билимлар ишлаб чиқарилади ва истеъмол этиладики, бу ҳол ақлий меҳнат улушкининг ошишига олиб келади. Инсондан ижодиётга қобилият талаб этилади, билимларга эҳтиёж ошади.

Ахборотлашган жамиятининг моддий ва технологик негизини компьютер техникиси ва компьютер тармоқлари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқалари асосидаги турли хил тизимлар ташкил этади.

Ахборотлашган жамият – бу маданий тараққиётдир. Чунки, унинг негизида инсоннинг моддий ва маънавий узвийлигини ривожлантиришда муҳим бўлган инновацион технологиялар, компьютер дастурлари, одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар асосий омил сифатида хизмат қилади. Ахборот турли касб эгаларининг ижтимоий-иктисодий ҳаётини, унинг моддий турларини аниқлашга ёрдам бериши билан бирга шахснинг ички дунёсининг фаоллигини оширади. Ахборотларни қабул қилиш, узатиш, сақлаш, фойдаланиш, уларни ўзлаштириш кабилар ҳар бир му-

таксиссинг касбий фаолиятида амалга ошади.

Касб-хунар таълими муассасаларида таълимни ахборотлаштириш – бу таълим жараёни учун мухим бўлган ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатиш воситаларининг кенг қўлланилишидир. У мавжуд билимларни тизимлаштириш ва янги билимларни шакллантириш ҳамда уларни жорий бошқариш, янада таъмиллаштириш ва ривожлантириш учун қўллашни таъминлайди. Демак, таълимни ахборотлаштиришнинг стратегик вазифаси янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобига интеллектуал фаолиятни глобал рационаллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш самардорлиги ва сифатини кескин оширишдан иборат. Касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчи ёшларни ахборот маданияти компьютер билан ишлаш билим ва кўникмалари билан чегараланиб қолмайди. Зеро, бугунги кунда бутун дунёда ва жамият тараққиётида ахборот маданияти ҳар бир миллатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини намоён этиб келмоқда.

Ахборот маданияти ёшларни меҳнатга, ишбилармонликка, моддий ва маънавий йўналишларда, касбий фаолиятида мухим жараёнларни ифодалайди. Ахборот маданияти бу инсоннинг ижтимоий фаолиятига хос бўлиб, бевосита, жамият ҳаёти, касбий, ахлоқий, ақлий, ижодий кучи ва қобилиялари, шахснинг турмуш тарзида намоён бўлади ва жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида мухим ўрин тутади. Ахборот маданияти бўлажак мутахассиснинг касбий даражасини юқори даражага кўтариш билан чегараланиб қолмай, балки янги интеллектуал, янги турмуш тарзига эга бўлган ва тафаккури ривожланган, ахборот технологияларига оид билимларни эгаллайдиган шахсни ривожлантиради.

Ахборот маданияти билан касб фао-

лиятини такомиллаштириш, уни эгаллаш, тўлдириш ва қайта ишлашда янги билимлар банкини вужудга келтириш, уни узатиш ҳамда улардан амалий жиҳатдан фойдаланиш кабиларни ўзида мужассам этади. Булар бевосита мутахассиснинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлиб унда, амалга ошириладиган ишлар ахборот орқали бажарилиши ва унга муносабат билдириш, тўпланган материаллардан фойдаланиш, билим ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш мухим ҳисобланади. Шу жиҳатдан ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш мухим педагогик муаммолардан бири саналади.

Касб-хунар таълими муассасаларининг ўқув жараёнида ўқувчи ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришни таъмиллаштиришда телекоммуникация воситалари, интернет сайtlари мухим аҳамиятга эга. Интернет – ҳар қандай компьютерга ер шарининг исталган нуқтасидан туриб телекоммуникация тармоғи, алоқа ва маълумотларни узатиш воситалари орқали ахборотларни алмашиб имкониятини яратувчи бутун дунё тармоғи. Интернет тармоғидан олинаётган маълумотлар ёшларнинг маънавий дунёсига, тарбиясиغا ижобий таъсир кўрсатишида ахборотларнинг тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлишининг асоси ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда ахборот тарқатувчи субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хоҳлаган маълумотларини олиб мамлакат ичida тарқатиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда касб-хунар тизимини модернизациялаш, касб-хунар тизимида замонавий меҳнат бозори талабларига мос келувчи рақобатбардош кадрлар тайёрлашборасидасамарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

тўғрисида”ги қарорида умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида тақомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида қасб-хунар таълими тизимида янги ДТСлари ва ТТСлари, ўқув режалар ишлаб чиқилиди. Қасб-хунар таълимида мавжуд бўлган ўқув режа ва дастурларни таҳлил этиш натижасида, шуни айтиш мумкинки гуманитар ва табиий фанлар блокида сақланиб қолган ахборот технологиялари фани мазмунидаги бирорта ҳам ахборот маданиятини шакллантиришга қаратилган мавзулар ёки мавзулар мазмунига сингдирилган ахборот маданиятини шакллантиришнинг тарбиявий ғоялари ўз аксини топмаган. Бунда хулоса қилиш мумкинки қасб-хунар коллекциясида ўқувчи ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришга доир маҳсус машғулотлар етарлича ташкил этилмайди. Зеро, таълимни ахборотлаштириш натижасида таълимга электрон таълимни кириб келиши таълим олувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш заруриятини яна

ортишига сабаб бўлмоқда. Чунки электрон таълим бевосита интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиб, интернет таълим тизимини шакллантиришга имкон беради. Бу аппарат ва дастурний таъминот ютуқлари mobile “smart phones” мақонини яратишида ги воситаларни яратилишига туртки бўлди. Интернет тармоғига уланган ва ҳисоблаш имкониятларга эга мобил қурилмалар ҳаттоқи замонавий компьютерлардан оммалашиб кетди.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишда ахборот технологиялари фани мазмунини қайта кўриб чиқиш, фани мазмунига ўқувчи-ёшларда ахборот олиш маҳорати, қобилияти, мулоқот маданияти, ахборотларни таҳлил қилиш фаолиятини олиб бориш кўникма ва малакалари, қасбий билимларни ахборотлар билан бойитиш ва тўлдириш, амалда қўллай олиш, ахборотларни таҳлил этиш, салбий ахборотларга нисбатан иммунитетни ҳосил қилиш, ахборотларни таълим мазмунига мослаш, ахборотларга баҳо бериш, ахборотларни танқидий таҳлил қилиш, ахборотларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш тажрибаларини шакллантириш, ахборотларни тўғри ва аниқ баён қилиш кўникмалари эгаллашга қаратилган мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш // Ж. Педагогик таълим.- Тошкент, 2004.-№1.-Б. 25-27.
2. Сайдакбаров Ҳ.А. Ахборот технологиялари воситасида қасб-хунар коллекциясида ўқувчи-ёшларни шакллантиришга қаратилган мавзуларни ривожлантириш. Пед.фун.ном. ...дисс.автореф.-Т. 2012.-246.
3. Тайлақова Ш.Н. Олий таълим тизимида ахборот технологиялари асосида талаба ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари// “Олий таълим тизимида илм-фан ҳамкорлигининг долзарб масалалари” мавзусида Республика илмий-амалий конференция материалари.-Навоий, 2013/-2-китоб.-Б.135-137.
4. Махкамова.М.У. Баркамол авлод шахсида ахборот маданиятини шакллантириш. //“Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар” журнали.- Т., 2014.-Б. № 4 29-33.

# ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК НИЗОЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

М.Х.БАЙБАЕВА

А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ

“Педагогика психология” кафедраси доценти п.ф.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада таълим муассасаларида педагогик низоларнинг шакллари ва турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу боис педагогик низоларнинг намоён бўлиш шакллари ва турларини ўзига хос хусусиятларини инобатта олган ҳолда, қуйидагича: низоларнинг обьекти, мақсади, оқибатлари ҳамда йўналғанлиги, уларнинг намоён бўлиш сабаб-оқибатлари, тўсатдан, кутулмаганда содир бўлиш вақтига, давомийлиги ва кескинлик даражасига, низолар келиб чиқиши ва унинг иштирокчиларига кўра, ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилганлик даражасига ҳамда вазиятни субъектов идрок этишни ҳисобга олган ҳолдаги ва бошқа турларига ажратиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** низо, тўқнашув, муассаса, зиддият, қарама-қаршилик, шакл, бошқарув, шахс, гурух, раҳбар, низоли вазият, мулоқот, муносабат.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о формах и видах педагогических конфликтов в образовательных учреждениях. Поэтому с учетом особенностей и форм проявления педагогических конфликтов они являются: объектом, целью, последствиями и направлением конфликтов, их причинами и следствиями, причины их возникновения описываются как внезапные, неожиданные, временные, длительные и серьезные, конфликты и по мнению его участников, степень организации социальной жизни и другие типы субъективного восприятия ситуации.

**Ключевые слова:** конфликт, учреждения, конфронтация, форма, управление, личность, группа, лидер, общение, отношение.

**Annotation.** This article provides information on the forms and types of pedagogical conflicts in educational institutions. Therefore, taking into account the characteristics and manifestations of pedagogical conflicts, they are: the object, purpose, consequences and direction of conflicts, their causes and consequences, the causes of their occurrence are described as sudden, unexpected, temporary, long-term and serious, conflicts and, in the opinion of its participants, the degree of organization social life and other types of subjective perception of the situation.

**Key words:** conflict, institutions, confrontation, form, management, personality, group, leader, communication, attitude.

Инсоният тараққиёти тарихи турли, айни пайтда, ўзига хос манфаатли муносабатларга эга, шаклан мазмунан бир-бируни тақорламайдиган шахс, гурух ҳамда воқеа-ҳодисаларга ҳар хил ёндашувларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Турфа маданият ва ёндашувлар ижтимоий ҳаётнинг ривожланишининг оқилона асослари пайдо бўлишига, тараққиёт қонуниятининг назарий ва амалий мезонлари шаклланишига хизмат қилиши билан бирга инсон ва жамият ҳаётида турли ижтимоий хатарлар, мурросасизликнинг, тоқатсизликнинг бетакор шаклларининг намоён бўлишига олиб келади. Низоларнинг намоён бўлиш турига кўра иккига бўлиш мумкин: агонистик (муросага келадиган) ва антагонистик (муросасиз).

Агонистик низолар учун қуйидагилар хос:

1) конфронтация (низо) – социал гурухларнинг қарама-қарши сиёсий, экологик, социал манфаатларга пассив қарши туриши.

Конфронтация очиқ тўқнашув шаклини олмайди, аммо фарқли қарашлар мавжудлигини кўзда тутиб, рақобатга ўсиб кетиши мумкин;

2) рақиблик – алоҳида одам ёки бирон бир жамоат ютуқлари ва имкониятлари эътироф этилиши учун кураш. Рақиблик мақсади – яхшироқ социал позицияга эга бўлиш, эътиборли ютуқларга эришиш.

Рақиблик ривожланиб, рақобатга ўтиши мумкин.

3) рақобат – низонинг алоҳида тоифа-

си бўлиб, ундан мақсад – бирон бир фойда, даромад кўриш ёки камёб неъматларга эришиш.

Антагонистик низоларнинг куйидаги турлари мавжуд:

1) норозилик – мавжуд ҳолатдан аниқ ифодаланмаган ҳолда норозилик билдириш. Аввалига асабийлашув пайдо бўлиб, у ва низоли вазиятга ўтиб боради. Ноаниқ мақсадлар нисбатан аниқ ифодаланган талабларга айланиб, лекин норозилик ташкилотчиларининг истаклари ҳамиша ҳам тушунарли эмас, яъни уларнинг иродаси аниқ ифодаланмаган. Норозилик ўсиб, ғалаён ёки қўзғолонга ўтиб кетиши мумкин;

2) ғалаён – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда агрессив тарзда ифодалаш;

3) қўзғолон – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда муайян мақсадга қаратса ифодалаш;

4) инқилоб – низонинг олий шакли, кўриниши бўлиб, норозиликнинг энг сўнги шакли, мавжуд тузумни сиёсий ағдариб ташлаш йўли, социал-иқтисодий тартибининг сифат жиҳатидан ўзгаришини англатади. Одатда, инқилоб ҳаракатнинг зўравонлик ишлатган ҳолдаги ҳарбий усулини ва кенг омманинг жалб этилишини назарда тутади.

Низоларнинг турли тактикалари мавжуд: турли қарапшлар ва устуворлик қилиш. Турли қарапшлар – асосий таркибий қисм бўлиб, иштирокчиларнинг талаблар ёки истаклар тўғрисидаги декларацияларда ифода этилган қарапшлари, манфаатлари ҳолати ва йўлланганлигидан далолат беради. Турли қарапшлар низонинг процессуал моделида баён этилган қарама-қарши ахлоқни шакллантиради. Устуворлик қилиш инсон ҳамжамиятларида социал табакалашув, устувор позициялар учун курашни қўзда тутиб, бу – одамларнинг куч ишлатишга асосланган ҳаракатлари тизимиdir.

Объектига кўра низо турлари:

1) иқтисодий низолар – улар асосида иқтисодий манбаатлар тўқнашуви ётиб, бунда бир тараф манбаатлари иккинчи тараф манбаатлари ҳисобига қондирилади. Кўпинча жамият ва ҳокимият ўртасидаги глобал инқирозлар асосида айнан иқтисодий сабаблар ётадилар;

2) социал-сиёсий низолар – улар асосида давлатнинг ҳокимият ва социал муносабатлар, партиялар ва сиёсий уюшмалар соҳасидаги сиёсатига доир зиддиятлар ётади. Улар давлатлараро ва халқаро тўқнашувлар билан яқиндан боғлиқ, бўладилар;

3) мафкуравий низолар – улар асосида одамларнинг жамият, давлат ҳаётининг турли муаммоларига бўлган қарапшларида ги зиддиятлар ётади. Улар макро даражада, шунингдек шахс даражасидаги энг кичик бирлашмаларда ҳам юзага келишлари мумкин;

4) социал-иқтисодий низолар – ҳам шахслар, ҳам социал гурухлар ҳафтасида намоён бўлишлари мумкин. Улар асосида ўзаро муносабатлар соҳасидаги издан чиқишлиар ётади. Юзага келиш сабаблари руҳий (психологик) номувофиқлик, инсоннинг бошқа инсон томонидан бесабаб қабул қиласлиқ, етакчилик, обрў-эътибор, таъсир доираси кабилар учун кураш бўлиши мумкин.

5) социал-маиший низолар – улар гурухлар ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт, турмуш кабилар тўғрисидаги турли тасаввурга эга эканлиги билан боғлиқ. Улардан асоси – оилавий муносабатларнинг бузилиши. Низо сабаблари – турмушдаги нохушликлар, маънавий-маиший аҳлоқсизлик, шунингдек жиддий гоявий зиддиятлар. Агар низонинг асоси сифатида тарафларнинг руҳий (психик) ҳолати, ҳамда одамларнинг шу ҳолатга мувофиқ, низоли вазиятдаги, ўзини тутиши олинса, бу ҳолда низоларни рационал ва эмоционал турларга ажратиш мумкин. Мақсади ва оқибатларига кўра низолар қуйидаги турларга бўлинадилар: позитив (ижобий), негатив (салбий),

конструктив, деструктив; чекланиб қолган ҳамда шу туфайли низо келтириб чиқарган эҳтиёжлар характеристига кўра улар моддий, мақомли-ролли (статусно-ролевой) ва маънавий (руҳий) бўладилар; йўналишига кўра горизонтал (ҳамкаслар ўртасида), вертикал (бошликлар ва қўл остидагилар ўртасида) ва аралаш (вертикал ва аралаш низолар энг кўп учрайди); вакт параметрита кўра – қисқа муддатли ва давомли бўлиши мумкин.

Низоларнинг давомийлиги ва кескинлик даражасига кўра турлари:

1) жўшқин ва тез (жадал) кечадиган низолар – қизғин ва эмоционаллилиги, низо тарафларининг салбий муносабатларини ўта кескин намоён этиши билан фарқланиб, оғир хулоса топиши ва фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин. Улар асосида ихтилофдаги кишиларнинг руҳий ҳолати ётади;

2) кескин ва давомли низолар – кўпроқ зиддиятлар анча чукур, барқарор, муросага келиб бўлмайдиган ёки муросага келиш жуда қийин ҳолларда юзага келадилар. Низолашаётган тарафлар ўз реакция ва ҳаракатларини назорат қилади.

3) яхши ифодаланмаган ва суст кечадиган низолар – кескин бўлмаган зиддиятлар учун ёки низонинг фақат бир тарафи фаоллик кўрсатаётган тўқнашувлар учун хос бўлиб, бунда иккинчи тараф ўз позициясини аниқ белгилашга интилмайди ёки ихтилоф жиддийлашувидан қочади;

4) яхши ифодаланмаган ва жадал кечадиган низолар – агар бундай низо муайян эпизоддагина рўй берган бўлса, бу ҳолда мақбул башорат (прогноз) ҳақида сўз бориши мумкин. Ундан кейин бу каби низолар занжири тизилиб келса, башорат нафақат мураккаб, балки нохуш ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилганик даражасига кўра низо турлари:

- глобал;
- минтақавий;
- давлатлараро;
- элатлараро;

- синфлараро ёки жамиятнинг турли табақалари ўртасида;
- гуруҳлараро;
- партиялараро;
- шахслараро сиёсий, мафкуравий, маънавий.

Агар, иштирок этаётган тарафлар сони, яъни иштирокчилар доираси мезон сифатида олинса, бу ҳолда низолар икки, уч ва кўп тарафлама бўлади деб айтиш мумкин. Мезон сифатида куч босими даражаси олинганида, бундай ҳолларда низолар қуролли бўлмаган (божхона урушлари), ҳамда ҳақиқатда турли кўламли уруш ҳаракатларини олиб боришдан иборат бўлган қуролли низоларга бўлинади. Агар зиддиятлар даражаси мезон деб олинса, бунда низоларнинг агрессив ва муросали (компромисс) турлари мавжуд деб айтиш мумкин. Шунингдек, асосий ва асосий бўлмаган масалалар юзасидан рўй берадиган низолар фарқланади. Аммо барча низоларни ягона универсал схемага келтириб, жамлаб бўлмайди. Масалан, кураш кўринишидаги низоларда ечим фақат томонлардан бирининг ғалабаси билан тугаши мумкин бўлса, мунозаралар тоифасидаги низода умумий муроса йўли танланиши мумкин. Низоларнинг улар мотивациясини ҳамда вазиятни субъектив идрок этишини ҳисобга олган ҳолдаги ва бошқа турлари:

1) сохта – субъект бунинг учун реал сабаблар мавжуд бўлмаса ҳам, вазиятни низоли деб идрок этади. Низо объектив асосларига эга эмас, сохта тасаввурлар оқибатида юзага келади;

2) потенциал – низо юзага келиши учун реал асослар мавжуд, аммо томонлардан бирортаси ҳам у ёки бу сабаблар туфайли вазиятни низоли сифатида идрок этмаганлар. Низо объектив сабаблар туфайли пайдо бўлиши мумкин, аммо маълум вақтга қадар юзага чиқмай туради.

3) ҳақиқий – тарафлар ўртасидаги реал тўқнашув. Бу манбаатлар тўқнашуви объектив равишда мавжуд бўлиб, иштирокчилар томонидан идрок этилади ва осон ўзгара-

диган омилга боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқий низони қўйидаги кичик турларга ажратиш мумкин: конструктив – субъектлар ўртасида реал мавжуд бўлган зиддиятлар асосида юзага келган; тасодифий ёки шартли англешимловчилик ёки воқеаларнинг тасодифий тўғри келиши сабабли юзага келган, аммо бу ҳол унинг иштирокчилари томонидан идрок этилмайди.

Низолар таснифига ўзгача ёндашувлар:

1) ташқи – субъектлар ўртасидаги конфронтация;

2) ички – субъект мотивлари, мақсад ва вазифалари конфронтацияси;

3) танлашга оид низо – икки бир-бирига тенг мақсадлардан бирини танлаш муаммоси;

4) камроқ даражада мушқулликни танлаш низо – иккисидан ҳар бири ҳам бир хил даражада мақбул бўлмаган вариантлардан бирини танлаш муаммоси;

5) грухли низо – одамлар грухлари ўртасидаги;

6) коммуникатив низо – оғзаки (дахана-ки) қаршилик натижаси;

7) мотивацион низо – эҳтиёжлар ва истаклар ўртасидаги;

8) очиқ низо – рақибга зарар етказиш мақсадидаги кураш;

9) яширин низо – очиқ-ойдин, яққол бўлмаган қарама-қаршилик, зуриқкан ўзаро муносабатлар;

10) эҳтиёжлар низо – инсон зиддиятли, қарама-қарши мақсадларга эришишни ис-

тайди;

11) эҳтиёжлар ва ижтимоий меъёрлар ўртасида низо – интилувчан шахсий истакмотивлар ҳамда тақиқловчи умумий императивлар ўртасида;

12) мақом, статусга доир низо – иштирокчиларнинг мақоми ва роли билан белгиланадиган конфронтация;

13) мақсадга доир низо – муайян мақсадга эришиш юзасидан низо. Низолар келиб чиқишига кўра қўйидаги турларга бўлинади: халқаро; жамоавий; оилавий; худудий.

Низо иштирокчиларига кўра: миллатлараро; шахслараро; ички шахсий; давлатлараро; маълум гурухлар, тизимлар ўртасидаги низоларга бўлинади.

- миллатлараро – миллатлар ўртасидаги тўқнашувлар;
- шахслараро – ўз хаётий фаолиятида қарама-қарши мақсадларни амалга оширишга интилувчи шахсларни ифода этади;
- ички шахсий – шахснинг кучи бўйича мотивлари, қизиқишилари, ишқибозлиги, манфаатларининг қурашини акс этирувчи;
- давлатлараро – давлатлар ўртасидаги тортушувлар;
- грухлараро – бири-бирига мос келмайдиган мақсадларни қўзлаган ва уларни амалга ошириш йўлида бир-бирига тўсқинлик қилувчи ижтимоий грухлар низо томонлари сифатида иштирок этишлари билан ажralиб туради.



#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Самаров. Р. Барқарорликни таъминлашда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти (Ижтимоий-сиёсий жараёнлар мисолида) // Ж. Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус: Илим. 2010, №2.
2. Махмудов И. Бошқарув психологияси. Т., 2008.
3. Сатторов Э.Н., Алимов Х. Бошқарув муроқоти. – Т., 2004.
4. Махсудова М.А. Муроқот психологияси. Т. 2006.
5. Фозиев Э. Психология фани XXI асрда. – Т.: Университет, 2002.
6. Фозиев Э. Умумий психология. 1-китоб. – Т.: Университет, 2002.
7. Фозиев Э. Психология методологияси. – Т.: Университет, 2002.
8. Фозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. Т., 2003.
9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
10. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
11. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
12. [www.psychology.uz](http://www.psychology.uz)
13. [www.nutq.intal.uz](http://www.nutq.intal.uz)
14. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)

# ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

М.О.ЁДГОРОВА

**Бухоро мұхандислик-технология институти “Метрология ва  
стандартлаштириш” кафедраси асистенти,  
Ф.Х.ҒАФФАРОВ**

**Мактабгача таълим вазирлиги бош мутахассиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўқув жараёнида муаммоли таълим технологиясини қўллаш самарадорлиги, талабаларда мустақил фикрлаш, муаммони ҳал қилиш йўлларини излаб тошиш, фанга нисбатан қизиқишини уйғотишда муаммоли таълим технологиясининг ўрни тўғрисида баён этилган ва муаммоли маъруза дарс ишланмасидан намуна келтирилган.

**Калит сўзлар:** муаммоли таълим, муаммоли вазият, ўқув муаммоси, психологик муаммо, педагогик муаммо.

**Аннотация.** В этой статье обсуждается роль проблемной технологии обучения. Изучение использования проблемной технологии обучения, самостоятельного мышления студента, поиска путей решения проблемы и приведён пример проблемной лекции по направлению “Пищевая технология”.

**Ключевые слова:** проблемное обучение, проблемная ситуация, образовательная проблема, психологическая проблема, педагогическая проблема.

**Annotation.** This article discusses the role of problem learning technology. The study of the use of the problem technology of learning, independent thinking of the student, the search for solutions to the problem and an example of a problem lecture in the direction of “Food technology”.

**Key words:** problem-based learning, problem situation, educational problem, psychological problem, pedagogical problem.

Бугунги кунда таълим жараёни олдида мустақил фикрлайдиган, тўғри хулоса чиқара оладиган, ижод билан шуғуллана оладиган шахсни тарбиялаш талаби туради. Шунинг учун олий таълим муассасаси тайёргарлиги мутахассисда зарурий ижодий қобилиятларни: муаммони мустақил кўра олиш ва шакллантира олиш; гипотезани олдинга суро олиш; уни текшириш усулини топиш; хуласаларни шакллантира олиш ва олинган натижаларни амалий қўллашнинг имкониятларини кўриш кабиларни шакллантириши керак. Бунда таълим жараёнини ноанъанавий тарзда ташкил этиш, яъни дарс давомида муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш яхши самара беради.

Муаммоли ўқитиш жараёнида ўзлаштириш – фақат интеллектуал жараёнгина бўлиб қолмай, балки у ўқувчи шахси фаолиятига айланади. Шунинг учун ҳам, бундай ўқитишда

билимларни ўзлаштириш ва дунёкарошни шакллантириш жараёнлари ўзаро қўшилиб, яхлит жараёнга айланишига имкон яратилади.

Муаммоли таълим дейилганда, ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва аклий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади.

Муаммоли вазият ва ўқув муаммоси муаммоли ўқитишнинг асосий тушунчалари ҳисобланади. Ўқув муаммоси ўзлаштириш жараёнининг мантиқий-психологик зиддиятлигининг акси сифатида тушунилиб, аклий қидирудининг йўналишини белгилайди, но маълумнинг моҳиятини ўрганишга қизиқиш уйғотади ва янги тушунча ёки янги усулни

ўзлаштиришга олиб келади. Ўқув муаммоси-нинг иккى асосий функцияси мавжуд:

1. Ақлий қидирув йўналишини, яъни ўқувчининг муаммо ечимини топиш фаолиятини аниқлаш.

2. Ўқувчининг янги билимларни ўзлаштириш бўйича билиш қобилиятларини, қизиқишини, фаолият мотивларини шакллантириш.

Ўқитувчи учун муҳим восита таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқариш, унинг фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ҳисобланади.

Муаммоли вазият – муаммоли ўқитишни ташкил этиш воситасидир, бу ўқишининг ўрганиш заруриятини чақирадиган ва янги билим ва кўникмаларни фаол ўзлаштириш учун ички шароитларни яратиб берувчи фикрлашнинг бошланғич моментидир.

Муаммоли вазият турлича бўлиши мумкин.

- Номаълум таркиби бўйича муаммоли вазиятлар қўйидагиларга бўлинади: мақсад номаълум; фаолият обьекти номаълум; фаолият усули номаълум; фаолият бажарилиши шароитлари номаълум.
- Ахборот номувофиқлиги бўйича: можаро; таклиф; рад этиш; жавоб бермаслиги; ноаниклиги.
- Методик хусусиятлар бўйича: атайлаб қилинмаган; мақсадли; муаммоли ифодалаш; ўйинли муаммоли вазиятлар; тадқиқот лаборатория иши; муаммоли оммавий эксперимент; хаёлий муаммоли эксперимент; вазифаларни муаммоли ҳал этиш; муаммоли вазиятлар.

Муаммоли вазиятларни ҳосил қилишнинг қўйидаги қоидаларини шакллантириш мумкин. Биринчидан, муаммоли вазиятлар албатта қўлдан келадиган ўрганиш қийинчилигини сақлаши керак. Ўрганиш қийинчилигини сақламаган вазифани бажариш фақат репродуктив фикрлашга кўмаклашади ва муаммоли ўқитиш ўз олдига қўядиган мақсадларга эришишга йўл қўймайди. Бошқа томондан, ўқувчилар учун катта қийинчилик туғдирадиган муаммоли вазият уларнинг ривожланиши учун жиддий ижобий натижаларни бермайди, истиқболда уларнинг мустақиллигини пасай-

тиради ва ўқувчиларнинг демотивациясига олиб келади.

Иккинчидан, муаммоли вазият ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун абстракт аҳамиятга эга бўлса ҳам, энг қулай вариант бўлиб материал ривожланниш билан биргаликда олиб бориш, янги билимлар, маҳорат, кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобланади. Бир томондан, бу бевосита ўқув мақсадларига хизмат қиласи, бошқа томондан эса ўқувчиларнинг мотивациясига ижобий таъсир кўрсатиб, бунда улар ижодий потенциални оширишдан кўра сезиларли аниқ ифодани олишади.

Учинчидан, муаммоли вазият ўқувчиларда ўзининг ноодатийлиги, кутилмаганлиги, ностандартлиги билан қизиқиши уйғотиши керак. Ҳайрат, қизиқиши каби ижобий ҳиссиётлар ўқитиш учун мақбул асос бўлади. Бу эффектга этишишнинг энг оддий ва амалий методи бўлиб ҳам мавжуд, ҳам қўринадиган ёки ҳатто ўқитувчининг ўзи томонидан маҳсус ташкиллаштирилган зиддиятларнинг максимал урғуланиши хизмат қиласи.

Муаммоли вазият ўқитувчи томонидан алоҳида методик усулларни қўллаш орқали ҳосил қилинади:

- ўқитувчи таълим олувчиларни зиддиятга олиб келади ва уларнинг ўзларига ечимини топишни таклиф қиласи;
- амалий фаолиятнинг зиддиятларини тўқнуштиради;
- айнан битта саволга турли нуқтаи назарларни келтиради;
- синфга ҳодисани турли позициялардан кўриб чиқиши таклиф қиласи;
- ўқувчиларни таққослаш, умумийлаштириш, вазиятдан чиқиш, далилларни солиштиришга ундаиди;
- конкрет саволларни (умумийлаштиришга, асослашга, конкретлашга, фикрлаш мантиғига) қўяди;
- муаммоли назарий ва амалий вазифаларни белгилайди;
- етарсиз ёки ортиқча бошланғич маълумотли; саволни қўйишда ноаниклилик; зид маълумотли; атайлаб қўйилган ҳатолики; чегараланган вақтли ва бошқа му-

аммоли вазифаларни қўяди.

Муаммоли технологияни амалга ошириш учун қўйидагилар керак:

- энг актуал, муҳим вазифаларни танлаб олиш;
- ўқув ишининг турли кўринишларида муаммоли ўқитиш хусусиятларини аниқлаш;
- муаммоли ўқитишнинг оптимал системасини тузиш, ўқув ва методик қўлланма ва йўриқномаларни яратиш;
- ўқитувчининг ўқувчи фаол ўрганиш фолиятини чақирадиган шахсий ёндашуви ва маҳорати.

Талабалар фаоллигининг ошиши ўқувишлаб чиқариш фаолиятига муаммоли вазиятларни киритилиши ва уларни идрок эттирилишидан бошланади. Муаммоли вазиятнинг идрок қилиниши дастлаб билишга оид, сўнгра касбий қизиқишиларнинг шаклланишига олиб келади. Талаба муаммоли вазиятни ҳал этишга жалб қилингандан сўнг, унда касбга оид

қизиқишилар устувор аҳамиятга эга бўлиб қолади. Талабаларда нафақат билишга оид, балки касбга оид қизиқишилар ҳам пайдо бўлади, булар эса маълум бир даражада қўйилган муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Муаммоли вазиятни муваффақиятли ҳал этиши учун ўқитувчи талабалар ўзлаштирган, уларга маълум бўлган билимларига таяниши керак. Шундагина, уларда ўз фаолиятидан мамнун бўлиш сезгиси ва ижобий ҳиссиётлар вужудга келади ва тақрорланиб туради. Талабаларда бундай кайфиятнинг барқарорланиши, уларда ўзига ишонч ва янги муаммоли вазиятларни ҳал этишга интилиш ҳиссиётларни шакллантиради. Илмий тадқиқотларда муаммоли вазият яратиш – билишга интилиш эҳтиёжини пайдо қилишнинг асосий шартларидан бири деб қаралади. Чунки, у талабаларга дарс мазмунини чукурроқ англашга ёрдам беради.

Кўйида муаммоли таълим технологияси асосида тайёрланган дарс ишланмасидан намуна келтирилган.

### **Дон ва дон маҳсулотларининг физикавий хоссалари**

**Машғулот ўтиш давомийлиги:** (80 дақиқа) 2 соат

**Машғулот ўқув мақсадлари:**

**Таълимий:** Дон ва дон маҳсулотларининг физикавий хоссалари ҳақида талабаларнинг назарий билимларини шакллантириш.

**Тарбиявий:** талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро хурмат муносабатини, бошқа талабалар фикрини бўлмаслик каби хислатларни шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** талабаларни фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

**Ўқитиш технологияси:** муаммоли маъруза.

**Машғулот шакли:** жамоавий ва кичик гурухларда.

**Машғулот ўтиш жойи:** замонавий дидактик ва ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган аудитория.

**Машғулотнинг бориши:**

**1-босқич. Ташкилий қисм (дарсга тайёргарлик).**

Ташкилий тадбирларни ўтказиш.

Назарий машғулотни ташкил қилиш, ўқитиш жойини танлаш, аудиторияни дарсга тайёр гарлигини кўздан кечириш, мавзуга тегишли тестлар, тарқатма материаллар, назарий машғулот вақти ва дарснинг давом этишини белгилаш.

**Ўқув машғулотига кириш (5 дақиқа).**

Давоматни текшириш. Мавзунинг мақсади, режаси, эришиладиган ўқув натижалари билан талабаларни таништириш. Машғулотни муаммоли маъруза шаклида ўтказилишини эълон қилиш.

**2-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа).**

**2.1. Сухбат шаклида талабалар билимини фаоллаштириди.** Билимларни фаоллаштириш

жараёнида ўқув муаммосини ҳал қилиш бўйича талабаларнинг изланувчанлик фаолиятида фаол қатнашуви учун зарур бўлган талабалар томонидан ўзлаштирилган дастлабки билимлар қанчалик даражада етарлилигини қуидаги саволлар орқали аниқлайди.

1. Дон массаси физикавий хоссаларининг тавсифи.
2. Оқувчанлик, унга таъсир қилувчи омиллар ва унинг амалий аҳамияти нимадан иборат?
3. Ўз-ўзидан сараланиш (нормал, ассиметрик, симметрик, ўз-ўзидан сараланиш) нима?
4. Дон массасининг бўшлиқлиги, унга таъсир қиладиган омиллар ва амалий аҳамиятини айтинг.
5. Доннинг сорбцион хоссалари. Гигроскоплик хусусиятига таъриф беринг.
6. Доннинг мувозанатдаги намлиги, унга таъсир қиладиган омиллар ва унинг катталиги, аниқлаш усувлари нимадан иборат?
7. Сорбцион гистерезис нима?
8. Намнинг дон массасида нотекис тақсимланиш сабабларини айтинг.
9. Доннинг иссиқлик физикавий хоссалари, бу хоссаларнинг амалий аҳамиятига таъриф беринг.
10. Ун ва ёрманинг физикавий хоссаларини таърифланг.

**2.2. Янги ўқув материалини баён қиласи.** Фаоллаштирилган билимларга таяниб машғулотда ҳал этилувчи муаммоларни киритади ва уни ифодалайди.

1. Доннинг шакли қанча юмалок бўлса, оқувчанлик шунча катта бўлади. Намлик қанча катта бўлса, оқувчанлик камаяди. Бегона аралашмалар микдорининг кўплиги ҳам оқувчанликни камайтиради. **Фикрлангчи! Бунинг сабаби нимада?**

2. Биз ёзда силосларда сақланаётган доннинг секин қизишини кузатсак, қиши кириши билан эса доннинг секин совушининг гувоҳи бўламиз. **Қизик! Нега бу жараён секинлик билан амалга ошади?**

3. Дон массасининг айрим участкаларида иссиқлик оқими йўналиши бўйича намликнинг томчи-суюқлик, яъни сув буғининг конденсатланиб кўчиш ҳолати руй беради.

**Фикрлаб кўрингчи! Бу инкорлар нима натижасида юзага келади ва у қандай оқибатларга олиб келади? Уни олдини олиш учун нима қилиш керак?**

Ўқитувчи юқоридаги муаммолар ечимини таъминлаш учун уни ҳал этишга қаратилган вазиятларни юзага келтиради. Талабаларни мунозарага чорлайди. Муаммо ечимини талабалар билан биргаликда таҳлил қиласи.

**2.3. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратади ва ўқитувчи ҳар бир гурухга саволлар беради.**

**1-гуруҳга.** а) Дон массасини бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда унинг ўз-ўзидан сараланиш ҳолати юз беради. **Тасаввур қилиб кўрингчи!** Бу ҳолат қандай кунгилсиз оқибатларга олиб келади?

б) **Фикрлаб кулингчи!** Дон массасида бўшлиқнинг борлиги нималарга таъсир кўрсатиши мумкин?

в) Дон массаси турли хил газларни тез ютади. Сизнингча бу қандай амалга ошади? **Фикрлаб кўрингчи!** Бу жараённи исботлашда нималар қилиш мумкин.

**2-гуруҳга.** а) **Ўйлаб кўрингчи!** Паст иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлик қандай салбий томонлари бор?

б) Дон массаси қаттиқ жисмларнинг эркин тушишида хавонинг қаршилиги имкон беради. **Сиз нима деб ўйлайсиз!** Бу қаршилик нималарга боғлик бўлади?

в) Силосларда унни чиқариш жараёнида титрлаш мосламалари ўрнатилган. **Фикрлаб кўрингчи!** Бу мосламаларни ўрнатишдан мақсад нима? Бу мосламалар ўрнатилмаган вақтда қандай ҳолларни кузатиш мумкин.

55

**3-гурхга. а) Сиз нима деб ўйлайсиз! Дон массаси оқувчанлигининг ишқаланиш бурчаги нима?**

б) Доннинг гигроскопик хусусияти нима? Сизнингча нима учун ҳар хил экин донлари бир хил шароитда турлича микдорда намликни ютади?

в) Термонам ўтказувчанлик деганда нимани тушунасиз? Бу ҳодиса натижасида қандай ҳоллар күзатылади?

Ўқитувчи муаммони ҳал этиш усулларини излашни ташкил этишга ўтади: Дастрлаб кичик муаммони ифодалаб беради, кейин эса муаммоли саволларни қўйиш ва уларнинг жавоби мухокама қилиш орқали талабаларни муаммони ҳал этиш усулини топишга етаклади, яъни муаммони ечими бўйича биринчи оралиқ хulosани шакллантиради. Худди шундай кейинги муаммолар ечими йўлларини изланишни ташкил этади. Муаммоли маъruzанинг боришини тўлиқ ташкил этиш учун ёрдамчи саволлар беради ва хulosалар қиласди.

Талабаларни муаммони ҳал этиш усулини топишга етаклайди, яъни муаммони ечими бўйича биринчи оралиқ хulosани шакллантиради.

**2.4.** Муаммоли савол ечишга йўналтирилган: ақлий ҳужумни қўллади ва муаммони ҳал этиш бўйича якуний хulosани ифодалайди. Гурӯхларда ёки жуфтликларда иш бошланиши ҳақида талабаларга эълон қилиш. Муаммоли саволларни ечими бўйича қўшимча кўрсатма бериш.

**2.5.** Ўқитувчи гурухларга берилган муаммоли саволлар бўйича мухокама эълон қиласди, ҳар бир гурух етакчиси муаммони ечими бўйича чиқишини мувофиқлаштиради.

Берилган муаммо бўйича якунлар ясади. Ҳар бир муаммога берилган ечимларнинг энг муқобил вариантиларини дафтарларига киритишларини таклиф этади. Мавзу юзасидан якуний худосани ифодалайди.

**З-босқич. Яқуний (15 дақиқа).**

**3.1.** Муаммоли маъруза машғулотига якун ясалади. Талабаларнинг ўкув мақсадлари натижаларига эришишдаги муваффақиятлари қайд этилади.

**3.2. Талабалар билимини мустаҳкамлаш ва уларда шаклланган билимларни аниқлаш учун тестлар беради**

Демак, замонавий таълим шароитида муаммоли таълим технологияларининг кўлланилиши ўқитиш жараёнини самарали кечишини таъминлаш билан бирга талабаларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва муаммоли таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали қўллашни талаб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиши технологиялари. Ўқув қўлланма. –Т: 2001.
  2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: Молия, 2002.
  3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М: Наука, 1989.
  4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М: Знание, 1989

# TALABA-YOSHLARNING IJODKORLIK FAOLIYATIDA AXBOROTLASHTIRILGAN PEDAGOGIK INNOVATSION TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH VA QO'LLASH IMKONIYATLARI

S.J. MURODOV

**Nizomiy nomidagi TDPU Texnologik ta'lif fakulteti “Axborot texnologiyalari”  
kafedrasi katta o'qituvchisi**

**Annotatsiya.** Maqolada talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida axborot va pedagogik innovatsiyali texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlari haqida fikrlar tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** axborot texnologiyalari, internet, innovatsiya, kompetentlik, karmat, kreativlik, elektron kutubxona.

**Аннотация.** В статье анализируются возможности использования информационно инновационных-педагогических технологий в творческой деятельности студентов педагогического вуза.

**Ключевые слова:** информационные технологии, Инновация, Интернет, Компетенция, Сармат, Креативность, Электронная библиотека.

**Annotation.** The article analyzes the possibilities of using information-innovation-pedagogical technologies in the creative activities of students of a pedagogical university.

**Key words:** information technology, innovation, internet, competence, carmat, creative, electronic library.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limgagi islohotlar mazmuni, yuksak rivojlangan mamlakatlar darajasida, O'zbekistonning ilg'or ilmiy-texnik iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy rivojlanishini ta'minlashga qodir intellektual salohiyatga ega bo'lgan kadrlarni tayyorlashni talab etadi. Bu vazifani samarali yechimini topish ko'p jihatdan o'qitish texnologiyalarini takomillashtirish, talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida axborot va pedagogik texnologiyalar hamda innovatsion texnologiyalarni joriy etish va qo'llash maqsadga muvofiq. XX asrning oxirgi o'ttiz yili mobaynida fan-texnika, axborotlar va kommunikatsiya taraqqiyoti natijasida ilg'or mamlakatlar jamiyat rivojlanishining turli jabhalarida sezilarli yutuqlarga erishdi. Bu o'zgarishlar va yangilanishlar mustaqillik yillarda O'zbekistonda ham ta'lim va ishlab chiqarishni barcha sohalariga kirib bordi.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'lif tizimida zamonaviy axborot texnologiyalar va pedagogik texnologiyalar va innovatsion texnologiyalardan foydalanishning ayrim sohalarda mamlakatimiz dunyodagi yetakchi

davlatlar qatoridan o'rinn oldi. Talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida axborot va pedagogik texnologiyalarini qo'llash ta'lif berishning funksional imkoniyatidan foydalanishga katta sharoit yaratdi. Kompyuter tarmoqlari hamda unga muqobil axborot texnologiyalari pedagogik ta'lif tizimi uchun, eng avvalo, yer sharining istalgan nuqtasidan turib, tezkor ravishda zarur ma'lumotni olish bilan bog'liq bo'lgan imkoniyatlarni yaratdi. Xususan, internet global kompyuter tar mög'i orqali dunyo axborot resurslariga kirish juda tez amalga oshirilishi bunga yaqqol dalil bo'la oladi. Rivojlanishning asosiy negizlaridan biri bo'lmish zamonaviy texnik va texnologiyalar insoniyatning uzog'ini yaqin, og'irini yengil qilish maqsadida yaratilgan. Ayniqsa, axborot texnologiyalari va pedagogik texnologiyalarning ta'lif berish sohasiga kirib kelishi va jadal rivojlanishi nafaqat pedagogika balki har soha taraqqiyotida o'zining munosib hissasini qo'shib kelmoqda. Inkor etib bo'lmash bir haqiqat bor, bugungi davr vakilining o'z zamonasi texnologiyalaridan foydalana olmasligi, ularni o'z hayoti, kasbi va hunariga

tatbiq etmasligi nuqson sanaladi. Ta'kidlash joizki, oliy ta'limga muktabalarida faoliyat ko'r-satayotgan professor o'qituvchi-pedagoglarning zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan turli o'rnlarda unumli foy-dalanishlari ularning mahoratli mutaxassis ekanligidan dalolat beradi.

Davlat umummilliy dasturida asosiy yo'-nalishlardan biri sifatida Oliy ta'limga oliy-gohlarni axborotlashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ushbu dastur doirasida ta'limga muassasalari zamonaviy kompyuter texnikalari bilan ta'minlandi. Oliygochlarni to'liq Internet va ZiyoNET tarmog'iga ulanib, oliygochlarda jahon standartlariga mos elektron kutubxonalar va o'quv zallari tashkil qilinib, Karmat va Armat tarmog'iga ulandi. Ayni vaqtida zamonaviy shaxs shu qadar ko'p axborotga egaki, u axborotlarni yangi axborot texnologiyalarisiz ishlov berishi va ishlatishi mumkin emas. Yildan-yilga hayotimizga kompyuter va u bilan birga axborot texnologiyalari, innovatsion texnologiyalar jadal kirib kelmoqda. Ta'limga siyosatining hozirgi asosiy maqsadi ta'limga oluvchi shaxs, jamiyat va davlat ehtiyojlarini qondiruvchi muhim va kelajakdagi rivoji uchun zarur yuqori samaradorlikka ega bo'lgan zamonaviy ta'limga berishga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasining – "Ta'limga to'g'risida"gi qonunida o'qitishning ilg'or shakllari va yangi pedagogik texnologiyalarni, ta'limga axborot vositalarini o'quv jarayoniga joriy etish, ta'limga zamon bilan ham-nafas ta'limga texnologiyalarini yaratishni taqozo etadi. Ilmiy texnika yutuqlari va ilg'or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqaruv va mehnatni tashkil etish kabi sohalardagi yangiliklarning qo'llanilishi innovatsiyani aks ettiradi. Innovatsiya – yangilanishni, o'zgarishni amaliyotga joriy etish jarayoni va faoliyati bo'lib, ingliz tilidan tarjima qilinganda innovatsiya kiritilgan yangilik ix-tiro degan ma'nolarni anglatadi. Innovatsion ta'limga tarbiyada yangicha sifat ko'rsatkichiga erishib, yuqori samara beradi va ijodkorlikka yo'naltiradi, hamda ta'limga texnologiyalarini

yangicha sifat bosqichiga ko'tarish, shuningdek, zamonaviy yondoshuvlarni tashkil qilib borish ta'minlanadi. Innovatsiyalarni qabul qilish jarayonini besh davrga ajratish mumkin:

Xabardorlik – individ yangi g'oya haqida biladi, lekin yetarlicha axborotga ega emas;

Qiziqish – individ g'oya bilan qiziqib qoladi va qo'shimcha axborotlar qidiradi;

Baholash – individ hozirgi zamon va kelajakda yangiliklardan foyda olishni baholovchi qaror qabul qiladi;

Sinab ko'rish – individ yakuniy qaror qabul qilgunicha sinab ko'radi;

O'zlashtirish – atrof, muhit, mavjud qadriyatlar va avvalgi tajribalar bilan bir vaqtida bo'la olishlik.

Innovatsiyalar jamiyat kelib chiqishining boshlanishidan kuzatib kelingan bo'lsa ham, pedagogik kategoriya sifatida endi o'r ganilmoqda<sup>1</sup>.

Ta'limga amalga oshirish jarayoniga innovatsion texnologiyalarni kiritish quyidagilarga asoslanadi:

- ta'limga jarayonida ishtirok etuvchi o'quvchi shaxsi ustivorligini ta'minlash;
- ta'limga maqsadining natijaga erishuvini (kafolatlanganligini) amalga oshirish;
- ta'limga jarayoni boshqariluvchi jarayon ekanligidan kelib chiqqan holda uning maqsadli boshqariluviga erishish;
- ta'limga mazmunini ta'minlovchi vosita, usul shakllari texnologiyasini yagona bir tizimga keltirish.

Ta'limga samaradorligini oshiruvchi omillarni to'xtovsiz tahlil qilish, mutaxassislarining uzluksiz malakasini oshirish hamda qo'yiladigan uslublarning nechog'lik mosligiga to'g'ri baho berish tamoyillarni belgilashimiz va ta'limga olinishi zarur bo'lgan natijasini ifodalay olishimizga ko'rsatadigan yo'l hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, ta'limga innovatsiyalar – muhim va tizimli o'z-o'zini tashkil etuvchi yangi ta'limga bo'lib, ular tashabbuslar va yangiliklar xilma-xilligi asosida

<sup>1</sup> S.Kosimov va boshqalar. Axborot texnologiyalari. T.2006 y.

vujudga keladi, hamda ular ta’lim evolyutsiyasi uchun istiqbolli va uning taraqqiyoti uchun, shuningdek ta’limning yanada har tomonlama madaniy ko‘laming taraqqiyotiga ijobiy ta’sir etadi bu esa talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida muhim rol egallaydi.

O’rta maxsus, kasb-hunar ta’lim pedagog kasbiy omilkorligini rivojlantirish uchun ular faoliyatini birinchi kunlaridanoq qo’shimcha pedagogik ta’limga jalg qilish lozim.

Kompyuter tarjimasi, tahriri, tahlili, elektron lug‘at va tezauruslar – fikrimiz dalilidir. Ayniqsa, zamonaviy elektron lug‘atlar tuzish va undan foydalanish madaniyatini shakllantirish – til imkoniyatini egallashning oson va samarador yo‘l hisoblanadi. Xususan, tiling imkoniyatini namoyon etish va egallash borasida dunyo miqyosida tez sur’atlarda yaratilayotgan til korpuslarining roli beqiyosdir. Bu borada davlatimiz rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan 5 ta tashabbus asosida professor o‘qtuvchilar va ta’lim oluvchi bakalavriyat, magistratura va doktorantura ta’lim oluvchilari ilmiy va ijodiy izlanishlarni har tomonlama qo’llab-quvvatlash, ular uchun zarur shart-sharoitlar yaratish vazifa sifatida belgilanishi, shu maqsadda hukumatimiz tomonidan aniq chora-tadbirlar ishlab chiqilishi va amalga oshirilishi, har bir fan sohasida, asosan, pedagogika, axborot texnologiyalari sohalarida ham uzviy chuqur izlanishlar olib borish zarurligini ko‘rsatadi. 2017 yil 7 fevraldaggi PF-4947-sonli O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha “Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonlari, 2017 yil 17 fevraldagagi “Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy tadqiqot ishlarini tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish

chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2789-sonli qarori hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga xizmat qiladi.

Axborot tizimining va Pedagogika sohalaring uzviy rivojlanishi fanda yangi sohalarning yangi o‘qitish tizimlari va ulardan foydalanishni paydo bo‘lishiga olib keldi. Pedagogik jihatdan dars beruvchining kreativligi va kompetentligi bilan birgalikda uning dars berish mahorati tarkibida interfaol metodlar va treninglarning mavjud bo‘lishi ham ta’lim beruvchi ham ta’lim oluvchi uchun qiziqarli, zerikarsiz bo‘lishi o‘quvchining o‘z sohasi bo‘yicha bilimlarini chuqur va qiziqish bilan egallashida va mustaqil izlanishlar olib borishi va o‘z ustida ijod qilishiga olib keladi. Bu esa davlat va jamiyat qurishda zomon tendensiylari mos rivojlanishga olib kelishi shubhasizdir.

Axborot texnologiyalaridagi yangi sohalaridan biri esa Karmat va Armat elektron kutubxona qidiruv tizimi bo‘lib u millionlab so‘z kontekstlariga havola qiluvchi, maxsus qidiruv tizimi asosida ishlaydigan elektron matnlar yig‘indisidir. Elektron kutubxona qidiruv birligi yaxlit asar matni; undan ma’lum bir asarni qidirish mumkin. Bu esa bilim oluvchilarning vaqtini moddiy va ma’naviy resurslari sarfini anchaga qisqartiradi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, talaba-yoshlarning ijodkorlik faoliyatida axborot va pedagogik texnologiyalari va innovatsion texnologiyalarni joriy etish va qo’llash imkoniyatlari ahamiyati kattadir. Chunonchi, yoshlarning ongida sog‘lom immunitet shakllanishida va ularning vataniga, kasbiga, oilasiga sodiq va vafodor, fidokor va ijodkor bo‘lib yetishishiga asos bo‘la oladi.



#### Foydalilanigan adabiyotlar:



- Имом Э.З., Пирматов И.И., Турсунов А.А. Стандарты образования и рол новых информационных технологий. Таълим муаммолари. Илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар журнали, Олий маҳсус мактаб муаммолари институти, №1-2, 2017 й
- Kosimov S. va boshqalar. Axborot texnologiyalari. T.2006 y.
- Nazirov Sh. Dasturlash tillari T.2007 y.
- Professor N.V. Makarova tahriri ostida Informatika. “Talqin”, T.: – 2005

# ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН- КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

А.А.НАЗИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг

Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ мутахассиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада техника олий таълим муассасасида мустақил таълим жараёнини оммавий очиқ онлайн-курслар асосида ташкил этиш муаммолари таҳлилига бағишиланган. Ўзбекистон Республикаси ва чет эл техника университетларининг тажрибаси таҳлил қилинди ва оммавий очиқ онлайн-курсларни мустақил таълим жараёнига жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Амалга оширилган таҳлил асосида мустақил таълимни замонавий веб технологилар асосида ташкил этиш модели таклиф этилди ва жорий этиш кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилди.

**Калит сўзлар:** мустақил таълим, оммавий очиқ онлайн-курс, LMS, MOOC, ўқиш шаклини кредит тизими, case таҳнологияси, веб-технология.

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу проблем организации процесса самостоятельного образования в технических высших образовательных заведениях на основе массовых открытых онлайн-курсов. Рассмотрены перспективы внедрения массовых открытых онлайн-курсов в процесс самостоятельного образования в технических университетах Республики Узбекистан и зарубежья. На основе проведенного анализа разработана модель самостоятельного образования на основе современных веб-технологий, а также проведен анализ результатов.

**Ключевые слова:** самостоятельное образование, массовые открытые онлайн-курс, LMS, MOOC, кредитная система образования, case таҳнология, веб-технология.

**Annotation.** This article analysis of the independent education organization process problems in technical higher educational institutions based on massive open online courses is devoted. The prospects of introducing massive open online courses into the self-education process at technical universities of the Republic of Uzbekistan and abroad are considered. Based on the analysis, a self-education model based on modern web technologies was developed, and the results were also analyzed.

**Key words:** self-education, mass open online course, LMS, MOOC, credit education system, case tachology, web-technology.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармонида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири таълим ва фан соҳасини ривожлантириш вазифалари белгиланди. 2018 йил 5 июнданги 3775-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарорида ҳам олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш

мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилди. Таълим сифати талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби, талабанинг мустақил таълим даврида ўзлаштириш натижалари билан белгиланади.

Чет эл олимларининг илмий ишларини таҳлил қилиш натижасида қўйидагича мустақил таълим таърифини келтириш мумкин. Мустақил таълим – кўплаб олий таълим муассасалари, ўрта таълим мактаблар, коллежлар ва бошқа ўкув муассасалари томонидан тақдим этиладиган таълим шаклидир. [3] Баъзан манбаларда уни “Йўналтирилган таълим” деб ҳам аташади ва бу инсон назорати остида амалга ошириладиган маърифий фаолиятдир. Одатда талаба ва профессор ёки талабаларнинг келишилган кредитлар

миқдори бўйича ўқитувчининг раҳбарлиги билан тадқиқот олиб бориш учун мавзуни келишиб оладилар. Мустақил тадқиқотлар талабаларга анъанавий ўкув дастурига мос равишда қўшимча маълумотларга қизиқиш, мавзусини ўрганишга имкон беради. Бу талабаларга ихтисослик бўйича материални ўрганиш ёки тадқиқот тажрибасини олиш учун йўлдир.[4] “Мустақил таълим талабаларга ўз қизиқишиларини чуқурроқ ўрганиш ва келажакда ўз иқтидорларини қандай ва қаерга йўналтириш хақида муҳим қарорлар қабул қилиш имкониятини беради” деб такидлаган Америкалик мутахассис Давид М.[5]

Ўзбек олимларининг илмий тадқиқотларига назар соладиган бўлсак, мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Мустақил фикрлаш – инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир”.[6]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569-сонли “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаларида 2018/2019 ўкув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишининг кредит тизими-

га ўтиш қабул қилинди. Ўқиши шаклининг кредит тизимида ўкув режалардаги умумий 6000 соатнинг 3000 соати, яъни 50 фоизи мустақил таълим учун ажратилди.


Аудитория соатларини қисқартиришда педагогик фаолиятнинг асосий эътибори талаба ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида бажарадиган мустақил ишларга қаратилади. Бу иш аудитория машғулотларига тайёргарлик, алоҳида мавзулар бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш, ёзма назорат ишларини бажариш, жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарликни ўз ичига олади.

Барчамизга маълумки талабаларнинг мустақил иши ўкув режада ажратилган умумий соатнинг 50% ини ташкил этади. Ҳозирда талабаларнинг мустақил иши фаннинг ўзига хос томонларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар хил турларда ташкиллаштириш имконияти мавжуд.

Талабаларнинг мустақил таълимини замонавий web-технологиялар асосида ташкиллаштириш модели (1-расм) таклиф этилади.

Ўкув жараёнининг асосий қисмида жойлашган мустақил таълим мухитида, мустақил таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш учун вебга йўналтирилган таълимни бошқарувчи тизим (LMS-Learning Management System) фойдаланилади. Шу тизим асосида талабаларнинг мустақил таълимини бошқариш, мониторингини олиб бориш имконияти мавжуд. Биз таклиф қилаётган модел LMS-тизим асосида талабанинг мустақил таълим жараёнидаги барча ҳаракати ва топшириқлари назоратда бўлади. [7]

Ҳозирги вақтда дунёning нуфузли университетлари ўзларининг профессор ўқитувчилари иштирокида яратилган ўкув фанларни очиқ интернет майдонида жой-



1-расм. Мустақил таълим жараёнини web-технологиялар асосида ташкил этиши

лаштиришмоқда. 1-расмда келтирилган таълимий интернет хизматларидан бири MOOC (Massive open online courses) – оммавий очик онлайн курслари (OOOK) деб эътироф этилмоқда. [8]

OOOK – оммавий очик онлайн-курслар бўлиб, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланган ва Интернет тармоғида очик ҳолда жойлаштирилган таълим курсига айтилади. [9]

OOOK асосида қуйидаги педагогик масалаларни ечиш мумкин:

1. Энг юқори рейтингдаги хорижий олий таълим муассаси материаллари асосида талабаларни ўқитиш;
2. Юқори сифатли рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;
3. Энг юқори рейтингдаги хорижий олий таълим муассасидаги ўқитилаётган фанларни маҳаллий олий таълим муассасаларида жорий этиш;
4. Янги киритилган фанлар бўйича ўкув мажмуаларни шакллантириш;
5. Мутахассислик фанларини чет тилларидаги ўқитиш;
6. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш.

Таклиф этилаётган моделда web-технологиялар асосида оммавий очик онлайн курслардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишини ташкиллаштириш механизмини қараб чиқамиз:

1. Ўкув режадаги мавзуларга мос OOOK интернетдан топилади.
2. OTM кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан OOOK ўрганилиб чиқилади.
3. Кафедранинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда OOOK ўкув модуллари ажратиб олинади. Ажратиб олинган ўкув модулларининг мураккаблик даражаси, ўкув модулини ўзлаштиришга кетадиган вақти, курсни ўзлаштириш учун талабадан талаб қилинадиган минимал билим талаблари ўрганилиб чиқилади.
4. Таңлаб олинган ўкув фан модули бўйича кафедра томонидан имтиҳон назорат са-

воллари тузилади.

5. Ажратиб олинган ўкув фан модуллари кафедра йиғилишида муҳокама қилинади ва маҳсус баённома асосида тасдиқланиб, университет илмий услубий кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.
6. Мустақил иш сифатида талабаларга OOOK берилаётган ўкув фанлари рўйхати тавсия сифатида берилади.
7. Талаба мустақил иш сифатида OOOK томонидан тақдим этилаётган курс (ўкув фанини ёки модулини) материиллари билан танишиб чиқади.
8. Тўплаган билимлари асосида танланган мавзу доирасида, LMS MOODLE тизимида, ижодий ишни бажаради ва баҳоланиди.

Юқорида келтирилган моделнинг учинчи компоненти кейс технологияси бўлиб, унга биноан («case» – аниқ вазият, ҳодиса) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга картилган технология ҳисобланади. Мазкур технологияни таълим жараёнида ташкил қилиш давомида талабаларга аниқ бир муаммоли вазият берилади ва талабалар муаммони таҳлил қилиш ва мавжуд бўлган ечимлардан энг мақбулини танлаш орқали муаммоли вазият ечими топилади. Кейс технологияси ва OOOKларни биргаликда қўлланилиши таълим жараёнини самарадорлигини ошишига замин яратади. [10]

Юқоридаги модель Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот хавфсизлиги” факультети 3-босқич талабаларига 6 семестр мобайнода ўқитиладиган “Компьютер тармоқлари” фани учун белгиланган мустақил таълим минимини ташкил этишда қўлланилди.

Тажрибада 710-16 ва 715-16 гурухлари иштирок этишди, икки турдаги ёндашув қўлланилди (анъанавий мустақил таълим шакли ва OOOK асосида мустақил таълим). OOOK асосида мустақил таълим CLASS CENTRAL OOOK платформасининг Computer Networking очик бепул видео-курслари асосида ташкил этилди. Ижобий ва сал-

бий күрсаткичлари таҳлил қилинди.

Натижада, талабаларнинг мустақил таълим доирасида мавзуларни ўзлаштириш даражаси қуидаги күрсаткичларни ташкил этди:

- Анъанавий мустақил таълим шаклида 710-16 гурӯҳ талабаларининг ўртача ўзлаштириш күрсаткичи – 63,5 балл;
- ОООК асосида ташкил этилган мустақил таълим шаклида 715-16 гурӯҳ талабаларининг ўртача ўзлаштириш күрсаткичи

– 72,5 балл.

Юқорида таҳлил қилинган натижалар шуни кўрсатиб турибдики ОООК ларни мустақил таълим жараёнига жорий этиш ижобий таъсир кўрсатмоқда. Замонавий ахборот коммуникация технологияларини таълим, хусусан мустақил таълим жараёнида жорий этилиши талабаларнинг потенциалини ҳар томонлама ривожлантириш иконини яратади.

Жадвал 1. Мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш шаклларининг қиёсий таҳлили

Анъанавий (710-16 гурӯҳ)		ОООК асосида (715-16 гурӯҳ)	
Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабалар белгиланган тор доирада мавзуларни мустақил ўзлаштиришди</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тавсия этилаётган адабиётлар йил давомида тез янгиланмайди</li> <li>• Адабиётлар тузувчи профессор-ўқитувчи томонидан ўз билим доирасидан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилди</li> <li>• Талабаларнинг индивидуаллиги ҳамда креативлиги чекланади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Юқори рейтингга эга бўлган ОТМлар тажрибасини мустақил ўрганишди</li> <li>• Дунёнинг мазкур соҳадаги юқори малакали профессор ўқитувчилар тажрибаси билан танишишди</li> <li>• Янги ёндашувлар асосида ўрганилаётган мавзуни осонлик билан ўзлаштиришди</li> <li>• Талабаларга мустақил иш вазифаларини бажариш жараёнида креатив ёндашувга имкон яратилди</li> <li>• Видео курслардаги тақдим этилаётган материаллар қизиқарли бўлди</li> <li>• Имконияти чекланган талабаларга қўшимча қулайлик яратилди</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Моддий имконияти чекланган талабаларга нокулайлик юзага келди</li> </ul>



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони. [www.lex.uz/docs/-3107036](http://www.lex.uz/docs/-3107036)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” 3775 сонли тўғрисидаги қарори. 5 июн 2018 й. [www.lex.uz/docs/37655586](http://www.lex.uz/docs/37655586)
3. Henderson, Euan. S. (1984). "Introduction: Theoretical perspectives on adult education". In Henderson, Euan. S.; Nathenson, Michael B. (eds.). Independent learning in higher education. Englewood Cliffs, N.J.: Educational Technology Publications. pp. 3–56. ISBN 978-0-87778-188-2. Retrieved 25 May 2013.
4. Hacker. "Using a Blog in an Independent Study". Chronicles of Higher Learning. Retrieved 13 March 2014.
5. Fetterman, David M. (1988). Excellence and Equality: A Qualitatively Different Perspective of Gifted and Talented Education. SUNY series, frontiers in education. Albany: State University of New York Press. p. 36. ISBN 978-1-4384-0271-0. Retrieved 25 May 2013.
6. Хусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. .... пед.фун.док. –Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – 261 б.
7. Oliver M., Trigwell K. Can blended learning be redeemed. E-Learning.-2005, Vol .2, №1.-P.17-26.
8. Артеменко В. Б. МООС и мониторинг качества жизни населения регионов Украины. Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2014, том 17, №1, С. 374-384.
9. Downes S. The rise of MOOCs. 23 Apr. 2012. <http://www.downes.ca/post/57911>
10. What is case study? [www.ebn.bmj.com/conent/21/1/7](http://www.ebn.bmj.com/conent/21/1/7)

## TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA MULTIMEDIA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH USULLARI

BAKIYEVA F.R., MIRZAHMEDOVA N.D.

**Nizomiy nomidagi TDPU, Axborot texnologiyalari kafedrasi o'qituvchilari**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ta'lrim samaradorligi va dars sifatini oshirish, o'quv jarayonini axborotlashtirishning istiqbolli yo'nalishlaridan biri bo'lgan multimedia texnologiyalaridan foydalanishning usullari haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** multimedia, axborotlashtirish, dasturiy ta'minot, internet, moddiy-texnik baza, gipermedia, web sahifa, axborot texnologiyalari.

**Аннотация.** В данной статье обсуждается, как повысить качество обучения, использовать мультимедийные технологии, что является одним из наиболее перспективных направлений информатизации процесса обучения.

**Ключевые слова:** мультимедия, информатизация, программное обеспечение, интернет, материально-техническая база, гипермедиа, WEB страница, информационные технологии.

**Annotation.** This article discusses how to improve the quality of training, use multimedia technologies, which is one of the most promising areas of informatization of the learning process.

**Key words:** multimedia, informatization, software, the internet, material technical base, hypermedia, webpage, information technology.

Multimedia texnologiyalari o'quv jarayonini boyitadi, o'quv jarayonini yanada samarali qiladi va o'quvchining hissiy tarkibiy qismlarini ta'limiy ma'lumotlarni qabul qilish jarayoniga jaib qiladi.

Bugungi kunda multimedia texnologiyalari o'quv jarayonini axborotlashtirishning istiqbolli yo'nalishlaridan biridir. Dasturiy va uslubiy ta'minotni takomillashtirishda, moddiy-texnik bazada, shuningdek, professor-o'qituvchilarning majburiy malaqa oshirishida zamонавиъ axborot texnologiyalaridan ta'linda muvaffaqiyatl foydalanish istiqbollari ko'rilmoxda [1].

Ta'lim muassasalarida kompyuter sinflarini tashkil qilish uchun Internet texnologiyalari jozibador, ammo tegishli ma'lumotlarga ega bo'lish va deyarli butun dunyo bilan muloqotni tashkil etish qobiliyati bilan bog'liq afzalliliklarga ega bo'lgan holda, ular jiddiy kamchiliklarga ega: yomon aloqa liniyalari bilan katta hajmdagi ma'lumot bilan ishlashda qiyinchiliklar, aloqa liniyalarisiz ishlashning mumkin emasligi. Ushbu kamchiliklar CD ROM va DVD disklari deb nomlangan optik kompakt disklar yordamida

yo'q qilinadi. Mavjud dasturiy mahsulotlar, shu jumladan tayyor elektron darsliklar va kitoblar, shuningdek bizning o'zimiz yaratgan narsalar o'qituvchiga o'quv samaradorligini oshirishga imkon beradi. Internet talabalar uchun ma'lumot topish va olishda, hamkasblar bilan muloqot qilish vositasida ajralmas yordamchiga aylanmoqda.

Barcha bilim vositalaridan, multimedia turli xil usullar, shu jumladan idrokning barcha usullari bilan bilimlarni taqdim etishga imkon beradi. Multimedia vositalari bilan ishslashda talabalar o'rganilayotgan materialni o'z-o'zini ifoda etish uchun boy arsenalga ega. Multimedia bilimlarni o'zlashtirish va taqdim etish jarayoniga yanada ijodiy yondoshishni amalga oshiradi.

Asta-sekin murakkab amaliy topshiriqlar-loyihalarni rejalashtirish va yakunlash jarayonida talabalar bilim va ko'nikmalarini egallaydigan o'quv tizimi. Shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalardan biri, o'quv loyihasining muammolarini hal qilishga qaratilgan, muammoli yondoshuv, guruh usullari, aks ettiruvchi va boshqa texnikalarni birlashtirgan talabalarning mustaqil faoli-

yatini tashkil etish usuli.

Bizning fikrimizcha, eng zamonaviy multimedia xususiyatlari ularni o‘quv jarayonida interfaol ko‘p kanalli kognitiv vosita sifatida ishlatsishdir. Talabalarni o‘qitish tizimidagi izlanishlar, loyihaviy yondoshuvlar, ularning o‘zlarining multimedia – gipermedia loyihalarini ishlab chiqish, umumiyl-madaniy va fan tayyorgarligi fanlarining barcha bloklari uchun multimedia mashg‘ulotlaridan doimiy foydalanish an’anaviy o‘quv jarayonini rivojlanayotgan va ijodiy tizimga aylantirishga imkon beradi.

Axborot texnologiyalari talabalarga o‘qituvchidan mustaqil ravishda yangi konsepsiyanı o‘rganish, bir naqshni sezish, o‘z farazlarini ilgari surish va matematik savollarning qanday paydo bo‘lganligini his qilish uchun noyob imkoniyat beradi [2].

Multimedia elementlari materialni idrok etish va yodlashga hissa qo‘sadigan qo‘sishma psixologik tuzilmalarni yaratadi, masalan, har bir taqdimot natijalarini sarhisob qilishdan oldin, o‘quvchini ma’lum bir ish turiga qo‘yadigan ma’lum bir tovush yoki ohang bor.

Talabalarning ijodiy salohiyatidan va o‘zlashtirgan bilimlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Talabalarning aniq web-sahifalarini yaratish, ishlab chiqish va loyihalash bo‘yicha ishlarining tashkil etilishi ularning bilimlarini takomillashtiradi. Informatika ta’limi an’anaviy ravishda bir necha sabablarga ko‘ra kompyuterga asoslangan o‘quv dasturlaridan foydalanadi. Birinchidan, informatika mutaxassislari kompyuterga asoslangan o‘quv dasturlarini ishlab chiquvchilaridan biri edilar, ikkinchidan, rasmiy algoritmlarni tavsiflash tillari grammatik inshootlarni yuqori sifatli avtomatlashtirilgan boshqaruvni amalga oshirishga imkon berdi, uchinchidan, bir qator informatika bo‘limlarining tarkibi yaxshi tuzilgan bo‘lib, bu uning bilim faoliyatini

sezilarli darajada faollashishiga yordam beradi. Ushbu vazifa qoida tariqasida, chuqr ichki motivatsiya bilan amalga oshiriladi, O‘qituvchilar va talabalarni bir-biri bilan bog‘lab, aqli va xayoliy bo‘lishga va o‘z-o‘zini ifoda etishga erishishga imkon beradi.

Talabalar tomonidan Internetdan foydalanishning eng samarali va istiqbolli yo‘nalishlari: shaxslararo muloqot, turli o‘quv fanlari bo‘yicha qo‘sishma ma’lumot qidirish, o‘quv loyihalari bilan tanishish, web-saytlarni ishlab chiqarish.

Multimediyadan foydalanish bo‘yicha olib borilayotgan tadqiqotlar quyidagi muammolarni ajratib ko‘rsatishi mumkin:

- multimediyadan foydalanishda shaxsiylashtirilgan o‘quv uslublari hisobga olinmaydi. Boshqacha qilib aytganda, multimedia vositalaridan foydalanishga asoslangan o‘qitishning haqiqiy individualizatsiyasi, agar multimedia das-turlari muallifining kognitiv uslubi foydalanuvchi uslubiga mos keladigan bo‘lsa;
- ta’limning kommunikativ yoki ijtimoiy-kognitiv tomonlarini hisobga olinmagan. Grafika, video tasvirlar va audio ma’lumotlarning kiritilishi o‘quvchiga sezilarli hissiy (va shuning uchun motivatsion) ta’sir ko‘rsatadigan samarali aloqani ta’minalash muammolarini hal qilmaydi;
- ommaviy axborot vositalariga ta’sir qilishning har xil turlarini (shu jumladan ovoz, grafika, video, animatsiya) joriy etish har doim ham axborotni idrok etish, tushunish va saqlashni yaxshilash muammosini hal qilmaydi va ba’zan kanal shovqini tufayli talabaning idrokiga xalaqit beradi;
- o‘qituvchilarning multimedia savodxonligi pastligi sababli ta’limda multimediyadan bepul foydalanishga tayyor emasligi (pedagogik maqsadlarni

amalga oshirish uchun multimedia vositalarini ongli ravishda tanlash imkoniyati, multimedia rivojlanishining imkoniyatlari va zamonaviy tendensiyalari, multimedia modullarini yig'ish uchun o'quv multimedia vositalarini bilish);

- mavjud dasturlar va manbalarni rad etish muammosi, multimedia dasturlarining haqiqiy o'quv jarayoniga mos kelmasligi tufayli yuzaga keladi;
- an'anaviy o'qitish tizimlarida multimediyadan yangi didaktik vosita sifatida foydalanish ta'lim va rivojlanayotgan multimedia resurslaridan optimal ravishda foydalanishga imkon bermaydi [3].

Xulosa qilib aytganda, an'anaviy ta'lim texnologiyalari yangi axborot-pedagogik texnologiyalar bilan almashtirilishi kerak. Ularning yordami bilan auditoriyada bunday pedagogik vaziyatlarni amalga oshirish kerak, o'qituvchi va talabalarning faoliyati zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishga asoslangan va tadqiqot evristik xarakterga ega. Ushbu texnologiyalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun o'qituvchi

shaxsiy kompyuterdan foydalanish ko'nikmalariga ega bo'lishi, belgilangan vositalar to'plamiga asoslanib maqsadga erishish uchun harakatlar tuzilishini rejalashtirish qobiliyatiga ega bo'lishi kerak; ma'lumotlar tuzilmalarini qurish orqali obyektlar va hodisalarini tavsiflash; elektron axborotni qidirishni amalga oshiradi va tashkil etadi; aniq va birma-bir tarzda muammoni, vazifani, fikrni va boshqalarni shakllantirish.

Hozirgi vaqtida o'quv muassasalarida yuqoridagi muammolarning aksariyatini hal qilish uchun sharoitlar yaratilmoqda. Yangi axborot texnologiyalarining mohiyati kris-tallandi – o'qituvchilar va talabalarga zamonaviy elektron ma'lumot manbalariga kirish, talabalarning turli fanlar bo'yicha olgan bilimlarini birlashtirish va yangilashga qaratilgan ilmiy-tadqiqot va ijodiy o'quv ishlarini tashkil etish orqali o'z-o'zini o'rganish qobiliyatini rivojlantirish uchun sharoit yaratilmoqda. Zamonaviy ta'limni isloh qilish faqat ta'limga oid ma'lumotlarning elektron manbalari yaratilganda amalga oshirilishi mumkin.



#### Foydalanilgan adabiyotlar:



1. Mamarajabov O.E. Benefits of Using Information Technology in the Education System // Vocational Education. Tashkent, 2019. No.1. P. 55-59.
2. Nabiulina L.M. Web quests as innovative technologies and their application in teaching information technology// Eastern European Scientific Journal, 2017, №6
3. Hasanov A.A., Gatiyatulina R.M. Interdisciplinary communication as a didactic conditions of increase of efficiency of educational process // Eastern European Scientific Journal Germany. Auris – kommunikations-Und verlagsgesellschaft mdh 5-2016. p.107-111.

## МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЎРГАТУВЧИ МАЖМУА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ВОСИ- ТАСИ СИФАТИДА

**О.А.ҲАМИДОВ**

**Жиззах политехника институти “Касб таълими” кафедраси асистенти**

**Аннотация.** Мақолада мультимедиали мажмua нафақат маълум таълимий вазифаларни ҳал қилиш учун турли кўринишдаги ахборот тенг хуқуқли ва ўзаро боғлиқ равишда иштирок этадиган, касбий тайёргарликнинг ахборот методик воситаси, балки ахборот, трансформатив, интегратив, ташкилий-рағбатлантирувчи, назорот-коррекцияловчى, илмий-тадқиқотчилик ўз-ўзига таълим берриш функцияларини бажарадиган ўқитишининг электрон воситаси сифатида қаралган.

**Калит сўзлар:** мультимедия ўргатувчи мажмuaси, ахборот-методик восита, турли кўринишдаги ахборотлар, касбий тайёргарлик.

**Аннотация.** В статье мультимедийный комплекс рассматривается как электронное средство обучения, которое выполняет функции самообразования, где различные виды информации встречаются в равной степени и взаимосвязаны для решения конкретных образовательных задач, информативными, трансформирующими, интегративными, организационно-стимулирующими, контролирующими, научно-исследовательскими функциями, информационно-методического средства профессиональной подготовки.

**Ключевые слова:** мультимедийный учебный комплекс, информационно-методическое средство, различные виды информации, профессиональная подготовка.

**Annotation.** In the article, the multimedia complex is considered as an electronic learning tool that performs the functions of self-education, where various types of information are found equally and interconnected to solve specific educational problems, informative, transforming, integrative, organizational-stimulating, controlling, research and development, information and methodological training tool.

**Key words:** multimedia educational complex, information and methodological tool, various types of information, professional training.

Жамиятимиз тараққиёти, ҳаётимиз истиқболи энг аввало замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларида амалий иш фаолиятида қай даражада фойдалана олишига боғлиқ. Бу муаммомлар эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларидан таълим шакли ва мазмунини тубдан янгилашни тақозо этади.

Касбий тайёргарликни модернизациялаш, касбий таълимнинг узлуксизлигига йўналтирилган ва анъанавий таркиб топган машғулотларнинг аудитория шаклларидан урғуни, мустақил таълимга қаратишни, олий таълим муассасаларида ўқитишининг янги шакл ва воситаларини яратишни шарт қилиб қўймокда. Мультимедиали ўргатувчи мажмua ана шундай воситалардан бири бў-

лиши мумкин. Касбий тайёрлаш жараёнида тизимли яхлит график, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видео, фото ва бошқа ахборот, магнитли, оптик ташувчиларга бајарилган, шунингдек электрон компьютер тармоғида нашр этилган электрон нашрлар фаол қўлланилиб келинмоқда. Мультимедиали ўргатувчи мажмua – бу нафақат аниқ таълимий масалаларни ечиш учун турли хил ахборот тенг хуқуқли ва ўзаро боғлиқ ҳолда иштирок этадиган ўқув, мустақил, янгиланадиган, интерфаол нашрни ўз-ичига олган касбий тайёргарликнинг ахборот-методик воситаси, балки ижтимоий амалиёт воситасидир [1].

Мультимедиали ўргатувчи мажмuaлар турли асосларга кўра таснифланиш мумкин (1-жадвал)

Мультимедиали ўргатувчи мажмuaлар-

1-жадвал.

### Мультимедиали ўргатувчи мажмуалар кўринишииша типлари

Типлари	Кўринишлари
Ўқув-назарий	Дарсликлар, ўкув қўлланмалар, маъруза курслари, алоҳида маърузалар.
Ўқув-амалий	Хрестоматиялар, практикумлар, масала ва машқлар тўпламлари, альбомлар, атласлар.
Ўқув-методик	Услубий тавсиялар, ўқув-маълумотнома нашрлар, ўқув изоҳли ёки терминологик луғатлар, ўқув-библиографик маълумотномалар

нинг юқорида келтирилган тип ва кўринишларини олий таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси фанини ўқитища талабаларни касбий тайёрлашнинг ахборот-методик воситаси сифатида қараб чиқамиз.

Ўқув-назарий мультимедиали ўргатувчи мажмуалар тизимлаштирилган назарий билимларни ўзида сақлайди ва талабаларда мажмуавий ахборотли таъсир орқали умуммаданий ва касбий компотенцияларни шакллантириш мақсадида улар томонидан ўзлаштирилиши таълим дастурларида кўрсатилган фаолият турларини белгилаб беради.

Мультимедиали электрон дарслик аниқ фаннинг таълим дастури доирасида аниқланган давлат таълим стандарти талабаларига мувофиқ, таянч назарий билимларни тизимли баён этиш мақсадида ва уларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши ҳамда чоп этилган дарслик билан таққослаганда тубдан янги чизгили ўкув материалларини ўз ичига олади.

Мультимедиали электрон ўкув қўлланма аниқ фан бўйича назарий ахборотлар мажмуаси (матнлар, расмлар, аудио ва видео материаллар)ни ўз ичига олади.

Мультимедиали электрон маърузалар маълум давлат таълим стандартлари талаблари асосида аниқ тайёрлов йўналиши талабалари учун ишлаб чиқилган, фан бўлимларини дастурий ўзига хосликларни акс эттиради ва кўп вариантилилар, кўп даражалилик ва текшириш топшириқлари, машқлар ва тестларининг турли туманлигини таъминлайди.

Мультимедиали электрон маърузанинг

афзаллиги шундан иборатки, унда аниқ мавжуд ҳамда ихчам ва исботланган монологик баён этишни назарда тутади. Мультимедиали электрон маърузалар нисбатан кисқа вактда ҳажм бўйича катта ўкув материалини тақдим этиш имконини беради, уни узатишнинг тизимлилиги туфайли талабаларда ўрганилаётган ҳодиса ёки объект ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади. Мультимедиали электрон маърузаларга график иллюстрацияларни киритиш аудиториянинг фаоллигини ва ҳиссий жавоб реакциясини чакиради, уни мазмунга қизиқишини кўллаб қувватлайди, ишончини шакллантиришга имкон беради.

Ўқув-амалий мультимедиали ўргатувчи мажмуалар аниқ мезонлар бўйича тартибланган ва интерфаол шаклда баён этилган амалий ва тадбиқий характердаги ахборотни ўз ичига олади, шунингдек юқори дараҷадаги техник бажарилганлиги, мантикий ва изчил баён этилганлиги билан фарқ қиласи.

Мультимедиали электрон практикумлар ўрганилган ўкув материалларини мустаҳкамлаш ва билимларни умуммаданий ва касбий компотенцияларни интерфаол методлар билан текшириш, талабаларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳалаш фаолиятига жалб этиш учун мўлжалланган. Талабаларнинг лойиҳалаш фаолияти натижалари меҳнат муҳофазаси бўйича албомлар, плакатлар, технологик хариталар, ишлаб чиқариш ишлари лойиҳалари, схемалар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, видеороликлар бўлиши мумкин.

Талабаларнинг лойиҳалаш фаолияти

самарадорли бўлиши учун ҳаракатларнинг қўйидаги кетма-кетлигини тавсия этиш мумкин:

а) мавзуни, ижрочилар сони, лойиҳа-нинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

б) ўрганилган ўқув материалидан назарий билимларни ажратиб олиш, шунингдек қўйилган мақсадга эришиш учун ахборотнинг потенциал манбаларни аниқлаш;

в) лойиҳани амалга ошириш ва расмийлаштириш учун лойиҳа топшириқларини ижрочилар ўртасида тақсимлаш;

г) лойиҳа ижрочилар ўртасида олинган натижаларнинг оралиқ муҳокамасини ташкил этиш;

д) лойиҳани расмийлаштириш ва унинг тақдимотини тайёрлаш;

е) қўйидаги мезонлар бўйича ташки экспертиза хulosаларини олиш: лойиҳа мавзусининг долзарблиги; фойдаланилаётган ахборотнинг корректлиги; олинган натижаларнинг зарурлиги ва етарлилиги; умуммаданий ва касбий компетенцияларни мустаҳкамлаш; лойиҳанинг эстетиклиги ва кўргазмалиги.

Мультимидали электрон масала ва машқлар тўплами талабалар томонидан билимлар, умуммаданий ва касбий компетенцияларни ижодий ва фаол эгалланишга шунингдек уларни интерфаол методлар билан вариатив текширишга имкон беради. Мультимидали электрон масалалар ва машқлар тўпламининг қўйидаги бир қатор афзалликларини кўрсатиш мумкин:

а) иш вақтнинг чекланмаганлиги;

б) ишнинг аудиториядан ташқари режими;

в) турли муносабатлар ва реал ҳаётини шароитларда моделлаштириш имконияти.

Олий таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси фанини ўқитишда мультимидали электрон масала ва машқлар тўпламини қўллаш касбий тайёргарликнинг фаолиятини характерини, талабаларда мулоқот, фикрлаш, ҳаракат усусларининг шаклланиши

таъминлайди. Рефлексия натижасида бу мулоқот усуслари схемалар ва белгили шаклларда мустаҳкамланади. Мультимидали электрон масала ва машқлар тўплами тайёр ечимлар кўринишидаги ўқитишдан фарқли равища касбий тайёргарлик муаммоларининг гуруҳли (жамоавий) ечимини топишга қаратилган. Уларни муҳокама қилиш жараёнида касбий тайёргарлик шахсий аҳамиятли ва ривожланувчи бўлади [3].

Мультимидали электрон хрестоматиялар махсус танланган ўқув материали предметини ташкил этувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар, бадиий ва илмий асарлар ёки улардан лавҳалар, аудио, видео материаллар, шунингдек талабаларнинг фикрлашини рағбатлантирувчи, аниқ фаннинг ривожланишининг муаммоли ва истиқболли масалаларига диққатни жамлашга имкон беради. Масалан қурилиш йўналишида меҳнатни муҳофаза қилиш фани бўйича ўқув жараёнида бундай хрестоматияларни қўллаш қўйидагиларга имкон беради:

а) “Қурилиш жараёнлари технологияси”, “Бино ва иншоатларни қуриш технологияси”, “Қурилиш машиналари” умумкасбий фанлар ва “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани ўртасида фанлараро алоқаларни ўрнатиш;

б) талабаларни ўз шахсий позицияларига риоя қилган ҳолда, касбий тайёргарликнинг маъно ташкил этувчи мотивлари шаклланишини таъминловчи ўқув-ишлабчиқариш вазиятларига жалб этиш;

в) ҳар бир талабанинг касбий тайёргарлигини ўқитувчи билан жуфтлик ўзаро таъсирлашув жараёнидаги, шунингдек бошқа талабалар билан мулоқотини таъминлаш;

г) ҳар бир талабага тезкор, регуляр ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилишдан фойдаланиб таълим олиш имкониятини тақдим этиш.

Мультимидали электрон альбомлар ягона ахборот майдонини яратиш мақсадида талаба ёки ўқитувчига ёрдам сифати-

да видео ва аудио материалларни ўз ичига олади. Мультимедиали электрон альбомнинг асосий “ядроси” қурилиш майдончаси ва унинг элементларини, ишлаб чиқариш участкаларидаги алоҳида иш турлари ва бошқаларнинг уч ўлчамли фазовий тасвирларидан иборат. Бундай альбомни талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида қўллаш:

а) таълим олувчиларни ўкув жараёнига етарлича тез киришиши ва мазмунни ўрганиш жараёнида образли-кўргазмали фикрлашга жалб қилиш шарт қилиб қўяди;

б) талабаларни турли ишлаб чиқариш вазиятлари билан таништириш ва хавфсиз ҳамда авариядан холи ишни таъминловчи кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини беради;

в) талабаларда объектив алоқаларни, ишлаб чиқариш жараёнлари ва алоҳида операциялар орасидаги муносабатларни, баҳсиз ҳодиса ва жароҳатланишга олиб келиши мумкин бўлган хавфли ва аварияли вазиятларнинг сабаб ва оқибат ўртасидаги боғланишларни акс эттирувчи ассоциацияларни шакллантириш имкониятини яратади;

г) меҳнат хавфсизлиги бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтирилган касбий тайёрлашни ахборатли қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Мультимедиали электрон атласлар турли хил объектларнинг видео материалларини ўз ичига олади. Олий таълим муассасаларида иллюстратив материал сифатида намойиш қилинадиган илмий-оммабоп фильмлардан фарқли равишда, мультимедиали электрон атлас мазмуни бўйича бутунлай ўкув дастурига мос келади. Унда асосий тушунчалар, аниқ ажратилган таърифлар берилган, ҳар бир шакллантирилган ҳолатлар тушиностирилади.

Идрок қилинаётган мазмунини аниқлаштириш имконини берувчи маҳсус усуллар (секинлаштирилган ёки тезлаштирилган намойиш, анимация, объектни турли ракурслардан кўрсатиш, объект ёки ҳоди-

саларнинг алоҳида деталларини намойиш этиш) кенг қўлланилади. Мультимедиали электрон атлас ўкув ахборатини тўлиқ баён этади ва янги ўкув материалини талабага узатиш босқичида ўқитувчини бутунлай алмаштириш мумкин. Уни кўриб чиққандан кейин дарҳол талабалар ўзлаштирилган ўкув материалини мустаҳкамлаш ва текширишга амалий кўникмаларни шакллантиришга ўтиши мумкин [2]. Касбий тайёрлаш жараёнида мультимедиали атласлардан фойдаланишнинг қуйидаги бир неча варианatlари мавжуд:

а) муҳофаза масалаларини мустақил ўрганиш;

б) мазмунни ўкув диалогик ёки ташкилий-фаолиятли ўйинлар жараёнида ўқитувчи билан биргаликда ўрганиш;

в) меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома ўтказувчи маъсул шахс изоҳлари билан ишлаб чиқаришда амалиётни ўташ жараёнида мазмунини ўрганиш.

Ўкув-услубий мультимедиали ўргатувчи мажмуалари ўкув фанини мустақил ўрганиш учун тартибланган ўкув материалини, интерактив шаклда баён этилган билимларни мустаҳкамлашнинг амалий шакллари ва методикасини ўз ичига олади.

Мультимедиали электрон услубий кўрсатмалар талабалар мустақил ўрганиш ва билимларини текширишга тайёргарлик кўриш учун мўлжалланган ўкув матеалини ўз ичига олади. Бундай мультимедиали электрон услубий кўрсатмаларда қуйидагиларга йўналтирилган ўкув материалидан фойдаланилади:

а) ахборотнинг катта миқдордаги захирасини мустаҳкам ўзлаштириш, билимлар тузилмасини шакллантириш, билимларни эгаллаш ва улардан эркин фойдаланиш;

б) фикр юритиш фаоллигини ривожлантириш;

в) касбий тайёргарлик ва фаолият услубларини эгаллаш;

г) шахсни ривожлантириш, хусусан, шахснинг ўкув жараёнидаги фаоллигини

шакллантириш.

Мультимедиали электрон услугий кўрсатманинг асосий мақсади – муаммони қўра оладиган ва ифодалай оладиган, ҳал қилиш услугуб ва воситаларни аниқлай оладиган мутахассисни тайёрлашдан иборат. Ушбу мультимедиали электрон услугий кўрсатмаларга қўйидагилар хос;

а) аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил иш нисбатини ўрнатиш ва шунга мос ўқув жараёнини ташкил этиш;

б) илгариловчи мустақил иш (ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган маъруза ва семинарлардан аввал);

в) дастурлаштирилган ўқитиш (ҳамма ўзига мос темпда ишлайди);

г) ўқув жараёнида автоматлашган ўқитиш тизимини қўллаш;

д) ўқув-тадқиқотчилик ишини талаба белгиланган вазифани ҳал қилиш учун адабиётларни ўрганишга эҳтиёж сезадиган тарзда ташкил этиш.

Мультимедиали электрон услугий кўрсатмалар талабалар учун ўқув ва илмий ахборотга эркин кириш шунингдек, ўзлаштирилган билимларни текширишга тайёрланиш учун қулай шароит таъминлаб бериш имкониятига эга.

Мультимедиали ўқув-маълумотнома нашрлари илмий ва амалий таснифдаги қўлай жойлашган гиперҳаволалар орқали ўқитиш учун мўлжалланган қисқа ахборотларни ўз ичига олади. Мультимедиали ўқув-маълумотнома нашрлари мазмuni бутун технологик жараённи қамраб олган ва талабаларни ривожлантиришга йўналтирилган қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

а) ишларни хавфсиз ўтказиш технологиясини билиш; иш жойида мавжуд бўлган хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари; иш жойларида қўлланиладиган машина ва механизmlар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

б) машина ва механизmlар ишлаш натижасида юз берадиган хавфли ва заар-

ли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири оқибатларини тушуниш; шунингдек иш шароитларининг ўзига хослигининг ишчи ходимларга таъсири; ишларни хавфсиз ташкил этиш талабларига риоя этиш зарурияти;

в) иш жойларида мавжуд бўлган заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллар таҳлили;

г) заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллар таҳлилини ўтказиш орқали иш шароитларида хавфлилик ва жароҳатни камайтириш услубларини топиш;

д) график материалларда тасвирланган илгари кўриб чиқилган ишлаб чиқариш вазиятларига мувофиқ ишчи майдондаги хавфлилик даражасини баҳолаш;

е) олинган билимларни заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини пасайтириш ёки бартараф этиш учун ҳамда ишлаб чиқариш ишларини хавфсизлигини таъминлаш учун қўллаш.

Мультимедиа асосида яратилган ўқув-библиографик маълумотномалар тақдим этилаётган ахборотнинг кўргазмалилиги га таяниб ўқитиш сифатини ошириш имконини беради. Динамик, яъни ўзгарувчи маълумотлар базасини қўллаш эса ўқув ахборотини шундай тақдим этиш имконини берадики, унда таълим олувчининг ўзи график ёки матнли ҳаволалар орқали материаллар билан ишлашнинг турли схемаларини қўллаш мумкин, гиперматнли технология эса гипериловалар туфайли навигацияни сезиларли даражада соддалаштиради. Буларнинг барчаси таълим беришга табақлаштиришга ёндашувни амалга ошириш имконини беради [4].

Мультимедиали электрон ўқув-библиографик маълумотнома бу сифат жиҳатидан янги ўқитиш воситаси бўлиб, унинг ўзига хосликлари қўйидагилардан иборат:

а) талабаларда тадқиқотчилик фаолияти малакаларини ривожлантириш;

б) талабаларда ахборот маданиятини, ахборотни қайта ишлай олиш кўнимаси шакллантириш;

в) ахборотни қайта ишлашнинг замонавий воситаларини қўллаш натижасида фанлараро алоқаларни чукурлаштириш;

г) динамик ривожланувчи ва янгила-нувчи билимлар базасини қўллаш;

д) маълумотлар базасига келиб тушувчи янги ахборотларни автоматлаштирилган тарзда хисобга олиш.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқкан ҳолда хуоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мультимедиали ўргатувчи мажмуаларни техника йўналиши олий таълим муассасаларида меҳнат муҳофозаси фани бўйича ўқув жараёнида қўллаш қуидагиларга имкон беради;

- вербал ва кўргазмали-ҳиссий ахборотнинг интеграцияси воситасида ўқув материали билан самаралироқ ишлаш, рангли графикани қўллаш, анимация, гиперматнларни овоз билан бирга қўллаш талабаларда қуидаги мотивацияларни ривожлантиришга имкон беради мақсадли (“мен буни билишим керак, ва бу топшириқ ва машқларни бажара олишм керак”); когнитив (“мен янги билимларни оляяпман ва уларнинг шакланиш жараёнида ииштирок этаяпман”); праксиологик (“мен ҳам янги билимларни олишдан, ҳам янги ўқув материалларини ўрганиш жараёнидан қониқиш ҳис қилаяпман”).
- ўқув материалини ўрганишнинг интерфаол веб-элементлар, гипериловалар, электрон кутубхоналар ёки таълимий сайтлардаги қўшимча адабиётлар билан гипералоқа ўрнатиш орқали очиқлигини таъминлаш;
- ўқув материалини ўрганиш учун сарф-

ланадиган вақтни касбий тайёрлаш на-тижаларининг тизимли мониторингини ва ҳар бир талаба бўйича маълумотлар базасини яратиш орқали тежаш. Бу ўқи-тиш жараёнини динамикаси ва қонуни-ятини аниқлаш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ишларни содда-лаштириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, мультимедиали ўргатувчи мажмуалар талабаларни меҳнат муҳофазасига ўргатишида электрон ўқитиши воситаси сифатида қуидаги функцияларни бажаради:

- касбий тайёрлаш мазмунига зарурий ўқув, илмий, амалий билимлар мажмуасини киритилишини акс эттирувчи ахборот функцияси;
- ўқув материалини интерфаол шаклга ўтказишини таъминловчи трансформа-тив функция;
- ўқув материалини адекват мажмуавий идрок қилиш учун тузилмалаштириш имконини берувчи интегратив функция;
- касбий тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришини таъминловчи ташкилий-рағбатлантирувчи функция;
- жорий ва якуний назоратни ўтказишини таъминловчи назорат-коррекцияловчи функцияси;
- тадқиқотчилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини шакланишини таъмин-ловчи илмий-тадқиқотчилик функцияси;
- касбий тайёргарликнинг автоном ахбо-рот-услубий воситаси сифатида фой-даланиш имконини берадиган ўз-ўзига таълим бериш функцияси.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Писарь О.В., Пугачева Н.Б. Технология формирования личной безопасности студентов технического вуза на основе компетентностного подхода // Вестник НЦБЖД. 2010. № 1. С. 36-39.
2. Пугачева Н.Б., Чепурышкин И.П. Регионализация образования как предмет научных исследований // Педаго-гика. 2008. № 8. С. 9–16. References:
3. Саловов А.Б. Методические основы проктирования электронных образовательных ресурсов. Самара, 2013,-180 с.
4. Осин А.В. Мультимедиа в образовании контекст информатизации. М.,2004.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МОДЕЛЛАШТИРУВЧИ ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

У.М.ИБРАГИМОВ

Бухоро муҳандислик-технология институти докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида ихтисослик фанларини ўқитишида самара берадиган моделлаштирувчи дастурларининг моҳияти, афзалликлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** моделлаштириш, дастур, симуляциялаш, COMSOL, LabVIEW, Adams, PowerShape, FeatureCAM.

**Аннотация.** В данной статье раскрывается сущность, преимущества и возможности использования моделируемых программ при обучении специальным дисциплинам в высших образовательных учреждениях.

**Ключевые слова:** моделирование, программа, симуляция, COMSOL, LabVIEW, Adams, PowerShape, FeatureCAM.

**Annotation.** This article discloses essence, advantages and possibilities of using simulated programs for teaching special disciplines in the higher educational institutions.

**Key words:** modeling, software, simulation, COMSOL, LabVIEW, Adams, PowerShape, FeatureCAM.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, ўкув жараёнининг сифатини ошириш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек ҳозирги даврда жамиятилизда бўлаётган ўзгаришлар, ахборотлашган жамиятга ўтиш борасидаги ислоҳотлар, жаҳон таълим тизимига интеграцияланиш жараёнлари ва таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши мамлакатимиз олий таълим муассасаларида компетентли мутахассислар тайёрлашга асос бўлиб хизмат қиласи.

Жаҳон ҳамжамиятининг эътироф этишича, ҳозирги кунда таълим тизими ишлаб чиқаришдан анча орқада қолиб кетмоқда ва битирувчиларнинг таълим муассасасини тамомлаганларига қадар улар олган айrim билимлар эскириб қолмоқда.

Бугунги кунда таълим мазмунини босқичма-босқич ўзгаририб бориш дол-

зарб масалалардан бири бўлиб, электрон интерфаол ва мультимедиа мажмуаларининг янги авлодини ишлаб чиқиши ҳамда улардан самарали фойдаланиш методикаларини таъминлаш, шунингдек мустақил билишнинг янги турларини яратиш ва тармоқ асосида ўқитиши технологияларининг дидактик имкониятларидан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади (1).

Шу боис олий таълим мазмунини таъкомиллаштириш, электрон таълим ресурсларидан ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Бизнингча олий таълим муассасаларида таълим жараёнига компьютер технологияларини ва электрон таълим ресурсларини жорий этиш қуйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

- ўқитишида вақтдан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аудиториядан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- фаол-фаолиятли ўқитиши шаклларини

- ривожлантириш;
- шахсга йўналтирилган ўқитиш моделларини қўллаш;
  - таълим олувчида ижодкорлик қобилиятиниң ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш.

Бугунги кунда таълим жараёнида электрон таълим ресурларини яратиш ҳамда улардан ўқув жараёнида самарали фойдаланишини тақозо этади. Бунда ўқув материалларини замонавий усуллар, жумладан, мультимедиали ресурлар ва технологиялар, моделлаштирувчи дастурлар асосида тақдим этиш эҳтиёжи туғилади. Моделлаштирувчи дастурларни ўқув жараёнида татбиқ этиш таълим олувчилардаларда билим олишга мотивацияни ошириш, ўз фаолиятини мустақил режалаштириш, ўқиш вақтини тежаш, ўқув материалларини янада сифатлироқ тақдим этиш, ахборотларни амалий ўзлаштириш, шунингдек ҳар қандай жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш, касбий компетентликни шакллантириш имконини беради.


Бугунги кунда таълим жараёнида компьютернинг график имкониятларидан фойдаланишда бўлган талабнинг орта бориши, талабалаларнинг таълим соҳасида хусусан, олий таълим муассасаларида ихтисослик фанларини ўқитишда моделлаштирувчи дастурлардан фойдаланиб ўқитишни юқори савияда ташкил этишни тақозо этмоқда. Биз мазкур мақолада олий таълим муассасаларида ихтисослик фанларини ўқитишда самара берадиган моделлаштирувчи дастурлардан айримлари ҳақида фикр юритамиз.

**COMSOL Multiphysics** дастурий пакети ёрдамида мұхандислар ва олимлар мұхандислик соҳасидаги, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар учун конструкцияларни, курилмаларни ва жараёнларни моделлаштириши мүмкін (2).

**COMSOL Multiphysics** – бу интеграллашган моделлаштириш учун плат-

форма бўлиб, моделлаштиришнинг барча босқичларини ўз ичига олади: геометрик тузилишини яратишдан, жараёндаги ишлатиладиган материаллар, физик таъсирлардан тортиб токи ечимларни топишни созлаш ва жараённи қайта ишлашгача, бу эса аниқ ва барқарор натижаларни олиш имкониятини беради.


Maxsus амалий ва мұхандислик вазифалари учун моделларни яратиш учун сиз **COMSOL Multiphysics** дастурий пакетини имкониятларини кенгайтириш модуллари орқали амалга оширишингиз мүмкін. Интеграциялаш модулларни моделлаштириш вақтида қўллаш, қурилмалар ва жараёнларни ишлаб чиқишида бошқа мұхандислик ва математик дастурий воситаларни қўллаш имкониятини беради. Модел яратилганидан сўнг, сиз уни maxsus фойдаланувчи интерфейсли моделлаштириш дастурига айлантишишингиз мүмкін бўлиб, ушбу дастурни ишлаб чиқарувчилардан алоҳида ишлатиш имконияти мавжуд бўлади.



1-расм. **COMSOL Multiphysics** дастурининг кўринини.

**FeatureCAM – CAD/CAM** тизими бўлиб, элементларни рациональ қайта ишлаш тамойилига асосланади. **FeatureCAM** қаттиқ жисмли моделнинг элементларини автоматик ёки қўлда идентификациялаш имкониятини беради: технолог-дастурчи қайси элементларни қайта ишлашни хоҳлашини кўрсатади ва тизим ўзи ушбу элементларни қайта ишлаш учун бошқарувчи дасутурларни тайёрлайди (3,7).

Feature RECOGNITION (элементларни таниб олиш) модули – бу кучли ускуна бўлиб, дастурлаш жараёнини осонлаштиради ва тезлаштиради. FeatureCAM да элементли дастурлаш CAD (компьютер модели) геометрик маълумотларига асосланиб, бу эса ишлаб чиқариш вақтини анча қисқартириш имконини беради. Тизимда қўлда, интерфейс олиш имконияти мавжуд.




2-расм. FeatureCAM дастурининг кўрининиши.

**PowerSHAPE** – қаттиқ жисмли ва юзали замонавий гибридли моделлаштириш дастури хисобланади. Қаттиқ жисмли моделлаштириш – бу ососн ва тезкор бирлаштириш, қирқиб ташлаш ва кесиштириш операцияларини билдиради. Юзали моделлаштириш – бу кенгликдаги чексиз элементларни мураккаблиги ва уларни тахрирлашнинг такрорланмас имкониятлари.

Моделлаштириш воситаси куйидаги имкониятларни тақдим этади:


- ихтиёрий эгри чизиқлар тўпламида юзаларни яратиш имконияти;



3-расм. PowerSHAPE дастурининг кўрининиши.

- юзаларни динамик позициялаш ва тахрирлаш;
- объектга йўналтирилган тахрирлашни қўллаш PowerSHAPE дастурини қўллашни осонлаштиради ва тезлаштириш имконини беради.


**LabVIEW** – дастурлашга график қарашларни қўллаш имкониятини тақдим этиб, у жараёндаги ихтиёрий детални визуаллаштириш, қурилмаларни созлаш, ўлчов маълумотларини кўрсатиш ва отладкаш имкониятини беради. Ушбу визуаллаштириш ўлчов қурилмаларини ихтиёрий қурилма таъминотчилари учун интеграциялашни осонлаштириш, мураккаб бошқариш алгоритмини диаграмма схемасида акс этиш, маълумотларини таҳлили этиш алгоритмларини осон ишлаб чиқиш ва фойдаланувчи маҳсус интерфейсини қуриш имкониятини беради (5).



4-расм. LabVIEW дастурининг кўрининиши.

**SolidWorks** – бу мухадислик лойиҳалаш ва 3D моделлаштириш учун энг машҳур компьютер дастурларидан бири хисобланади. Ушбу дастурий пакетда нафакат 3D чоп этиш техник деталларни яратиш имконияти мавжуд, балки бошқа техник мақсадларда ҳам ушбу моделлардан фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, SolidWorks дастури 3D моделлаштириш учун жуда кенг имконияти восита ва турли мақсадлардаги маҳсулотларни автоматик лойиҳалаш учун дастурий пакет сифатида хизмат қиласди. Маъно жиҳатида бу маҳсулотлар

ни рақамли кўринишда конструкциялаш учун имкониятлар тўплами бўлиб, у ўзида кўплаб қўшимча ускуналарни сақлади ва улар орқали модел устида турли виртуаль техник экспериментларни амалга ошириш имкониятини беради (4).




5-расм. SolidWorks дастурининг кўриниши.

**Adams** – дастурий оиласи ихтиёрий конструкцияларни (барча ҳаракатланувчи оддий механик ва электромеханик қурилмалардан тортиб мураккаб автомобил ва самолётлар, темир йўл техникалари, космик аппаратларгача) моделлаштириш ва мукаммалаштириш учун қўлланилади.

Adams дастурий пакетининг ҳарактерли хусусияти ва катта ютуғи шундаки фойдаланувчи график интерфейси осон ва эффектив эканлиги. Бу интерфейсни ишлатиб, Adams пакети фойдаланувчиси геометрик примитивлар базасидан ҳисобланадиган моделни тезкор яратиши мумкин.

Adams дастурий пакети фойдаланувчи интерфейси ҳисобланадиган модел мув



6-расм. Adams дастурининг кўриниши.

каммалаштириш йўлларини топиш учун қисқа муддатларда натижаларни таҳлил этиш эффектив воситаларига эга ва динамик жараёнлар характеристикаларини реал жараёнларга яқинлаштириш.

Хар бир дастур таълим жараёнида ўзининг маълум бир вазифасини бажаради. Уларнинг бир қисми материалнинг кетма-кет баён қилишга мўлжалланган, бошқалари эса талабаларнинг билимларини баҳолашга, айrim турлари эса амалий машғулотларни моделлаштиришга хизмат қиласди ва ҳ.к.

Билим, маҳорат ва қўникмалар даражаларини назорат қилишнинг дастурий воситалари талабанинг билимлари сифатини баҳолаш жараёнини автоматлаштиради.

Тест топшириқларидан ўтказиш тизими таълим тизимида анча даврлардан бери қўлланилади. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, олинган билимларни баҳолаш жараёнида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳаракатларини моделлаштириш – ахборот нуқтаи-назаридан жуда нозик бўлган ишdir. Кўплаб вазиятларда у энг замонавий ахборот технологияларидан, сунъий интеллект методларидан фойдаланмасдан туриб сифатли тарзла амалга оширилиши мумкин эмас. Масалан, математик бўйича интерфаол тест тизими талабанинг жавоби мантигини кузатиб бориши (бу теоремаларнинг автоматик исботланиши каби нозик методларни жалб қилишни талаб қиласди), шунингдек, ўрганилаётган ўқув фани бўйича таянч билимлар базасига асосланиши лозим. Мана шундай тизимларни ишлаб чиқиш сезиларли миқёсдаги меҳнат, вақт ва молиявий сарф-харажатларни талаб қиласди. Бахтимизга, мана шундай мураккаб технологияларни қўллаш ҳар доим ҳам талаб қилинавермайди.

**Математик ва имитацион моделлаштириш воситалари.** Моделлаштириш воситаларининг асосий мақсади талабаларнинг амалий машғулотлари жараёнини

автоматлаштиришдан иборатдир. Бу физик экспериментни моделлаштириш, талабанинг имконияти бўлмаган ускуна имитатори, одатдаги дифференциал тенгламаларни ечиш бўйича тренинг тизимлари, сиёсатшунослик бўйича мунозараларни моделлаштириш бўлиши мумкин. Моделлаштирувчи тизимларни амалга ошириш тузилмаси ва усуллари индивидуалдир ва улар биринчи ўринда моделлаштириладиган объектнинг табиатига боғлиқ бўлади. Адекват моделни яратиш учун кўплаб вазиятларда мураккаб математик ва ахборот методларидан, шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш зарур бўлади. Моделлаштириш воситалари ичida алоҳида ўринни электрон тренажёрлар эгаллаб, улар реал шароитларда ўқитиш имкони бўлмагандан, мураккаб ёки фавқулодда вазиятларда катнашиш билан боғланган ёки бундай қилиш мумкин бўлмаган ўқитиш вазиятларида самарали ишлайди.

Коидага кўра, электрон тренажёрлар турли хил даражалардаги мустақиллик шароитларида амалий кўникмалар ва маҳоратни сайқаллаш, назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилишни машқ қилиш учун мўлжалланади.

Мультимидали ресурслар ва технологиялар ҳамда моделлаштирувчи дастурлар асосида талабаларда билим олишга мотивацияни ошириш, ўз фаолиятини мустақил режалаштириш, ўқиш вақтини тежаш, ўқув материалларини янада сифатлироқ тақдим этиш, ахборотларни амалий ўзлаштириш зарур. Бунда, ҳар қандай жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш, касбий компетентликни шакллантириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда моделлаштирувчи дастурларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва методлари билан уйғун ҳолда комплекс қўллаш, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширади.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



- Гаффаров Ф.Х. Махсус фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг масофадан фойдаланиш методикаси. П.ф.ф.д. Дисс. Автореф. Тошкент. 2018 йил.5 бет.
- COMSOL Multiphysics Reference Manual. – Protected by U.S. Patents listed on www.comsol.com/patents, and U.S. Patents 7,519,518; 7,596,474; 7,623,991; and 8,457,932. Patents pending., 2014. 1262 с.
- "CAD/CAM & Rapid prototyping application evaluation", 1st edishion © 2010 Miltiadis A. Boboulos PhD&bookbon.com.
- Руководство инструктора для обучения использованию программного обеспечения SolidWorks® . © Dassault Systèmes SolidWorks Corporation, 1995-2010; компания Dassault Systèmes S.A., 300 Baker Avenue, Concord, Mass. 01742 USA.
- Trevis Dj, Kring Dj. (PrenticeHall) LabVIEW for everyone. – NJ:Prentice Hall, 2011 – 1236 р.
- «Компьютерные технологии нового тысячелетия для моделирования технологических процессов. Сборник статей. Труды конференций MSC. Новости MSC.», 2012. - 305 стр.
- "Начало работы с FeatureCAM" Учебный курс. Delcam USA. 2015. – 89 с.

## “БИЗНЕС-СИМУЛЯЦИЯ” НИМА?

**Н.Р.СИРОЖИДДИНОВА**

**Педагогик инновациялар касб-хунар таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти методисти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф бизнес-симуляция дастурлари, унинг аҳамияти, тарихи, иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, таълимда бизнес симуляцияларидан фойдаланиш, унинг турлари, бизнес симуляцияларини корхона иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида сўз юритади.

**Калит сўзлар:** бизнес-симуляция, бизнес ўйинлари, классик ўқитиш, корпоратив ўқитиш, компьютер симуляцияси, иш столи симуляцияси.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммага аён. Кам сармоя талаб қиласидан, тез модернизация қилинадиган ва бозор коньюктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша оладиган бизнес юритиш замон талабига айланди, десак муболага бўлмайди. Жаҳон тажрибасида бизнесни ривожлантиришда минимал қаршиликка эга янги бизнес-жараёнларнинг жорий этилиши, хатолар ва мавжуд бизнес жараёнларини оптималлаштириш усулларини излаш, компаниядаги мураккаб вазиятларнинг ечимини излаш, зарур компетенциялар бўйича кўникмаларни ривожлантириш вазифаларини бизнес-симуляция дастурлари амалга оширмоқда. Мазкур масала Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси”ни амалга оширишда тадбиркорликни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни шакллантириш мамлакатнинг инновацион ривожланишининг энг муҳим йўналиши деб белгиланган.

Бизнес симуляция – бу нима? Бизнес симуляция (Business simulation) – инглиз тилидан олинган бўлиб, моделлаштириш деган маънони англатади.

У кадрлар салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантиришнинг замонавий технологияларини, реал бизнес жараёнларини моделлаштиришга асосланган, сунъий шаро-

итларда иштирокчиларга бошқарувнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда тажриба орттиришга имкон берадиган дастур ҳисобланади. Бизнесни симуляция қилиш – маълум бир компаниянинг воқеликлари га яқин бўлган бизнес ўйинидир. Кўпгина мутахассислар бизнесни симуляция қилишни “келажак учун тренинг” деб аташади. Ўйин шартлари воситачи (раҳбар) томонидан синов ва хатолар туфайли иштирокчилар муаммонинг энг мақбул ечимини топиши, келажакда амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган кўнико ва тажрибага эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Иштирокчилар тажриба тўплайдилар, муҳокама қиласидилар, холосалар чиқарадилар ва умумлаштирадилар, олган билим ва кўнико малини амалий фаолиятларида қандай қўллашни тушунадилар.

Бизнес симуляциясининг интерактив хусусияти шундаки, у иштирокчиларга компанияни бошқариш бўйича асосий кўнико ва малакаларни олиш ва ривожлантириш имкониятини беради: стратегияларни ишлаб чиқиши, тактик ва операцион вазифаларни ҳал қилиши, яъни амалий фаолиятда ўрганилиши мумкин бўлган ҳамма жараёнларни қандай амалга оширишни ўргатади. Бизнес симуляцияси ғарб услубидаги таълим тизимида, хусусан университетлар ва бизнес мактабларида нафақат талabalарни ўқитиш учун, балки менежерларни ўқитиш учун ҳам кенг қўлланиллади.

Тарихдан маълумки, Хитойда милод-

дан аввалги 3000 йилда ҳарбий машғулотлар учун маҳсус симуляция ўйини ишлатилган. Ушбу симулятор шахматга ўхшарди. Ғарбий дунёда ҳарбий ўкув ўйинлари XIX аср ўрталарида харитада немис ҳарбий тактик машқларидан келиб чиқсан (Фария ва Дикинсон)<sup>1</sup>. Бундан ташқари Фария ва Дикинсон Иккинчи Жаҳон урушидан олдин Японияда турли хил уруш ўйинлари иштаганлигини, Британия ва Америкаликлар улардан жанговар стратегиясини синаш учун фойдаланганларини таъкидлайдилар.

Ўкув воситаси сифатида бизнес симуляцияси ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида СЕЛЕМИ (SELEMI) швед компаниясида ишлаб чиқилган. Ғарбда у тезда машҳурликка эришди ва бизнес юритиш учун кадрлар тайёрлаш билан шуғулланадиган ўкув юртлари дастурларида ва кўплаб компанияларнинг корпоратив тренингларида қатнаша бошлади. Ўйин Россияда 2000 йилларнинг бошларида пайдо бўлган, корпоратив машғулотлар доирасида хорижий компанияларнинг ҳудудий бўлинмалари ундан фойдаланишни бошлаган.

90-йилларнинг охирида ғарб компаниялари орасида корпоратив етакчиликни ривожлантириш дастурларини кенгайтириш учун бизнес симуляцияларини яратиш ва созлаш кенг тарқалган. Ишбилармонлик ўйинлари кўпинча стратегияларни ишлаб чиқиши ва ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган. Бундай бизнес симуляцияси иштирокчиларга қарорлар қабул қилишда ўзларининг қобилиятлари ва ваколатларини синаб кўриш, хато қилиш, тузатиш ва тегишли хуносалар чиқариш имконини беради.

Дикинсон ва Фарианинг<sup>2</sup> таъкидлашларича, ҳозирги пайтда АҚШда 250 дан ортиқ бизнес ўйинлари кўлланилмоқда, уларда 1900 дан ортиқ коллежларда 9000 га яқин ўқитувчилар иштирокида бизнес бўйича

ўкув дастурлари мавжуд.

Бизнес симуляциясидан менежерларнинг малакали бошқарув қарорларини қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш ва муйян бизнес жараёнини қандай амалга оширишни ўргатишида, компанияларнинг ривожланиши учун янги тизимлар ва жараёнлар киритишида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга таълим жараёнларида бизнес симуляцияларидан фойдаланиш бизнинг давримизда объектив эҳтиёжга айланди, чунки Симкинс<sup>3</sup> таъкидлаганидек маъruzалар орқали ўқитиши усуслари кўникмаларни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг жозибадорлигини ошириш учун етарли даражада самара бермайди. Бизнес симуляцияси эса ўкув жараёнида кўникма, компетенция ва амалий тажриба орттиришга имкон беради. Шунинг учун дунёнинг кўплаб университетлари ва бизнес мактабларининг ўкув жараёнида кенг кўлланилади.

Бизнес ўйинлари ва бизнес симуляцияси ўзаро қандай фарқ қиласди?

Бизнес ўйини нима?

Бизнес ўйини – бу ходимларга зарурий касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон берадиган соддалаштирилган ўқитиши усули. Бу иштирокчиларга ғайриоддий муҳитга тушиб қолиш, шахсий ривожланиш ва бизнесни ривожлантириш учун манбаларни топиш имконини беради. Бизнес ўйини ходимларнинг шахсий имкониятларини очиб бериш, уларнинг ички манбаларини ривожлантириш, жамоани шакллантириш ва ходимларни баҳолашни амалга оширишга имкон беради. Ҳаяжонланиш, кўнгил очиш, ижобий-ҳиссий юксалиш туфайли бизнес ўйин иштирокчиларни жараёнга фаол жалб қилишни таъминлайди.

Бизнесни симуляция қилиш эса – бу маълум бир компаниянинг ҳақиқий иш шароитларига имкон қадар яқин бўлган маҳсус яратилган ўйин моделидир. Бу хавфсиз муҳитда бўлган иштирокчиларга касбий,

1 Faria, A. J. and Dickinson, John R. (1994). Simulation Gaming for Sales Management Training. Journal of Management Development, Vol. 13, No. 1, pp. 47-59

2 Dickinson, John R. and Faria, A. J. (1995). Simulation Gaming for Sales Management Training and a Demonstration. In Saunders, Danny (ed.) The Simulation and Gaming Workbook Volume 3: Games and Simulations for Business. Kogan Page, London, pp. 99-109

3 Simkins, S.P. (1999). «Promoting active-student learning using the World Wide Web in economics courses». Journal of Economic Education 30 (Summer) (3): pp. 278-91.doi:10.2307/1183067

шу қаторда бошқарув вазифаларини ҳал қилишда зарур амалий тажриба олишга имкон беради. Хавфсиз мұхит дейишлишини сабаби шундаки, ҳақиқий бизнесда хатога йўл қўйилса катта йўқотишлар келиб чиқиши мумкин. Бизнес симуляция хатоларни тузатиш, касбий компетенция ва тажриба оширишга кўп маротаба тақрорлаш орқали эришиш имконини беради. Бизнес симуляцияси, бизнес ўйинларидан фарқли ўлароқ, ташкилий ечимларни топишга, мавжуд вазиятларни таҳлил қилишга, янги ёндашувларни синаб кўришга, тизимларнинг ишлашини баҳолашга имкон беради.

Бизнесни моделлаштиришнинг кучли томони шундаки, жараён ҳар доим хаяжонли (кўпинча рақобатлашадиган мұхит) кечади, шунинг учун иштирокчиларнинг ўйиндаги иштироки табиий тус олади. Шу билан бирга, орттирилган кўнималар ҳаётга татбиқ этилади ва машғулотлар самараси компания келажаги учун мустаҳкам пойdevor вазифасини ўтайди. Бизнес симуляциясида қатнашувчилар ҳақиқий бизнеснинг эҳтиёжларига кўра маълум бир бизнес жараёнининг симуляциясини назорат қиласидилар ёки бутун бизнесни бошқаришни тўлиқ тақлид қиласидилар ва бир-бирлари билан рақобатлашадилар.

Бизнес симуляциялари бугунги кунда энг машҳур ва самарали ўкув форматларидан бири ҳисобланади. Симуляция компаниянинг бизнес жараёнларини тўлиқ ёки қисман акс эттиришни ўз ичига олади. Иштирокчилар тушадиган вазият, бир томондан ўйин хусусиятга эга (ўйин майдони, виртуал пуллар, карталар ва бошқалар), иккинчи томондан ходимларнинг ҳар кунлик иш жойларида баъарадиган харакатларини тақлид қиласидилар. Ушбу формат туфайли иштирокчилар хато қилишдан қўрқмасдан тажриба ўтказиши, янги воситаларни ўрганиши мумкин.

Ҳозирги кунда дунёда бизнес симуляциялари таълим мақсадларида кенг қўлланилади. Уларнинг кўпгина олий ўкув юртларининг ўкув жараёнига, кенг кўламли ўкув конференцияларининг ўтказилиши ва модул-

ли ривожланиш дастурларига киритилиши бунинг далилидир.

Таълимда бизнес симуляцияларидан фойдаланиш имконияти гарб педагогикасида “экспериментал ўрганиш” (“experiential learning”) концепциясининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу харакатни ўрганиш ёки амалий ўрганиш деб таржима қилинади.

Бизнесни симуляция қилиш энг самарали таълим технологияларидан биридир, чунки у иштирокчиларга ўкув жараёнда кўникма, компетенция ва амалий тажриба ортиришга имкон беради. Шунинг учун улар дунёning кўплаб университетлари ва бизнес мактабларининг ўкув жараёнда кенг қўлланилади.

Бизнес симуляциясидан фойдаланган ҳолда ўқитишиккни форматда амалга оширилади: классик ва корпоратив ўқитиши жараёни.

Классик форматда ўқитишида ўйинга кўп вақт сарфланади, чунки у бутун семестр давом этади. Ҳар бир дарс битта ўйин даври (молия йили) га тўғри келади. Машғулотлар ўртасида талабалар уй вазифаларини бажарадилар (масалан вазиятларни таҳлил қилиш). Муаммога чукур киришнинг бундай ёндашуви яхшироқ билим олишга имкон беради.

Корпоратив ўқитишида икки-уч ўкув куни учун мўлжалланган қисқа дастурлар ишлатилади, чунки ўйинда ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ходимлар қатнашишлари назарда тутилади.

Бизнес симуляциясининг икки тури мавжуд – компьютерлар, яъни ҳақиқий бизнес мұхитини яратадиган электрон моделлар ва иш столи (тахта базаси) дастурлари.

Компьютер симуляцияси – бу интерактив ўйин бўлиб, бошқариш ва қарорларни қабул қилиш жараёнларига тақлид қилишdir. Бунда қарорларни таҳлил қилиш бизнеснинг воқеликларини тақлид қилувчи компьютер дастури томонидан амалга оширилади. Бизнес ўйинлари қўйилган мақсадларга эришиш ва мос кўнималарни намойиш этиш учун

ҳаракат демакдир. Иштирокчилар компанияяни виртуал равищда бошқарадилар, унинг ривожланиши учун стратегик мақсадларни танлайдилар, босқичма-босқич тактик қарроллар қабул қиласылар, мижозлар, ходимлар ва акционерлар билан муносабатларни ўрнатадилар, яъни улар ҳар қандай йирик корпорациянинг менежерлари дуч келадиган барча бошқарув вазифаларини ҳал қиласылар. Компьютер симуляциялари ихтисослаштирилган дастурий таъминот ёрдамида бизнес муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади.

Иш столи симуляцияси бу янада интерфаол формат бўлиб, иштирокчиларга жамоаларда бир-бири билан фаол равишда ўзаро алоқада бўлишга имкон беради. Иш столи бизнес симуляцияси – бу ўйинни визуал равишда акс эттирадиган ўзига хос харитадаги ўзаро алоқа бўлиб, маҳсус карталар ва чиплар ёрдамида амалга оширилади. Иштирокчилар харитада симуляция шартлари ва қабул қилинган қарорларга мувофиқ харакатларни амалга оширадилар.

Иш столи бизнесни симуляция қилишіндеңгейлік концепцияси – бу қатнашчилар ўзлари бизнеснинг воқеиликларига асосланиб ечим топады. Амалиёт орқали машқ қилишдір. Ўйин давомида иштирокчилар компанияни, ишчиларни ва савдони бошқарадилар. Ҳаёт-дан фарқли ўлароқ, ўйинда дархол қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари аниқ бўлади. Бизнесни симуляция қилиш компанияни амалий тушунишни ривожлантиради, ҳар бир ходимдан мувофиқлаштирилган професионал ёндашувни талаб қиласади. Иш столи

бизнесни симуляцияси орқали бошқарув ма-  
лакаларини ривожлантириш, стратегик фи-  
крлашни шакллантириш, ҳақиқий вазиятга  
яқин вазиятларда жамоани бирлаштириш  
имкониятларини беради.

Илмий ҳамжамиятда бизнес симуляцияларига бўлган қизиқишининг ортиши қуидаги омиллар билан боғлиқ<sup>4</sup>:

- талабаларнинг ўсиши;
  - янги ўқув қурслари сонининг кўпайиши;
  - турли хил ўқитиш усулларининг, шу жумладан ноанъанавий усулларнинг ом-мавийлигини ошириш;
  - янги технологияларнинг мавжудлиги

Бизнес симуляциясига асосланган симуляция йүйнлари бир қатор афзалликларга эга:

- хавфсиз ҳудуд – ўйиндаги хатолар бизнеснинг муваффақиятсизлигига олиб келмайди;
  - миқёснинг ўсиб бориши – компания иерархиясида турли лавозимларни эгаллаш қобилияти: иқтисодчидан то топ менежергача;
  - молиявий саводхонликни ошириш – инновацион форматда янги билимларни олиш;
  - жамоа билан ишлаш – мулоқот ва жамоада ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш<sup>5</sup>.

Хулоса қилиб айтганда бизнес-симуляциялари бизнес жараёнларини тушуниш, ўйин давомида иштирокчилар тактик ва стратегик мақсадларни бошқариш, уларнинг оқибатларини кузатиш ва хулосалар чиқариш имконини беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ѓ.Абдуллаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Т., 2000.
  2. Е.И. Велеско, А.А. Быков. Стратегический менеджмент. М., 2001.
  3. Бізнес-симуляції Архивировано 11 августа 2012 года.
  4. Faria, A. J. and Dickinson, John R. (1994). Simulation Gaming for Sales Management Training. Journal of Management Development, Vol. 13, No. 1, pp. 47-59
  5. Dickinson, John R. and Faria, A. J. (1995). Simulation Gaming for Sales Management Training and a Demonstration. In Saunders, Danny (ed.) The Simulation and Gaming Workbook Volume 3: Games and Simulations for Business. Kogan Page, London, pp. 99-109

<sup>4</sup> Burgess, Thomas F. (1995). Strategy Support during a Business Game using an Expert System. In Saunders, Danny and Severn, Jackie (eds.) The International Simulation & Gaming Research Yearbook: Simulations and Games for Strategy and Policy Planning. Kogan Page, London, pp. 87-101

<sup>5</sup> Бізнес-симуляції Архівировано 11 августа 2012 года

# **OBUNA- 2020**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga  
2020 yil uchun  
obuna davom etmoqda**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.**

**Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.**

**Obuna Indeksi: 1090**

**Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochtasi” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.**

**Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.**

**Murojaat uchun telefonlar:**

**1.Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32.**

**Manzil:** Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

**Telefon:** 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

**E-mail:** [kasbhunartalimi@mail.ru](mailto:kasbhunartalimi@mail.ru), [ksbjurnal@inbox.uz](mailto:ksbjurnal@inbox.uz)

